



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ

АХБОРОТНОМАСИ

№4 (36) 2018

Et docere et discere servitute legis

Тадбиркорлик фаолиятида аккредитив шартномасини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари

Противодействие терроризму как условие сохранения политической стабильности демократического общества

Конституционно-правовые основы защиты прав на интеллектуальную собственность

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралashiш билан боғлиқ жиноятларнинг умумий тавсифи



THE ACADEMY OF
THE GENERAL PROSECUTOR'S OFFICE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN





МУАССИС

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

Масъул котиб:

Ғофиржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Дилшод Рахимов
Ботир Қудратходжаев
Умар Халилов
Халим Болтаев
Рустам Гафуров
Худойқул Азизов
Аброр Отажонов
Мирақбар Раҳмонқулов
Музаффар Мамасидиқов
Мансурхон Камолов
Бахтиёр Пўлатов
Фаҳри Рахимов
Сурайё Раҳмонова

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинди, 2018 йил 13 июнда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январ ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганида «Ўзбекистон Республикаси Академияси Ахборотнома-си»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олманган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Махтумқули кўчаси, 59-уй

web-site: www.proacademy.uz

e-mail: proacademy@prokuratura.uz

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобоҷонов

• Буюртма №__ Адади: 1000

• Журнал "Аргументы и факты

Узбекистан" МЧЖ ҚҚ босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри,

Элбек кўчаси, 8-уй.

МУНДАРИЖА

Ф.РАҲИМОВ

Конституция — инсон ҳуқуқларининг ҳимояси гарови

1

Қ.АБДУРАСУЛОВА

Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш

5

А.ОТАЖОНОВ

Жиноятда иштирокчиликнинг субъектив белгилари ҳусусида айрим мулоҳазалар

9

У.НИГМАДЖАНОВ

О вопросах имплементации отдельных положений статьи 53 Конвенции ООН против коррупции в законодательство Республики Узбекистан

14

Б.РАЖАБОВ

Жиноят процессида далилларга баҳо бериш тушунчаси

18

Ш.РАХМАНОВ

Юридическое содержание и границы применения привилегий и иммунитетов представительства международных организаций при государствах-членах

26

Ш.ҚУЛМАТОВ

Жиноят-процессуал мажбуриятларнинг процессуал мажбурлов билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари

32

Ш.РУЗИЕВ

Подходы Республики Узбекистан к вопросу противодействия экстремизму в молодёжной среде

36

Р.ГЛАВБЕРДИЕВ

Противодействие терроризму как условие сохранения политической стабильности демократического общества

41

А.ҲИДОЯТУЛЛАЕВ

Тадбиркорлик фаолиятида аккредитив шартномасини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари Янги Фуқаролик процессуал кодексида одил судловга кўмаклашувчи шахслар институтининг мустаҳкамланиши

44

М.ДЎЎСТҚОРИЕВ

Ижро иши юритувининг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни: таҳлил ва мулоҳаза

48

А.ҲАМИДОВ

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик мониторинги — прокуратура

52

А.КОМИЛОВ

органларининг муҳим вазифаларидан бири Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш,

56

М.КУРБАНОВ

қонунга хилоф равишда аралашиб билан боғлиқ жиноятларнинг умумий тавсифи

62

У.ЗАКИРОВА

Ўч олиш мотиви билан содир этиладиган жиноятларни квалификация қилишнинг айрим масалалари

66

Ш.ЗУФАРОВА

Конституционно-правовые основы защиты прав на интеллектуальную собственность

71

Ф.ХУДАЙКУЛОВ

Жиноят таркиби объектив томони факультатив белгиларининг назарий жиҳатлари ва уларнинг ўзига хос ҳуқуқий аҳамияти

75

А.ДАВРОНОВ

Основные преимущества и недостатки криптовалюты в Республике Узбекистан

80

Раҳимов Фаҳри Ҳайдарович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
Прокурорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш
кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар доктори, доцент

КОНСТИТУЦИЯ — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯСИ ГАРОВИ

✦ Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юртимизда мустақилликни, тинчлик ва барқарорликни таъминлашдек асосий вазифаларнинг ҳуқуқий асоси бўлиши билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек масала унинг мазмунига айлангани таъкидланади. Асосий қонунга мос равишда қабул қилинаётган қонунлар, энг аввало, фуқаро ва шахснинг манфаати ҳимояси, унинг кафолатларини такомиллаштиришга қаратилмоқда. Шунингдек, мақолада суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган сўнгги ислохотлар ва уларни ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш масалалари қайд этилди.

✦ В данной статье подчеркивается, что Конституция Республики Узбекистан является правовой основой для основных задач обеспечения независимости, мира и стабильности в стране, вопрос защиты прав и свобод граждан стал ее содержанием. Законы, принятые в соответствии с Основным Законом, в первую очередь направлены на совершенствование защиты интересов личности и граждан, а также ее гарантий. К тому же, были отмечены последние реформы, проведенные в судебно-правовой системе, и вопросы их внедрения в правоприменительную практику.

✦ This article emphasizes that along with the fact that the Constitution of the Republic of Uzbekistan is the legal basis for the main tasks of ensuring independence, peace and stability in the country, the issue of protecting the rights and freedoms of citizens has become its substance. Laws, which have been adopted in accordance with the Basic Law, primarily aimed at improving the protection of the interests of individuals and citizens, as well as its guarantees. In addition, the latest reforms in the judicial and legal system as well as the issues of their implementation in law enforcement practice have been enlightened.

Таянч сўзлар: Конституция, суд-ҳуқуқ тизими, инсон ҳуқуқлари кафолати, судда ишончли ҳимоя, прокуратура, давлат органи.

Ключевые слова: Конституция, судебно-правовая система, гарантия прав человека, надежная защита в суде, прокуратура, государственный орган.

Key words: Constitution, judicial and legal system, human rights guarantee, reliable protection in court, prosecutor's office, state body.

Давлатимизнинг Асосий қонуни — Конституция-миз вақт синовларидан муваффақиятли ўтиб, кундалик ҳаётимизнинг ривожланиши ва унинг истиқболлини белгилашга изчиллик билан хизмат қилиб келяпти.

Ўтган давр мобайнида Конституция мамлакатимиз буюк келажагининг асосий ҳуқуқий кафолати эканлигини тўла исботлади. Конституция жамиятнинг ривожланишида ва давлат қурилишида янги босқичга ўтишида ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга асос бўлди. Мамлакатда барча жаҳалардаги ривожланишнинг ҳуқуқий асосда йўналтиришга сафарбар этди.

Эътироф этиш лозимки, юртимизда амалга оширилаётган барча йўналишлардаги ислохотлар бевосита шахс ҳуқуқларининг ҳимояси билан боғлиқ. Бинобарин, Конституцияга мувофиқ, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади¹. Мамлакатимиз Конституциясининг бугунги кундаги мавқеига баҳо берар экан, Республикаимиз Президенти

Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллик танта-наларидаги “Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” номли маърузасида “Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини белгилаб берди”, деб таъкидлади.

Конституциямиз қабул қилинганига ҳам мана 26 йил бўлди. Шу давр мобайнида Конституция юртда мустақилликни, тинчлик ва барқарорликни таъминлашдек асосий вазифаларни ҳуқуқий асоси бўлиш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек масала унинг мазмунига айланди. Асосий қонунга мос равишда қабул қилинаётган қонунлар, энг аввало, фуқаро ва шахснинг манфаати ҳимоясини, унинг кафолатларини такомиллаштиришга қаратилмоқда. Охириги йилларда қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар ва бошқа норматив ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини бевосита жамият ҳаётига татбиқ этишни таъминлашни назарда тутгани билан ажралиб туради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони суд ҳокимиятини фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш йўлидаги янги босқичини бошлаб берди. Ушбу фармонда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш вазифаси давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши этиб белгиланганлиги қайд этилди. Фармоннинг моҳиятини унга мувофиқ тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар дастурида қабул қилиниши назарда тутилган бир қатор суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга доир, шунингдек, ишлаб чиқиш ва қабул қилиниши назарда тутилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўлаמידан ҳам билса бўлади.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармон² ва Ҳаракатлар стратегиясининг 2-йўналиши бўлмиш “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари”да назарда тутилган тадбирларда ҳам суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш назарда тутилган эди. Улар жумласига, суд орқали ҳимоя ҳамда суд-ҳуқуқ ислохотларида муҳим ўрин тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тўздан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3250-сонли Қарори ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган “2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастур”ини кўрсатиш мумкин.

Ислохотларнинг кейинги босқичи Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ва ушбу дастурнинг ижроси бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бевосита боғлиқ. Бу борада Давлатимиз раҳбари томо-

нидан 2018 йил 13 июлда эълон қилинган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончли ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5482-сонли Фармонида³ белгиланган масалаларга тўхталиб ўтиш жоиз. Фармон билан суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар, маъмурий, иқтисодий ва ҳарбий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича давлат божлари ва жарималар тўлашдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушаётган суммаларнинг, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундирилган суммаларнинг, қарздорнинг мол-мулкни сотиш ҳисобига солиқ қарздорлигини ундириш бундан мустасно, 40 фоизи миқдорида ажратмалар белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судлар судьялари ва ходимлари ҳамда Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари оширилди.

Шунингдек, малака даражаси ва мансаб даражасига эга бўлган судлар, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши судьялари ва аппаратлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда лавозим маоши таркибига киритиладиган 50 фоиз миқдорида устама тўланадиган бўлди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида суд-ҳуқуқ ислохотларининг йўналишлари хусусида алоҳида тўхталиб, эндиликда судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш тартиби бекор қилинганлигини, бу эса суд ва тергов органларининг ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш борасидаги масъулиятини оширганлигини, 2018 йилнинг 10 оyi давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилганлигини, ҳолбуки, илгари битта оқлов ҳукми чиқариш ҳам судлар фаолиятида ўта кам учрайдиган ҳодиса бўлганлигини, терговнинг сифати яхшиланиб, терговчилар масъулияти оширилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнларининг изчил амалга оширилиши шахс ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. Ўзбекис-

тонда жиноятларнинг таснифланиши тубдан ўзгартирилди. Бунда муқаддам оғир жиноятлар тоифасига киритилган жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати унинг моҳиятига қараб сезиларли даражада қисқартирилди.

2018 йилнинг 6 ойида 2017 йилнинг шу даврига нисбатан умумий жиноятчилик мамлакат бўйича 38,7 фоизга камайди. Ваҳоланки, 2017 йилда ҳам 2016 йилга нисбатан жиноятчилик кескин камайган эди. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда уни эрта аниқлаш чораларини кучайтириш ва унга эришиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусидаги ғояларига мувофиқ юритилаётган давлат сиёсати даражасидаги ишлар самараси ҳисобланади. Давлат томонидан мамлакатда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар фуқароларнинг осойишта, тинч яшашларига шароит яратиб бериб, уларнинг ҳуқуқлари ҳимояси таъминланяпти.

Охириги йилларда ўтказилаётган кенг қўламли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар туфайли бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт қарор топди. Бундан ташқари, демократия тамойилларига асосланган миллий давлатчилигимиз ва ҳуқуқ тизимимиз шаклланди, ижтимоий-маданий соҳа барқарор ривожланиб, мамлакатимиз аҳолисининг маънавий қиёфаси янгиланди ҳамда уларнинг онгига истиқлол ғояси тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, мустақил ёш давлатимиз халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини топганини ҳам эътироф этиш ўринли. Унинг халқаро миқёсдаги нуфузи ошиб бормоқда. Яқин кўшнилари билан тенг тарздаги муносабатларнинг тикланиши ва янги-янги жиҳатларнинг тараққий этиши, нафақат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, балки фан ва маданият, шунингдек, қардошлиқ жиҳатларини ҳам ривожлантириш барча муносабатларимиз ва алоқаларимизнинг марказий масаласига айланди.

Маълумки, демократия ва инсон ҳуқуқларига оид асосий талаблар 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да ўз ифодасини топган. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган биринчи халқаро шартномадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилишда ушбу ва бошқа инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар талаблари инobatга олинган. Ўзбекистон давлати ушбу декларацияга доимий равишда мурожаат этиб келади, уни нуфузини оширишга оид тадбирлар, чоралар кўради. 2018 йилнинг 22-23 ноябрь кунлари ушбу ҳужжат қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан Самарқандда кўплаб хорижий давлатлар вакиллари иштирокида йирик халқаро анжуман

ўтказилди. Республикаимиз Президенти минтақанда биринчи марта ўтказилаётган ва “Самарқанд форуми” деб ном олган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига табрик йўллади. Бу давлатимизнинг нафақат ўзи, балки бошқа давлатларни ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашдек вазифани юксак кадрлашга ундашидан далолат беради.

Юртимизда инсон ҳуқуқи олий қадрият ҳисобланиб, шу нуқтаи назардан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилиб, ўтган қисқа вақт ичида бу борада муайян ишлар амалга оширилди.

Халқимиз инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ва ривожининг кўп йиллик бой тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоян қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари устунлигини тан олган ҳолда, давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилгани Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди.

Адолатли жамиятда яшашни ҳар бир инсон орзу қилади. Шу боис, инсоният адолат учун асрлар мобайнида курашиб келган ва адолатга интилган. Бизнинг тушунчамизда адолатли жамият — бу умуминсоний қадриятлар ҳамда қонун устуворлигини тан олган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини амалда таъминлаётган, ҳақиқий демократияга асосланган жамиятдир. Бундай жамиятни барпо этишда қонун талабларининг оғишмай бажарилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, давлатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари устунлигини тан олган ҳолда, уни тақомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг янги босқичи, яъни либераллаштирилиши ҳам битта мақсадга — инсон ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган бўлиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Маълумки, мамлакатимиз хорижий мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини тобора ривожлантирмоқда. Бунинг натижасида, халқаро муносабатлар изчиллик билан нафақат жамиятимиз, балки ҳар бир фуқаро ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаб бормоқда.

Мамлакатда қонун ижодкорлиги фаолиятининг фаоллашуви ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Охириги йилларда қабул қилинаётган барча норматив-ҳужжатлар замирида инсон манфаати асосий омилга айланган.

Бугунги кунда қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлаш юзасидан прокуратура органлари олдига ниҳоятда масъулиятли вазифалар қўйилган. Қонунлар ва улар асосида чиқариладиган ҳужжатларнинг такомиллашуви уларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат услубларини такомиллаштиришни ҳам тақозо этади.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, мамлакатимиз ўз олдига ҳуқуқий демократик давлатга асосланган фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилиб олган. Бу улкан мақсадга эришишда прокуратура органлари томонидан “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун” деган теран маъноли тамойилга асосланиб, иш кўрилмоқда.

Шу ўринда энг муҳими — давлат ва жамият томонидан прокуратура органларига берилган ваколатлардан тўғри ва белгиланган мақсадлар-

да фойдаланиш, уни фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши ёки камситилиши ҳолатларига йўл қўймакликка, бузилган ҳуқуқларни эса тегишли ваколатлардан ўз вақтида ва самарали фойдаланиб, қатъиятлик билан ҳимоя қилишга йўналтирилмоғи лозим.

Республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Айни пайтда биз Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, инсон ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп ишлар қилишимиз керак”.

Шу талаблардан келиб чиқиб, мамлакат аҳолисининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларда ифодаланган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш прокуратура органларининг энг асосий вазифаси бўлиб қолади.



¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент.: Ўзбекистон. — Б.1.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

Абдурасулова Кумринисо Раимкуловна,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Криминология кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор

КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ, САБАБЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ

✦ Мақолада коррупция тушунчаси, коррупция жиноятчилигига умумий тавсиф берилган, мазкур жиноятчиликнинг сабаблари ва олдини олиш бўйича мулоҳазалар билдирилган.

✦ В статье дано понятие коррупции и общая характеристика коррупционной преступности, высказано мнение о причинах и предупреждении коррупционной преступности.

✦ The article describes the concept of corruption, a general description of corruption offenses, and the reasons for the crime and its prevention.

Таянч сўзлар: коррупция, жиноятчилик, криминологик тавсиф, сабаблар, коррупция жиноятчилиги, олдини олиш.

Ключевые слова: коррупция, преступность, криминологическая характеристика, причины, коррупционная преступность, предупреждение.

Key words: corruption, crimes, criminological characteristics, causes, corruption crunch, prevention.

Мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса сифатида коррупция тарихи қадимийлигига кўра инсоният цивилизациясига тенг десак, хато бўлмади. Давлат хизмати тизимидаги коррупция ҳақидаги биринчи битиклар қадимги Бобил архивларидан топилган. Ўша даврда Лагаш шаҳри мансабдор ва судьяларнинг вазифаларини суиистеъмом қилишнинг олдини олиш мақсадида давлат бошқарувини ислоҳ қилади.

Машҳур қадимги юнон ҳикматига кўра, “Do ut facies” (бажариши учун бераман) дейилган. Коррупция — ижтимоий феномен, жамият ва ижтимоий муносабатлар натижаси, ижтимоий ва хўжалик фаолиятини бошқариш функциясининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, вужудга келади ва мавжуд бўлади, яъни айнан шундай ҳолатда мансабдор шахсда жамият ва давлат манфаатларини эмас, балки ўз шахсий ғараз ниятидан келиб чиқиб ресурсларни тасарруф этиш ва қарорлар қабул қилиш имконияти вужудга келади. Демак, коррупция мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлиб, унинг кўриниши, шакли ўзгариши билан ҳажми қисқармайди.

Ҳозирги вақтда коррупция миллий хавфсизликка таҳдид солаётган асосий хавф бўлиб, иқтисодиёт ривожланишига асосий тўсиқ, давлат томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларга қарамай

ижтимоий барқарорликнинг сақланиши ва чуқурлашувига таъсир қилувчи омилдир. Коррупция иқтисодий қонунларнинг эркин ҳаракатланишини чеклайди, мамлакат нуфузини халқаро ҳамжамият олдида туширади. Ҳаққоний ва ижтимоий йўналтирилган бизнес бозордан сиқиб чиқарилади, чунки коррупция бундай бизнесни норентабел қилиб қўяди.

Коррупция ўта мослашувчан хусусиятга эга бўлиб, шаклини ўзгартириб такомиллашиб, ижтимоий ҳуқуқий тизимдаги бўшлиқлар, камчиликлардан усталик билан фойдаланади. Чоп этилган маълумотларга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳақиқий коррупция ҳолатларининг 1-2 фоизини аниқлайдилар, жавобгарликка тортилганлар сони ундан ҳам камроқдир.

Ушбу ижтимоий салбий ҳодиса миллий давлат чегараларидан чиқиб, глобал масштаб касб этмоқда. Ундан олинган даромадлар легаллаштирилганидан сўнг халқаро ва миллий молиявий тизимга жойлаштирилиб, давлат ва халқаро ҳокимият ҳамда иқтисодиёт институтларини емирмоқда. Трансмиллий коррупцияга қарши кураш XX асрнинг сўнгги чорагида фаоллашди, чунки шу даврда у аниқ институционал хусусият касб эта бошлади. Коррупция қонун устуворлиги, демократия, инсон ҳуқуқларига, жамиятдаги ахлоқий

кадриятлар, ҳокимиятга ишонч, давлат бошқаруви принциплари, тенглик, ижтимоий адолатга таҳдид солади, конкуренция (рақобат)га тўсқинлик қилади. Амалиётни ўрганиш коррупция давлат бошқарувининг бутун тизимини издан чиқариб, давлат ҳокимияти обрўсининг, давлат хизмати нуфузининг тушиб кетишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда. У иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, айниқса иқтисодиёт соҳасида уюшган жиноятчиликнинг ўсишига имкон беради.

Давлат ҳокимияти органларидаги коррупция, айниқса хавфли ҳисобланади. Бундай ҳолатда ҳокимиятга нисбатан монополия вужудга келади, давлат хизмати ваколатлари қонун доирасидан четга чиқиб, қарорлар қатъий ҳисобдорлик ва мансабдор шахсларнинг назорат қилмаслигига олиб келади. Демак, коррупция муаммосини ҳал этмасдан, давлат бошқаруви билан боғлиқ вазифаларни самарали ҳал этиб бўлмайди.

Коррупция феноменини тушунишга оид турли методологик ёндашувлар мавжуд бўлган. Унинг бир нечта, яъни ижтимоий, сиёсий, криминологик, ҳуқуқий жиҳатлари кўриб чиқилган. Хусусан, Афлотун ва Арасту коррупцияни сиёсий категория¹; Н.Макиавелли давлат умумий касаллигининг кўрсаткичи; Ж.Монтескье эса уни дисфункционал жараён эканлиги сабабли яхши сиёсий тартиб ёки тизим яроқсиз бўлиб қолади, деб баҳолашган.

Ҳозирги замон илмий, ўқув ва ижтимоий публицистик адабиётларда коррупцияга турлича таърифлар берилган. Коррупцияга қарши курашнинг универсал усулини аниқлаш учун асос ҳисобланувчи унинг ягона тушунчасини ишлаб чиқиш мурракб эволюцион йўлдир. Коррупциянинг интеграл хусусиятга эга эканлиги туфайли ушбу ҳодисанинг ягона тушунчаси ишлаб чиқилмаган. Шунга қарамай коррупцияга биринчи таърифлар ҳуқуқ соҳасида берилган. Мазкур сўзнинг этимологиясига келсак, латинча “*corruptio*”дан олинган бўлиб, “сотиб олиш”, “пора” деган маъноларни билдиради².

Рим ҳуқуқида “*corruptio*” сўзи синдириш, бузиш, зарар етказиш, сохталаштириш, сотиб олиш маъноларини билдириб, муайян қонунга хилоф ҳаракатни англатган. Юзеф Сентура коррупцияга энг қисқа ва аниқ “хусусий фойдани кўзлаб, оммавий ҳокимиятни суиистеъмол қилиш” — деб таъриф берган. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунида “коррупция шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларни кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”³ деб таърифланган.

Коррупция моҳиятини турли қилмишлар (ҳара-

кат ёки ҳаракатсизлик) йиғиндиси ташкил қилади. У давлат функцияларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган шахснинг ғайриқонуний равишда мулк, хизматлар ёки енгилликлар олишида намоён бўлади.

Коррупция шакллари юқоридаги шахслар томонидан ахлоқ ва қонун нормаларининг бузилишида намоён бўлади. Ахлоқ (этика) нормаларининг бузилишига назоратдаги ташкилотларнинг банкетларида сурункали қатнашиш, хизматлардан текинга фойдаланиш, дўстлари ва қариндошларига кредитлар бериш ва бошқалар киради.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар деганда қонун нормалари билан тақиқланган ва юридик жавобгарлик назарда тутилган қилмишлар тушунилади. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар 4 та асосий турга ажратилади: 1) фуқаровий-ҳуқуқий деликтлар; 2) интизомий ножўя ҳаракатлар; 3) маъмурий ҳуқуқбузарликлар; 4) жиноятлар.

Коррупциявий жиноятлар — мансабдор шахслар ёки давлат хизматчилари томонидан қонунга хилоф равишда неъматлар (мулк, унга бўлган хизматлар ёки енгилликлар) олиш ёхуд шундай енгилликларни тақдим этишда ифодаланувчи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланган ижтимоий хавфли қилмишлар бўлиб, улар давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига бевосита тажовуз қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот хизматининг маълумотида кўра, 2017 йилда 1,7 мингдан ортиқ жиноят иши бўйича порахўрлик учун 2,5 минг нафарга яқин шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Коррупцияга қарши курашишда, аввало, ҳар бир инсон ўз фаолиятини таҳлил ва ислоҳ қилиши керак. Ислохотлар, аввало, инсон онгини ўзгартиришга қаратилмоғи лозимдир⁴.

Коррупция жиноятларининг аксарият қисми латент бўлиб қолмоқда. Мазкур жиноятларни фош этиш динамикаси субъектив омил — ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг, мамлакат раҳбариятининг сиёсий иродасига боғлиқдир. Мамлакатимизда коррупция жинояти учун жавобгарликка тортилганлар сонининг 2013 йилга нисбатан 2017 йилда 1,5 фоизга ортганлиги унга қарши кураш ҳақиқатан кучайганлиги кўрсаткичидир, бироқ коррупция жиноятчилигининг фақат 1-2 фоизи фош бўлади, қолган қисми эса латентлигича қолмоқда. Мансабдор шахслар томонидан содир этилган коррупция жиноятларининг тузилиши қуйидагича: пора олиш (24,4 фоиз), мансаб сохтакорлиги (23,1 фоиз), ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (22,2 фоиз), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (21,7 фоиз), пора бериш (5,4 фоиз) ва бошқалар (3,5 фоиз).

Жиноятчи шахсининг тавсифи уларнинг иккита

мустақил ва бир-биридан фарқ қилувчи криминалогик портретдан ташкил топган:

1) давлат органларининг мансабдор шахси; давлат ёки маҳаллий органлар хизматчиларининг ғайриқонуний равишда енгилликлар, имтиёзлар бериши ёки олиши;

2) юқоридаги мақсадларни кўзлаб маблағ берувчилар ёки бошқа хизмат кўрсатувчилар киради.

Таҳлиллар энг кўп коррупцияга чалинганлар ижро ҳокимияти органларининг хизматчилари эканлигини кўрсатади.

Нодавлат секторда энг кўп коррупциявий ҳуқуқбузарликлар корхоналарнинг директорлари, банкларнинг раҳбарлари томонидан содир этилган.

Жиноят ишларининг таҳлили мазкур тоифадаги жиноятчиларнинг ўртача ёши 37 ёшни, олий маълумотлилар 52 фоизни, аёллар 27 фоизни ташкил этишини кўрсатади. Коррупциявий жиноятларнинг олдини олиш учун уларнинг сабабларини аниқлаш зарур.

Коррупциявий жиноятларнинг иқтисодий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) иқтисодий беқарорлик. Бу аввало инфляцияда намоён бўлади, яъни пул маблағларининг қадрсизланиши туфайли давлат ва маҳаллий давлат органлари хизматчиларининг ҳар қандай даромад манбаларини излашларига сабаб бўлади;

2) жуда юқори даромадга эга бўлганлар табақасининг шаклланиши, эркин маблағлар мансабдор шахсларни сотиб олиш учун ишлатилади;

3) самарали бозор рақобатининг йўқлиги асоссиз равишда жуда кўп даромад олиш имконини беради;

4) давлат мансабдор шахслари ва хизматчилари маошининг камлиги.

Коррупция жиноятчилигининг сиёсий сабаблари ва шароитлари:

1) аҳоли аксарият қисмининг ҳокимиятдан, мулкни бошқаришдан, қонун ижодкорлиги ва уни қўллаш амалиётидан четда эканлиги;

2) жинсий гуруҳлар вакилларининг давлат ҳокимияти органларига кирганлиги;

3) давлат ва маҳаллий органлар хизматчилари сонининг асоссиз равишда ҳаддан ташқари кўплиги.

Коррупциявий жиноятларнинг ҳуқуқий сабаб ва шарт-шароитлари:

1) коррупция жиноятининг қонунда таърифи берилмаганлиги;

2) коррупциявий хулқ-атворнинг турли кўри-нишлари учун белгиланган маъмурий-ҳуқуқий таққларни писанд қилмаслик;

3) давлат органлари мансабдор шахслари, давлат ва маҳаллий давлат органлари хизматчи-

ларидан олинадиган солиқларни тартибга солувчи қонунда бўшлиқларнинг мавжудлиги;

4) қонунни қўллашдаги қийинчиликлар.

Коррупциявий жиноятчиликнинг психологик сабаб ва шароитлари:

1) мамлакатимизда давлат хизматидагиларнинг пора олишининг узоқ тарихий анъаналарга эга эканлиги;

2) аҳолининг ҳуқуқий билими юқори даражада эмаслиги;

3) аҳоли аксарият қисмининг давлат хизматчиларини “сотиб олиш”га руҳий жиҳатдан тайёрлиги;

4) одамлар онгида коррупциявий қилмишни содир этганлик учун жавобгарликка тортилиш хавфи унча катта эмас, деган фикрнинг мавжудлиги.

Коррупциявий жиноятчиликнинг ташкилий ҳуссиятдаги сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар қуйидагилардир:

1) коррупцияга қарши курашга қаратилган ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётининг нисбатан янгилиги;

2) коррупциявий ҳуқуқбузарликларга оид маъмурий ва жиноят статистиканинг тўла ва объектив эмаслиги;

3) республика, вилоятлар миқёсида регистрлар, яъни давлат хизмати ёки маҳаллий давлат органларида ишлаши тақиқланган шахсларнинг ягона рўйхатини юритувчи ташкилотнинг йўқлиги;

4) коррупциявий жиноятчиликка қарши курашувчи органлар мутахассисларини тайёрлашда ўқув-методик таъминот даражасининг пастлиги;

5) қариндош-уруғларнинг хизмат бўйича бир-бирини қўллаб-қувватлаши, адолатни, тартибни бузиб, қариндошлари ва яқинларига даромадли ва фойдали мансабларни тақдим этиши ва ҳ.к.

Фикримизча, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг асосий йўналишлари сифатида давлат ва жамоатчилик томонидан қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

— давлатнинг коррупцияга қарши кураш сиёсатини доимий амалга ошириш мақсадида Коррупцияга қарши кураш бўйича Махсус давлат органини ташкил этиш;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида коррупцияга қарши кураш комиссияларини ташкил этиш (ушбу комиссиялар қабул қилинаётган қонунларнинг коррупция учун қанчалик шарт-шароит яратишини таҳлил ва назорат қилиб боради);

— коррупциянинг барча турларига барҳам бериш учун жиноят, жиноят-процессуал қонуни нормаларини тегишли равишда қайта кўриб чиқиш;

— Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви асослари тўғрисида”ги, “Давлат хизмати тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти

органлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тартиби тўғрисида”ги, “Давлат хизматчисининг мақоми тўғрисида”ги Қонунларни қабул қилиш;

— давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ислоҳ қилиш, бунга тиббий хизмат билан, уй-жой билан таъминлаш (сотиб олиш) бўйича имтиёзлар ҳам киради;

— қонун устуворлигини ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи суд-ҳуқуқ тизимини, коррупцияга қарши кураш олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришни изчил давом эттириш;

— коррупция домига илинган мансабдор шахсларни аниқлаш, тергов қилиш ва жавобгар қилишнинг махсус таомилларини белгилаш;

— маълумот манбаи ҳамда коррупция, ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги ҳақида маълумот етказувчи гувоҳлар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар сир тутилиши, уларнинг хавфсизлигини таъминловчи институтлар ишини такомиллаштириш;

— хорижий мамлакатларнинг муваффақиятли тажрибасини ўрганиш орқали давлат хизматчиларининг мулки ва даромадлари ҳақидаги декларациялар ва уларни текшириш ҳамда оммага

ошкор этиш тизимини яратиш;

— хусусий тадбиркорликнинг тўла эркинлигини таъминлаш, бу йўлда учраб турадиган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича ташкилий, ҳуқуқий чораларни такомиллаштириш;

— барча давлат органлари ходимларининг мансаб вазифаларини ҳудудий ва соҳавий принцип асосида тизимли равишда ўзгартириб туриш (ротация қилиш);

— давлат тузилмалари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш мақсадида жамоатчилик назоратини кучайтириш; коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларини ишга солиш; ишонч телефонларидан фойдаланишни янада кўпроқ йўлга қўйиш;

— коррупциянинг аниқ сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш: коррупция ҳақида “огоҳлантирувчи сигналлар” рўйхатини ишлаб чиқиш; ҳудудлар (вилоят, туман) ва идоралар (таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к.) да коррупция даражаси ҳақидаги жамоатчилик фикрини аниқлаш бўйича ижтимоий тадқиқотлар олиб бориш.

Юқорида аниқланган сабабларнинг бартараф этилиши, берилган таклифларнинг амалга оширилиши коррупция ва у билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олиш имконини беради.



¹ Арасту. Ахлоқи кабир. Тошкент Янги аср авлоди, 2004. — Б. 164. Аристотель. Очинения: в 4 томах, - М., 1983. — с.456, 547.

² Юридик энциклопедия. Т. 2001. Б. 84.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни./ Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Тошкент: “Адолат”, 2017. — Б.3-4.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот хизмати маълумоти. 2018 й. февраль.

Отажонов Абдоржон Анварович,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар доктори

ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИКНИНГ СУБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

◆ Мақолада жиноятда иштирокчилик институтининг субъектив томони билан боғлиқ ҳолатлар илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун нормаларини бир хилда қўллашга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

◆ В статье проведен научно-практический анализ положений, связанных с субъективной стороной института соучастия в преступлении, а также выдвинуты предложения, направленные на единообразное применение норм права в правоприменительной практике.

◆ The article studies scientific-practical analysis of conditions connected with subjective sides of the criminal complicity institute and proposals aimed at uniform application of law norms in law-enforcement practice are developed.

Таянч сўзлар: жиноятда иштирокчилик, жиноят иштирокчиларининг турлари, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи, жиноятнинг субъектив томони, қасд, эҳтиётсизлик.

Ключевые слова: соучастие в преступлении, виды соучастия в преступлении, исполнитель, организатор, посредник, помощник, субъективная сторона преступления, умысел, неосторожность.

Key words: criminal complicity, types of criminal complicity, executor, organizer, mediator, assistant, mental element of the crime, intention, carelessness.

Жиноят ҳуқуқи доктринасида иштирокчиликнинг субъектив белгиларига оид муаммоларни ўрганишга катта эътибор қаратилган. Чунончи, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг биргалашиб жиноят содир этиши жараёнида улар ўртасида муайян субъектив алоқадорлик мавжуд бўлмаслиги ҳамкорликдаги бундай жиноий қилмишни иштирокчилик деб топишни инкор этади. Шу нуқтаи назардан бир неча шахслар томонидан биргаликда содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишни иштирокчилик, деб топиш учун унинг субъектив белгиларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Тергов ва суд амалиёти материаллари таҳлилининг кўрсатишича, жиноятда иштирокчиликка оид масалалар буйича йўл қўйилаётган ҳатоларнинг катта қисми иштирокчиликнинг субъектив белгилари билан боғлиқлигидан далолат беради. Шунинг учун иштирокчиликда содир этилган ҳар бир ҳолатда унинг объектив белгилари билан бир қаторда субъектив белгиларини ҳам аниқлаш тақозо этилади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда жиноят ҳуқуқи назарияси ва амалиётида ушбу масалага доир бир қатор мунозарали ҳолатлар борлиги учун

бу борада ягона тўхтамга келинмаган. Бундай баҳс-мунозаралар иштирокчиликнинг субъектив белгиларини мутаносиблаштириш; эҳтиётсизликдаги иштирокчилик ёки эҳтиётсизлик жиноятларида иштирокчиликнинг мавжуд бўлиш имкониятларини белгилаш; иштирокчиликда содир этилган жиноятларда бир ёки икки томонлама субъектив алоқадорлик масаласи; икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг биргаликдаги ҳаракати туфайли жиноят қонуни билан қўриқланидиган ижтимоий муносабатларга эҳтиётсизлик оқибатида зарар етказиш; мураккаб айбли жиноятларда иштирокчилик хусусиятлари; иштирокчилик субъектив белгиларининг жиноятларни квалификация қилишга таъсири каби масалаларда кузатилади.

Чунончи юридик адабиётларда иштирокчиликнинг субъектив белгилари борасида турли фикрлар билдирилган. Масалан, М.Х.Рустамбаев: «ҳар бир иштирокчининг ҳамма учун умумий натижага эришишига интилиши» ва «жिनотни биргаликда амалга ошириш ҳақидаги ўзаро хабардорлик ва иштирокчилар ҳаракатларининг мувофиқлашганлиги»¹ни иштирокчиликнинг субъектив белгисига киритса, С.С.Мухаммаджонов иштирокчиларнинг жиноятни биргаликда қасдан содир этиш;

хар бир иштирокчининг қасди барча жиноятчилар учун ягона бўлган жиноий натижага эришишга қаратилганлиги; ҳар бир иштирокчининг ўз ҳаракатлари ва бошқаларнинг ҳаракатларини ижтимоий хавфли эканлигини англаганлигини² иштирокчиликнинг субъектив белгилари сифатида қайд этади. И.А.Соттиев эса «иштирокчиликнинг фақат қасддан содир этилган жиноятларда мавжуд бўлиши» ва «жиноятда қатнашаётган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг жиноят содир этаётганликлари ҳақида ўзаро хабардор бўлишлари»³ни иштирокчиликнинг субъектив белгиларига киритади. Таъкидланган мазкур фикрлар иштирокчиликнинг субъектив белгиларини қайсидир даражада ифодадаласа-да, назаримизда уларни янада аниқлаштириш, унинг алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда муайян ҳолда тизимлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан иштирокчиликнинг субъектив белгиларини тизимли равишда ёндашган ҳолда кўриб чиқамиз.

Иштирокчиликнинг субъектив белгиларидан биринчиси, бу иштирокчиликнинг фақат қасддан содир этиладиган жиноятларда бўлишлигидир. Бинобарин, жиноятда иштирокчиликнинг субъектив белгиси икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши, авваламбор барча иштирокчиларнинг умумий жиноий натижага биргалашиб интилишини назарда тутати. Шунинг учун ҳам икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан биргаликда содир этиладиган жиноятларда тасодифий ҳолат мавжуд бўлмайди.

Эҳтиётсизликда содир этилган жиноятларда икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг умумий жиноий натижага эришишига қаратилган интилиши деярли кузатилмайди. Аммо, юридик адабиётларда жиноятда иштирокчиликнинг қандай турдаги жиноятларда бўлиши мумкинлиги бир хилда ҳал этилмаган. Жумладан, ҳозирги пайтда мазкур муаммони таҳлил қилган А.И.Парог ва В.А.Нерсеянлар⁴ эҳтиётсизликда содир этилган жиноятларда иштирокчилик мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрни асослашга уринишган. Уларнинг ёзишича, эҳтиётсизлик жиноятларида иштирокчиликнинг бирга бажарувчилик тури ва қолган турлари эса мураккаб айбли жиноятларда кузатилиши мумкин. Бундай жиноятлар ҳам қасд (қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида эҳтиётсизлик оқибатида одам ўлиши), ҳам эҳтиётсизликда (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) содир этилиши мумкин. Бироқ, биз айбнинг эҳтиётсизлик шаклида содир этиладиган жиноятларда иштирокчилик бўлиши мумкинлигини юқорида келтирилган асослардан келиб чиққан ҳолда қўллаб-қувватлай олмаймиз. Чунки бундай таркибли жиноятларда иштирокчиликнинг

мавжуд бўлиш имкониятлари, биринчидан, унинг юридик табиатига зид келади ва иккинчидан, бу ҳолат суд амалиётида кўплаб муаммоларга ва хатоликларга, шунингдек жиноий репрессияга олиб келиши мумкин.

Шуни қайд этиш жоизки, суд амалиёти материаллари таҳлилининг кўрсатишича, жиноятда иштирок этган шахслар ҳар доим ҳам содир этган ижтимоий хавфли қилмишининг жиноят қонунда белгиланган айб шаклини ёки жиноий жавобгарликка тортиш шартлари ёхуд квалификацияга оид белгилари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлмайдилар. Улар фақат содир этган қилмишининг ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф эканлигини англайдилар, холос. Шундан келиб чиқадиган бўлса, жиноятда иштирокчилик мураккаб айбли жиноятларда кузатилиши мумкин. Чунки, одатда мураккаб айбли жиноятларни икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан содир этишда, жиноятни олдиндан режалаштириш ва уни содир этишни келишиб олиш учун имконият мавжуд бўлади ҳамда ўз навбатида жиноят қонуни (ЖКнинг 23-моддаси) мураккаб айбли жиноятларни қасддан содир этилган, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, қонунда тузилишига кўра, мураккаб айбли жиноятларда икки ёки ундан ортиқ шахслар иштирок этаётганда, улар ўз қилмишларининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини англай олишади, жиноий қилмишни амалга ошириш учун умумий қасд билан ҳаракат қилади, жиноий қилмиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатларга кўзи етади, бироқ улар қонунда назарда тутилган жиноий оқибат келиб чиқмаслигига асоссиз бўлса-да, умид қиладилар.

Жиноятда иштирокчиликнинг субъектив белгиларидан иккинчиси, бу жиноятда иштирок этаётган барча шахслар албатта ижтимоий хавфли қилмишни қасддан содир этишлари шартлигидир.

Жиноятда иштирокчиликнинг субъектив белгиларини таҳлил қилишда, албатта иштирокчиликдаги айб шаклига алоҳида тўхталиш лозим. Қонун (ЖКнинг 27-моддаси) иштирокчилар қилмишининг субъектив томони айбнинг қайси шаклда ифодаланиши зарурлигини белгиламайди. Унда фақат иштирокчиликнинг «қасддан жиноят содир этиш» белгиси кўрсатилган, холос. Бу эса юқорида таъкидлаганимиздек, иштирокчиликнинг фақат қасддан содир этилган жиноятларга нисбатан амалга оширилишини англайди. Айтиш керакки, иштирокчиликда содир этилган жиноятларда қасднинг хусусияти икки босқичли бўлиб, биринчидан, жиноят иштирокчиси ўзининг, иккинчидан, бошқа иштирокчилар қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англаган бўлишини тақозо этади.

Бунда жиноятнинг ҳар бир иштирокчиси ҳеч бўлмаганда, жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларининг умумий хусусиятларини англаши

хамда ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфли оқибатларини кўра билиши зарурдир. Яъни мазкур ҳолат ҳар бир иштирокчининг жиноий оқибатга қўшаётган ўз хиссасини билишини англатади ва улар фаолиятидаги муайян қилмишнинг ўзаро субъектив алоқадорликка таянишини ифода этади. Шу сабабли ҳам жиноят, агар бир нечта шахслар ҳаракатининг бирлашиши натижасида содир этилиб, бироқ уларнинг ҳар бири жиноят содир этишдан бошқа-бошқа жиноий мақсадни кўзлаган бўлсалар, бундай қилмиш иштирокчилик, деб баҳоланмайди.

Айбнинг тузилиши уни тавсифловчи мезонлар ичида асосий ўринни эгаллайди. Айни пайтда, айб аниқ жиноий фаолиятда ўз ифодасини топувчи муайян руҳий муносабатни назарда тутаяди. Бундай руҳий муносабат ўзида интеллектуал ва иродавий белгиларнинг умумийлигини ифода этади. Айтиш керакки, айбнинг интеллектуал ва иродавий белгилари, жиноятнинг объектив белгиларини ўзида акс эттирса ва у билан муайян алоқадорликда бўлсагина айб шаклини ташкил этади. Шундай қилиб, иштирокчиликда содир этилган жиноятларда ҳам айбнинг тузилиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у иштирокчилар қасдининг интеллектуал ва иродавий белгилари мавжуд бўлишини назарда тутаяди. Профессор М.Х.Рустамбаев бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, иштирокчиликда содир этилган жиноятлар таркибининг субъектив томони, яъни интеллектуал белгиси — жиноят иштирокчилари ўз қилмишлари ҳамда биргаликдаги ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англаши, иродавий белгиси эса жиноий натижага эришиш нияти ёки биргаликдаги хатти-ҳаракатларини бирлаштириш орқали бирор натижага эришилишига онгли йўл кўйишда ифодаланадиган қасд билан белгиланишини таъкидлайди⁵. Бизнингча, иштирокчиликдаги қасднинг интеллектуал белгиси қуйидагиларни қамраб олади: а) шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятларини англаши; б) жиноят содир этишда иштирок этаётган бошқа шахслар қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англаши; в) ўз қилмишининг режалаштирилаётган ёки содир этилаётган жиноят билан ўзаро алоқадор эканлигини англаши; г) биргаликдаги қилмишининг ҳамкорликдаги жиноий натижасини олдиндан кўра олиши назарда тутилади. Иродавий белгиси эса муайян жиноятда биргаликда иштирок этишни хоҳлаши ва моддий таркибли жиноятларда биргаликдаги жиноий оқибатнинг юз беришини исташида ифодаланаяди.

Қайд қилиш керакки, одатда иштирокчилик учун тўғри қасд типик ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун айрим олимлар иштирокчилик учун тўғри қасд бўлиши лозим⁶, дейишса, иккинчи гуруҳ олимлар формал таркибли ҳамда жиноятнинг мотив ва

мақсадини жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутган жиноятларда фақат тўғри қасд, бироқ жиноятнинг мотив ва мақсади жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилмаган жиноятлар ҳам тўғри, ҳам эгри қасд бўлиши мумкин⁷, деб фикр билдирадилар. Учинчи гуруҳ олимлар эса иштирокчилик учун ҳам эгри ва тўғри қасд ҳосдир⁸, деб таъкидлайдилар. Аммо, бизнингча, иштирокчиликдаги қасднинг турини ушбу институтнинг бир бутунлигини ҳисобга олган ҳолда белгилаш нотўғри бўлади. Чунки, жиноят иштирокчиларининг ташкилотчи ва далолатчи турига қонунда белгиланган тушунчаси, уларни эгри қасддан содир этилиши мумкинлигини инкор қилади. Сабаби улар аниқ жиноятни ташкиллаштириши ва бошқа шахсни жиноят содир этишга ундаши учун аниқ жиноятнинг содир этилиши ҳамда ушбу жиноят натижасида келиб чиқадиган оқибатни хоҳлаши шарт. Бажарувчи ва ёрдамчининг қилмиши тўғри ёки эгри қасддан содир этилиши мумкин. Чунки, бажарувчи ва ёрдамчи жиноят оқибатларини нафақат хоҳлаши, балки унга онгли равишда йўл кўйиши лозим.

Биз кўриб чиқаётган муаммо нуқтаи назаридан яна бир жиҳатга эътибор қаратишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Хусусан, жиноят ҳуқуқи доктринасида иштирокчилик нафақат қасддан, балки эҳтиётсизликдан ҳам содир этилиши мумкинлиги таъкидланади. Чунончи, Н.Мухторовнинг фикрича, «... жиноят ҳуқуқи фанидаги жиноий жавобгарлик таълимотида эҳтиётсизликда икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан жиноят содир этилиш ҳолларига йўл кўйилади»⁹. Шу билан бирга, А.П.Козлов «... иштирокчилик тўғрисидаги асосий таълимот иштирокчиликни эҳтиётсизлик оқибатида содир этилмайди, деган фикрга олиб келиши мумкин эмас»¹⁰, деб ёзади. Шунингдек, суд амалиётида эҳтиётсизлик иштирокчилиги эҳтимолини инобатга олиб, иштирокчилик тушунчасидаги «қасддан» атамасини «айбли» атамаси билан алмаштирилиши лозим, деб ҳисоблайди»¹¹.

Ўз навбатида биз эҳтиётсизликда иштирокчилик бўлиши мумкин, деган фикрга қўшила олмаймиз. Зотан, иштирокчиликнинг фақат қасддан содир этилган жиноятларда мавжуд бўлиши тўғрисидаги миллий ҳуқуқшунослик доктринасида¹² ҳам кўп маротаба таъкидланган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, эҳтиётсизликда содир этилган жиноятларда иштирокчиликни назарда тутиш унинг юридик табиатига зиддир.

Иштирокчиликнинг субъектив белгиларидан учинчиси — жиноят иштирокчилари ўртасида икки томонлама субъектив алоқадорликнинг мавжуд бўлишидир. Жиноят ҳуқуқи назариясида иштирокчиликда содир этилган жиноятларда жиноят иштирокчилари ўртасида бир ёки икки томонлама

субъектив алоқадорлик мавжуд бўлиши борасидаги қарашлар баҳс-мунозарали ҳисобланади. Хусусан, бу борада назарияда икки хилдаги ёндашув илгари сурилган. Биринчи ёндашувга кўра, «иштирокчилик бир томонлама субъектив алоқадорлик ҳолатида ҳам мавжуд бўлади». Ушбу фикр тарафдорларининг назарида, мисол учун, бажарувчи жиноятни бошқа шахс унга ёрдам бераётганлигини англамаган ҳолда содир этиб, бироқ ёрдамчи жиноят содир этилишида бажарувчи томондан англамаган тарзда ёрдам берган бўлса, бундай қилмиш бир томонлама субъектив алоқадорликка эга бўлса-да, уни иштирокчилик деб баҳолаш керак¹³. Уларнинг назарида ёрдамчининг бу каби жиноий хулқ-атвори иштирокчиликнинг барча объектив ва субъектив белгиларини ўзида қамраб олади. Шу билан бирга, В.В.Васюков, «бажарувчи ва ташкилотчи ўртасидаги субъектив алоқа ҳар доим икки томонламалик хусусиятга эга бўлиши керак, бироқ ёрдамчи ва далолатчининг бажарувчи билан субъектив алоқаси бир томонлама ҳам бўлиши мумкин»¹⁴, деб ёзади.

Агар мазкур нуқтаи назардан келиб чиқилса, жиноят содир этилишида мавжуд бўлган бир томонлама субъектив алоқадорликни иштирокчилик, деб топиш мумкин. Мазкур ҳолат бугунги кунда АҚШ қонунчилигида ўз ифодасини топган. Демак, АҚШ қонунчилиги бажарувчига нафақат била туриб ёрдам берганларни, балки эҳтиётсизлик оқибатида улар билан бирга зарар етказган шахсларни ҳам жиноят иштирокчилари деб топади¹⁵. Аммо икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг бир томонлама субъектив алоқадорлигига эга бўлган ҳолда содир этилган қилмишни иштирокчиликда содир этилган жиноят деб баҳолаш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Иккинчи ёндашувга кўра, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг бир томонлама субъектив алоқадорлигига эга бўлган ҳолда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш иштирокчиликни ташкил этмайди. Жумладан, А.И.Плотниковнинг ҳақли равишда таъкидлашича, «Жиноятда иштирокчилик фақат икки томонлама субъектив алоқани назарда тутаяди, яъни қачонки А. унга Б. ёрдам бераётганлигини тушунса, Б. ҳам унга А. ёрдам бераётганлигини англаши керак. Бундан ташқари, иштирокчиликда ҳар иккала томон нафақат умумий жиноий натижага эришиш учун бирга ҳаракат қилаётганлигини билиши, балки унинг мазмунини ҳам ўзаро тушуниши лозим»¹⁶. Бинобарин, бажарувчи унга бошқалар томондан ёрдам бераётган шахс ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши талаб этилмайди. Бироқ, унга кўмаклашаётган шахсларнинг содир этилаётган жиноий қилмишидан манфаатдор ёки умумий жиноий мақсадни кўзлаётганлиги ҳамда биргаликда жиноят содир этаёт-

ганлигини англаган бўлиши керак. Демак, жиноят содир этилиши жараёнида иштирокчиларнинг бир-бирининг шахси ҳақида билмасликлари содир этилаётган жиноят бўйича келиб чиқадиган жиноий оқибатни кўра олиш имкониятидан маҳрум этмайди.

Хулоса қилганда, бажарувчи билан бошқа иштирокчилар ўртасида икки томонлама субъектив алоқадорлик мавжуд бўлиши керак. Яъни бажарувчи жиноят таркиби белгилари билан қамраб олинган ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англаши ва биргаликдаги қилмиши натижасида келиб чиқадиган жиноий натижани кўра билиши лозим. Шу ўринда айтиш керакки, иштирокчилик учун ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ўртасида икки томонлама субъектив алоқадорлик бўлиши талаб этилмайди. Бундай икки томонлама субъектив алоқадорлик: ташкилотчи ва бажарувчи, далолатчи ва бажарувчи, ёрдамчи ва бажарувчи ўртасида бўлиши шарт.

Иштирокчиликнинг субъектив белгиларидан тўртинчиси, бу биргаликда содир этилган жиноят ҳақида ўзаро хабардорлик ҳисобланади. Иштирокчиликда жиноят содир этаётган шахслар ҳамкорликда жиноят содир этаётганликларидан хабардор бўлишлари керак. Яъни хабардорлик жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли даражада бўлиши зарур. Бу эса шахсларнинг жиноят содир этишда ўзидан бошқа камида яна битта шахс қатнашаётганлиги ҳамда унинг қилмиши жиноят эканлигидан хабардорлигини, шунингдек жиноятни бирга бажараётгани ёки жиноят содир этаётган бажарувчига ёрдам бераётганлиги ва бошқа шахсни жиноят содир этишга жалб қилаётгани ва ташкиллаштираётган қилмиши жиноят эканлигини тушуниб етадиган даражада хабардор бўлишини англайди.

Иштирокчиликда жиноят содир этаётган ҳар бир шахсларнинг руҳий ҳолатида, яъни жиноятда у билан бирга бошқа шахслар (ёки битта шахс) қатнашаётганлигини билиши ҳамда биргаликда ҳаракат қилиб ягона мақсадга эришиш нияти мавжуд бўлади. Шу билан бирга, иштирокчиликда жиноят содир этаётган шахсларнинг барчаси бошқа иштирокчилар билан ҳамкорликда ҳаракат қилаётганларини, бу ҳамкорлик қайси йўналишга қараб ривожланишини, жиноятда қатнашаётган шахсларнинг жиноий оқибатга нисбатан мақсадлари ягона эканлиги ҳамда давлат ёки жамият манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етказилиши мумкинлигидан хабардор бўлишлари жиноятда қатнашаётган шахсларни иштирокчиликда жиноят содир этилган, деб ҳуқуқий баҳолаш учун асос бўлади¹⁷.

Жиноий мақсад ҳақида иштирокчиларнинг ўзаро хабардорлиги иштирокчиларнинг биргаликда ҳаракат қилиши нима учун кераклиги тўғриси-

да маълумотларнинг ҳеч бўлмаганда умумий хусусияти ҳақида билишларини назарда тутати. Иштирокчилик учун режалаштирилган жиноий қилмишларнинг барча ҳажми ҳамда иштирокчилар ҳақида тўлиқ маълумотлар билан хабардор этилиши талаб қилинмайди. Унинг учун иштирокчиларнинг ҳар бири бажарувчининг ҳаракатлари ҳақида хабардорлиги ва бажарувчи ҳеч бўлмаганда битта иштирокчи тўғрисида билганлигининг ўзи кифоя қилади.

Қасднинг умумийлиги кутилаётган натижага эришиш учун биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида келишувни англатади. Жиноят ҳақидаги келишув сўзлашув орқали, имо-ишоралар ёрдамида, воситачи орқали, ёзишмалар усулида ва бошқа шу кабиларда ифодаланиши мумкин. Бунда келишув ҳақида битим тузиш ва жиноят содир этиш оралигида ўтган вақт ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамият касб этмайди. Келишув жиноятни амалга ошириш жараёни давомида аниқлаштирилиши ёки тўхтатилиши мумкин. Келишув умумий хусусиятга эга бўли-

ши керак. Муҳими, унда жиноий оқибат ва улар ҳаракатларининг сабабий боғланиши келишувнинг умумий қасд хусусияти асосида шаклланган бўлиши лозим. Умумий қасд доирасидан четга чиқадиган ҳаракат ва жиноий оқибат барча иштирокчиларнинг жиноий ниятига киритилиши мумкин эмас. Бундай жиноий ният жиноят содир этишдаги ўзаро келишувни бузган бўлса, ушбу шахсга нисбатан қўлланилади.

Хулоса қилганда, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг биргаликда жиноятда қатнашиш бора-сидаги келишувни жиноят бошлангунча ёки жиноят тамом бўлмагунча қадар амалга оширилиши мумкин. Жиноят содир этиш учун биргаликда ҳаракат қилаётган шахсларнинг ўзаро хабардорлиги иштирокчиликнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Чунки агар бажарувчи жиноятни қасддан содир этишига қарамасдан ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи ҳаракатларининг жиноий хусусиятини англамаган бўлса, бундай хулқ-атворни жиноятда иштирокчилик, деб тан олиб бўлмайди.



¹ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I Том. Умумий қисм, Жиноят тўғрисида таълимот. Дарслик. – Т., 2010. — Б. 261.

² Мухаммаджонов С.С. Жиноий жавобгарликни индивидуаллаштиришда иштирокчилик институтининг долзарб масаласи: Юрид. фан. номз. дис. ... автореф. – Т., 2011. — Б. 12.

³ Соттиев И.А. Уюшган гуруҳлар томонидан содир этиладиган жиноятларни квалификация қилиш: Ўқув қўлланма. – Т., 2012. – Б. 16.

⁴ Раюв А.И. Уголовная ответственность за неосторожное сопричинение // Уголовное право в XXI веке. Материалы международной научной конференции. – М., 2002. — С. 62–70; Нерсисян В.А. Ответственность за неосторожные преступления. Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — М., 2006. — С. 18.

⁵ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I Том. Умумий қисм, Жиноят тўғрисида таълимот. Дарслик. – Т., 2010. — Б. 241-242.

⁶ Наумов А.В. Практика применения Уголовного кодекса Российской Федерации: комментарий судебная практика и доктринальное толкование (постатейный). — М., 2005. — С. 50.

⁷ Кадилов А. Жиноятда иштирокчиликнинг объектив ва субъектив белгилари // Qonun himoyasida. — 2004. — № 2. — Б. 26–30.

⁸ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I Том. Умумий қисм, Жиноят тўғрисида таълимот. Дарслик. – Т., 2010. — Б. 261.

⁹ Мухторов Н. Жиноят қонунининг айбни эҳтиётсизлик шакли билан боғлиқ нормаларини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 15 йил: Илмий амалий конференция материаллари тўплами. — Т., 2010. — Б. 114.

¹⁰ Козлов А.П. Соучастие: традиции и реальность. — СПб., 2001. — С. 13.

¹¹ Козлов А.П. Соучастие: уголовно-правовые проблемы: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — СПб., 2003. — С. 25.

¹² Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар (Умумий қисм). — Т., 2006. — Б. 162; Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. — Т., 2005. — Б. 274.

¹³ Козлов А.П. Соучастие: традиции и реальность. — СПб., 2001. — С. 71.

¹⁴ Васюков В.В. Виды соучастников в уголовном праве России. Дис. ... канд. юрид. наук. — СПб., 2008. — С. 158.

¹⁵ Козочкин И.Д. Уголовное право США: успехи и проблемы реформирования. — СПб., 2007. — С. 224.

¹⁶ Плотников А.И. Объективные и субъективные признаки соучастия в преступлении // Вестник Оренбургского государственного университета. Оренбург 2004.- - № 3. — С. 86.

¹⁷ Найимов С.С. Қилмишни жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари. — Т., 2007. — Б. 16.

Нигмаджанов Уйгун Учқунович,
заместитель начальника Академии Генеральной
прокуратуры Республики Узбекистан

О ВОПРОСАХ ИМПЛЕМЕНТАЦИИ ОТДЕЛЬНЫХ ПОЛОЖЕНИЙ СТАТЬИ 53 КОНВЕНЦИИ ООН ПРОТИВ КОРРУПЦИИ В ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

✦ Ушбу мақолада БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш Конвенциясининг 53-моддасида келтириб ўтилган жиноий активларни қайтариш жумладан, хорижий давлат томонидан иштирокчи-давлатлар судларига коррупция жиноятларини содир этиш натижасида ўзлаштирилган активларга мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги фуқаролик даъволарини тақдим этиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш масалалари кўриб чиқилади. Хорижий давлатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси судларига активларга нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги фуқаролик даъволарини тақдим қилишнинг амалдаги механизми, шунингдек жиноят процессида фуқаролик даъвои ҳал қилиш масалалари таҳлил қилинган.

✦ В настоящей статье рассматривается вопрос имплементации в законодательство Республики Узбекистан положений статьи 53 Конвенции ООН против коррупции о возврате преступных активов в части предоставления иностранному государству права предъявлять в суды государств-участников гражданские иски об установлении права собственности на имущество, приобретенное в результате коррупционных преступлений. Автором проведен анализ существующего механизма подачи гражданских исков о признании права собственности на активы со стороны иностранных государств в суды Республики Узбекистан, а также разрешения гражданского иска в уголовном процессе.

✦ This article addresses the issue of implementation to the legislation of the Republic of Uzbekistan certain provisions of Article 53 of the UN Convention against Corruption on criminal assets recovery in terms of permitting foreign state to initiate civil suits in the courts of the member states to establish ownership of property acquired through corruption offenses. The author analyzed the existing mechanism for filing civil claims for recognition of ownership of assets by foreign states in the courts of the Republic of Uzbekistan, as well as solving civil suit within criminal proceedings.

Таянч сўзлар: БМТнинг коррупцияга қарши курашиш Конвенцияси, активларни қайтариш, жиноий даромадлар, зарарни қоплаш, коррупцияга қарши курашиш, мулк ҳуқуқини тан олиш, хорижий давлат даъвоси, исботлаш мажбурияти, исботланганликнинг мезонлари.

Ключевые слова: Конвенция ООН против коррупции, возврат активов, преступные доходы, возмещение ущерба, противодействие коррупции, признание права собственности, иск иностранного государства, бремя доказывания, критерии доказанности.

Key words: UN Convention against Corruption, asset recovery, proceeds of crime, paying damages, anti-corruption, establishing ownership, foreign state's suit, burden of proof, standard of proof.

Став участником Конвенции ООН против коррупции, Узбекистан принял на себя ряд международных обязательств, направленных на создание всеобъемлющего механизма противодействия коррупции.

Часть норм этого международного юридического обязательного договора носит рекомендательный характер, призывая государства рассмотреть возможность «создания», «установления» либо иного действия для внедрения того или иного элемента вышеуказанного механизма. Другая часть носит обязательный характер.

К последним, в частности, относятся положения статьи 53 (меры для непосредственного возвращения имущества) главы V Конвенции, комплексно регулирующей вопросы возврата преступных активов.

Институт возврата активов является немаловажной составляющей механизма борьбы с коррупцией, поскольку направлен на лишение преступников главного — материальной выгоды. Кроме того, он направлен на устранение или минимизацию экономических, социальных и других последствий коррупции¹.

Согласно пункту «а» статьи 53 Конвенции, государства-участники **должны** (здесь и далее выделено автором) разрешить другому государству-участнику **предъявлять в свои суды гражданские иски об установлении правового титула² или права собственности** на имущество, приобретенное в результате коррупционных преступлений.

Для понимания того, позволяет ли законодательство Республики Узбекистан применять такой

механизм, необходимо ответить на такие вопросы, как: является ли государство участником гражданско-правовых отношений, может ли в качестве такового выступать иностранное государство, предусматривает ли закон возможность подавать иск о признании права, что вправе требовать государство, подавая иск, вопросы подведомственности и подсудности, и другие аспекты.

Анализ законодательства показывает, что государство является субъектом гражданско-правовых отношений в Республике Узбекистан.

В соответствии со статьей 2 Гражданского кодекса Республики Узбекистан (далее — ГК) участниками регулируемых гражданским законодательством отношений являются граждане, юридические лица и государство.

Закон гласит, что государство участвует в отношениях, регулируемых гражданским законодательством, на равных основаниях с другими участниками этих отношений.

От имени государства в таких отношениях могут участвовать органы государственной власти и управления и иные специально уполномоченные ими органы через институт представительства (статья 79 ГК).

Правила, установленные гражданским законодательством, применяются к отношениям с участием **иностранных граждан, лиц без гражданства и иностранных юридических лиц**, если иное не предусмотрено законом.

Таким образом, иностранное государство в лице его уполномоченных органов является участником гражданско-правовых отношений в Республике Узбекистан и будет выступать в качестве иностранного юридического лица.

Такой подход применяется также в большинстве западноевропейских стран³.

К способам защиты гражданских прав статья 11 ГК относит признание права, восстановление положения, существовавшего до нарушения права, признание сделки недействительной (статьи 116 и 123 ГК), возмещение убытков (включая упущенную выгоду) и другие способы.

Защита права собственности и других вещных прав, истребование имущества от добросовестного приобретателя, возврат или возмещение всех доходов от владения недобросовестным владельцем детально регулируются главой 19 ГК.

Поддача иска о признании права собственности на активы может осуществляться как в рамках гражданского судопроизводства, так и в рамках уголовного преследования.

Участие в гражданском процессе иностранных граждан и организаций регламентируется разделом III Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее — ГПК).

В частности, в соответствии со статьей 359 ГПК **иностранные организации** имеют право обращаться в суды Республики Узбекистан и пользуются гражданскими процессуальными правами для защиты своих интересов.

Поддача иска о признании права собственности, возврате активов и возмещении ущерба может основываться на фактах преступлений, нарушений контрактов и причинения вреда или неосновательного обогащения (часть 2 статьи 8 ГК).

В случаях мошенничества и незаконного присвоения публичных средств государство-истец требует установления законного права собственности на имущество от имени своего населения или государственного казначейства. В случаях взыскания или других видов правонарушений, когда оспариваемое имущество имеет частное происхождение, иск может основываться на праве государства-участника добиваться возвращения любой выгоды, извлеченной в результате злоупотребления служебным положением или предоставленными полномочиями⁴.

Анализ правил подсудности, закрепленных в статьях 33 и 34 ГПК, показывает, что такие иски подаются межрайонному, районному (городскому) суду по гражданским делам, в районе деятельности которого ответчик имеет постоянное местожительство или занятие (персональная юрисдикция)⁵ либо находится имущество (предметная юрисдикция) или причинен вред.

Важным вопросом, который необходимо иметь в виду при подаче искового заявления, является бремя доказывания.

В силу требований статьи 72 ГПК, при рассмотрении дела каждая сторона обязана доказать обстоятельства, на которые она ссылается как на основание своих требований и возражений.

Рекомендации международных экспертов здесь состоят в том, чтобы государство-участник имело возможность подавать иск об установлении права собственности на имущество, приобретенное не только в результате незаконного присвоения и хищения, когда имеется прямая связь между имуществом и преступлением, но и в результате получения взятки (когда у потерпевшего государства-участника **не имеется такой явно выраженной прямой связи**) или совершения любого другого преступления, установленного Конвенцией⁶.

Каких-либо законодательных ограничений в Республике Узбекистан в этом плане нет.

Вместе с тем, государствам рекомендуется, что вне зависимости от достаточности критерия доказанности в той или иной правовой системе, важно, чтобы его применение было оговорено в соответствующем законодательном акте⁷.

В соответствии с нормами ГПК (статья 80) суд оценивает доказательства по своему **внутреннему убеждению**, совокупность доказательств подлежит оценке с точки зрения **их достаточности**, суд обязан привести в решении мотивы, по которым **одни доказательства приняты** в качестве средств обоснования выводов суда, а **другие доказательства отвергнуты**, а также основания, по которым **одним доказательствам отдано предпочтение** перед другими.

Указанные положения свидетельствуют, что критерием доказанности в судах республики является что-то смешанное между перевесом доказательств (сравнением вероятностей) и отсутствием обоснованных сомнений или «убежденности».

Хотя на практике предъявление доказательства убытков или ущерба и тесной причинной связи между такими убытками и ущербом и деянием может оказаться сложным, согласно разъяснениям Пленума Верховного суда Республики Узбекистан⁸:

— во-первых, недопустим отказ в принятии заявления к производству и возбуждении дела **по мотивам недоказанности заявленного требования**;

— во-вторых, суд определяет обстоятельства, имеющие значение для дела, а также какой из сторон они подлежат доказыванию;

— в третьих, суд может предложить сторонам и иным участвующим в деле лицам представить дополнительные доказательства, а также по ходатайству последних **оказать содействие в их собирании**.

Вопрос значительно упрощается, когда ответчик признает заявленные требования в полном объеме и это принято судом. В этом случае решение об удовлетворении исковых требований принимается без исследования доказательств⁹.

Анализ экономического процессуального законодательства также показывает возможность подачи иностранным государством иска в Республике Узбекистан в отношении юридических лиц, а также индивидуальных предпринимателей.

В частности, в главе 31 Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее — ЭПК) предусмотрены общие правила рассмотрения дел с участием иностранных лиц.

Экономические суды Республики Узбекистан рассматривают дела по спорам, возникающим в экономической сфере, с участием иностранных организаций, международных организаций, иностранных граждан, лиц без гражданства (далее — иностранные лица).

Такие иски предъявляются в суд по месту государственной регистрации юридических лиц, а при неизвестности места, по месту нахождения иму-

щества (статьи 33-34 ЭПК). Иски о признании права собственности и о других правах на недвижимое имущество предъявляются по месту нахождения недвижимого имущества (статья 37 ЭПК).

В отличие от гражданского процессуального законодательства, ЭПК выводит иностранных лиц — нерезидентов Республики Узбекистан в особую категорию, определяя подсудность дел с их участием вышестоящим судам — экономическим судам Республики Каракалпакстан, областей, города Ташкента (статья 32).

Однако это никоим образом не снижает гарантий защиты их прав, поскольку количество инстанций, которые могут пересмотреть дело, остается таким же, как если бы дело было рассмотрено на уровне районного суда.

Вместе с тем, иногда производство по гражданскому делу или экономическому спору может находиться в зависимости от производства по уголовному делу.

Так, в соответствии с пунктом 4 статьи 116 ГПК и пунктом 1 статьи 101 ЭПК суд обязан приостановить производство по делу **в случаях невозможности рассмотрения** данного дела до принятия решения по уголовному делу.

Между тем, остается неясным, нужно ли приостановить производство, если уголовное преследование осуществляется в иностранном государстве. Этот вопрос может быть уточнен путем дачи соответствующих разъяснений Пленумом Верховного суда Республики Узбекистан.

В целом иск в порядке гражданского судопроизводства рассматривается как возможность, когда он не был предъявлен в уголовном процессе в рамках проводимого расследования или когда иск в уголовном процессе был оставлен без рассмотрения, а равно когда уголовное преследование невозможно или завершилось неудачно¹⁰.

Гражданский иск в уголовном процессе регулируется статьями 56, 275-286 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее — УПК), которые содержат положения о признании гражданским истцом лица, предприятия, учреждения или организации, если преступлением им причинен имущественный вред.

По результатам рассмотрения уголовного дела и гражданского иска суд, в случае постановления обвинительного приговора (статья 283 УПК), в зависимости от доказанности оснований, размера иска и других условий, удовлетворяет его полностью или частично, присуждая выплату компенсации и возмещение убытков, или отказывает в нем.

Этому вопросу посвящено отдельное постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан № 26 «О судебной практике по применению законодательства о возмещении

имущественного вреда, причиненного преступлением», принятое 27 декабря 2016 года. Однако в нем отсутствуют какие-либо разъяснения относительно возможности выступать в качестве гражданского истца иностранному лицу.

Кроме того, истцом признается лицо, если ему причинен ущерб (включая упущенную выгоду). В этой связи, в рамках уголовного процесса иск будет носить усеченный характер, ограничиваясь только возмещением ущерба, тогда как в рамках гражданского судопроизводства иск, предусмотренный пунктом «а» статьи 53 может быть реализован в полном объеме.

Вместе с тем, по вопросу о гражданском иске в уголовном процессе необходимо отметить, что, если процессуальные отношения УПК не урегулированы, то применяются не противоречащие принципам уголовного процесса правила гражданско-процессуального законодательства (ст.280 УПК). А положения Гражданского и Гражданско-процессуального кодексов в этой части предусматривают в качестве субъектов иностранных лиц.

В то же время, с точки зрения правовой определенности, целесообразно с учетом изучения зарубежного опыта регулирования этого вопроса, в нормах УПК о гражданском истце (статья 56 УПК) предусмотреть категорию «иностранных

граждан, лиц без гражданства, иностранных или международных организаций, а также иностранных государств и их законных представителей».

Также, следует изучить вопрос о расширении объема исковых требований, которые могли бы быть заявлены в рамках уголовного судопроизводства.

Имплементация положений Конвенции важна с точки зрения обеспечения глобального механизма противодействия коррупции.

В рамках участия в Стамбульском плане действий Сети ОЭСР по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии, Узбекистану даны рекомендации о принятии мер, обеспечивающих непосредственное возвращение имущества в порядке, предусмотренном статьей 53 Конвенции ООН.

Более того, республике предстоит пройти 2-й цикл обзорного механизма хода осуществления Конвенции ООН против коррупции, в рамках которого международные эксперты проведут анализ выполнения главы V Конвенции, касающейся возврата активов.

В этой связи призываем ученых и практиков к изучению вопросов имплементации положений главы V Конвенции в национальное и зарубежное законодательство, а также их применения в практической деятельности.



¹ Руководство для законодательных органов по осуществлению Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции. Второе исправленное и дополненное издание, 2012 год. ООН, с.150

² С учетом того, что используемая в Конвенции категория «правовой титул» относится в большей мере к странам общего права, при анализе будет идти речь о праве собственности на имущество.

³ Articles of the United Nations Convention against Corruption on asset recovery: analysis of reported compliance and policy recommendations// Conference of the States Parties to the United Nations Convention against Corruption. Third session. Doha, Qatar, 9-13 November 2009//CAC/COSP/2009/CRP.9, с.24. См. по ссылке: <https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/COSP/session3/V0987578e.pdf>

⁴ Техническое руководство по осуществлению Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции. 2010 год. ООН, с.239-240.

⁵ Руководство по возврату активов для специалистов-практиков / Жан-Пьер Брюн, Ларисса Грей, Кевин Стивенсон, Клайв Скотт; Пер. с англ. — М.: Альпина Паблшер, 2012. Стр.29

⁶ Техническое руководство по осуществлению Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции. 2010 год. ООН, с.238

⁷ Возврат похищенных активов: руководство по конфискации активов вне уголовного производства / Теодор Гринберг, Линда Сэмюэль, Вингейт Грант, Ларисса Грей; Пер. с англ. — М.: Альпина Паблшерз, 2010, с.92-93

⁸ Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О некоторых вопросах применения судом первой инстанции норм гражданского процессуального законодательства» от 19 мая 2018 г. № 14. См. пункт 15.

⁹ Там же, пункт 16.

¹⁰ Возврат похищенных активов: руководство по конфискации активов вне уголовного производства / Теодор Гринберг, Линда Сэмюэль, Вингейт Грант, Ларисса Грей; Пер. с англ. — М.: Альпина Паблшерз, 2010, с.56-57

Ражабов Бахтиёр Алмахматович,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноят ва жиноят-ижроия
ҳуқуқи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАРГА БАҲО БЕРИШ ТУШУНЧАСИ

- ◆ Мақолада жиноят процессида далилларга баҳо бериш тушунчаси илмий ва қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шу билан бирга, далилларга баҳо бериш тушунчасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар илгари сурилган.
- ◆ В статье анализируются научные и сравнительно-правовые аспекты понятия оценки доказательств. Вместе с тем, вносятся рекомендации по совершенствованию определения понятия оценки доказательств.
- ◆ The article analyses the scientific and comparative-legal aspects of the notion of assessment of evidence. Besides, recommendations on improvement of the notion of assessment of evidence.

Таянч сўзлар: жиноят процессида далил, далилларга баҳо бериш, исбот қилиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, судья, алоқадорлик, мақбуллик, ишончлилик, етарлилик.

Ключевые слова: доказательства в уголовном процессе, оценка доказательств, доказывание, дознаватель, следователь, прокурор, суд, судья, относимость, допустимость, достоверность, достаточность.

Ключевые слова: evidence in criminal procedure, assessment of evidence, proving, investigator, prosecutor, court, judge, relevance, appropriate, available, sufficiency.

Жаҳонда жиноят ишлари бўйича судга қадар юритувни амалга оширувчи органлар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини, амалий қўлланилишини ва натижаларини таҳлил этиш бу соҳада ўзининг ечимини кутаётган, процессуал назария ва суд-тергов амалиёти билан боғлиқ қатор комплекс муаммолар мавжудлигини кўрсатади¹. Жумладан, далилларни баҳолашни тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилиги нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

«Баҳо бериш» тушунчасининг луғавий маъноси бирор кимса, нарса ёки воқеа-ҳодисанинг аҳамияти, қадри ҳақида фикр билдиришни англатади².

Далилларни баҳолаш — исботлаш жараёнининг энг муҳим элементи ҳисобланади. «Албатта, жиноят процессуал исботлашнинг барча тузилмавий элементлари ўртасида қандайдир у ёки бу даражада аниқ чегаралар ўтказиш қийин, кўпинча эса мумкин ҳам эмас. Чунки, уларнинг барчаси ўзаро мураккаб ва яқин ўзаро боғлиқликда бўлади ҳамда ягона исботлаш жараёнининг у ёки бу томонларини ифода этади»³.

Қайд этиш жоизки, «далиллар процесснинг барча босқичларида баҳоланади»⁴. Далилларни баҳолашдан кўзланган асосий мақсад — ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун

аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш ҳисобланади.

Б.Миренский, А.Асамутдинов, Ж.Камалходжаевлар тўғри таъкидлаганидек, «далилларни баҳолаш тергов ва суд муҳокамасини мақсадга йўналган ҳолда юритиш, қонуний ва асосланган процессуал қарорлар қабул қилиш, жиноят қонунини тўғри қўллашнинг зарур шарти бўлиб хизмат қилади»⁵. «Далилларни баҳолаш иш бўйича процессуал қарор қабул қилиш учун замин ҳозирлайди. Баҳолашсиз далилларни тўплаш, тадқиқ этиш, хулосалар чиқариш ва тўғри процессуал қарор қабул қилиш жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди»⁶.

Қонун чиқарувчи далилларни баҳолаш тушунчасига таъриф бериш масаласини эътибордан четда қолдирмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда — ЖПК) 95-моддаси (далилларга баҳо бериш) 1-қисмига мувофиқ, «суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлиги нуктаи назаридан баҳоланиши лозим»⁷.

Ўтган давр мобайнида ЖПКнинг ушбу норма-

сига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмаганлиги боис, уни замонавий талаблар ва амалиёт эҳтиёжлари асосида такомиллаштириш зарурати юзага келган.

Тадқиқот жараёнида далилларни баҳолаш тушунчасининг мазмун-моҳияти муҳим саволлар воситасида чуқур илмий таҳлил қилинди.

Қайси субъектлар далилларга баҳо беради?

Бу савол далилларни баҳолаш тушунчасининг мазмун-моҳиятини ёритишда жиддий аҳамият касб этади.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил натижаларининг далолат беришича, хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида далилларга баҳо берувчи субъектлар бўйича қуйидаги ёндашувларни кузатиш мумкин:

биринчи ёндашув: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (Россия Федерацияси ЖПК 88-моддаси 2-қисми⁸, Қозоғистон ЖПК 125-моддаси 2-қисми⁹);

иккинчи ёндашув: суриштирув органи ходими, терговчи, прокурор, **судья** (Арманистон ЖПК 127-моддаси 2-қисми¹⁰), суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, **судья** (Тожикистон ЖПК 88-моддаси 1-қисми¹¹, Туркманистон ЖПК 136-моддаси 1-қисми¹²);

учинчи ёндашув: суриштирув органининг ваколатли мансабдор шахси, терговчи, прокурор, **ҳакамлар**, суд (Қирғизистон ЖПК 95-моддаси 2-қисми¹³);

тўртинчи ёндашув: **жиноий таъқиб органи**, суд (Беларусь ЖПК 105-моддаси 6-қисми¹⁴);

бешинчи ёндашув: **жиноий таъқиб органи вакили**, **судья** (Молдова ЖПК 101-моддаси 2-қисми¹⁵);

олтинчи ёндашув: терговчи, прокурор, **тергов судьяси**, суд (Украина ЖПК 94-моддаси 1-қисми¹⁶); еттинчи ёндашув: суд (Эстония ЖПК 61-моддаси 2-қисми¹⁷).

Ушбу таҳлиллар натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимиз қонунчилигидан фарқли равишда хорижий давлатларда **далилларга баҳо берувчи субъектлар доирасига судья, жиноий таъқиб органи (вакили), ҳакамлар ҳам киритилган.**

Таҳлилларнинг кўрсатишича, илмий-назарий адабиётларда далилларга баҳо берувчи субъектлар бўйича қуйидаги ёндашувлар илгари сурилган:

биринчи ёндашув: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд (З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова¹⁸, А.А.Прокопенко¹⁹, Ф.Янгиев²⁰);

иккинчи ёндашув: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, **судья** (Б.А.Миренский²¹, Ф.В.Чирков²², С.А.Зайцева²³);

учинчи ёндашув: суриштирувчи, терговчи, прокурор, **судья** (Б.Т.Акрамходжаев²⁴, Д.М.Миразов, И.Э.Хожаназаров, Ш.Н.Бердияров²⁵);

тўртинчи ёндашув: исботлаш субъектлари (Я.В.Жданова)²⁶;

бешинчи ёндашув: жиноят-процессуал билиш субъектлари (Ю.Ю.Воробьева²⁷).

Кўриниб турибдики, мутахассислар томонидан далилларга баҳо берувчи субъектлар доираси (Б.А.Миренский, Ф.В.Чирков, С.А.Зайцева, Ю.Ю.Воробьева, Я.В.Жданова) ва тор (Б.Т.Акрамходжаев, Д.М.Миразов, И.Э.Хожаназаров, Ш.Н.Бердияров) кенг маънода талқин қилинган. Аҳамиятли томони, мутахассислар (Б.А.Миренский, Ф.В.Чирков, С.А.Зайцева, Б.Т.Акрамходжаев, Д.М.Миразов, И.Э.Хожаназаров, Ш.Н.Бердияров)нинг далилларга баҳо берувчи субъектлар доирасига судьяни ҳам қўшганлиги қўллаб-қувватланишга лойиқ фикр ҳисобланади.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддаси 1-қисмида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларга баҳо бериши қайд этилган²⁸. Юқорида келтирилган илғор хориж (Арманистон, Молдова, Украина, Тожикистон, Туркманистон) тажрибаси ва мутахассисларнинг илмий асосланган қарашларига асосланиб, миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, ЖПКнинг ушбу нормасида **судьяни ҳам белгилаш орқали далилларга баҳо берувчи субъектлар доирасини кенгайтиришни** таклиф этамиз.

Ҳар бир далил қандай мезонлар бўйича баҳолаши лозим?

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил натижаларидан аён бўлишича, хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида далилни баҳолаш мезонлари бўйича қуйидаги ёндашувлар мустаҳкамланган:

биринчи ёндашув: далилнинг тааллуқчилиги, мақбуллиги, ишончилиги (Беларусь ЖПК 105-моддаси 1-қисми²⁹, Россия Федерацияси ЖПК 88-моддаси 1-қисми³⁰, Украина ЖПК 94-моддаси 1-қисми³¹, Қирғизистон ЖПК 95-моддаси 1-қисми³², Қозоғистон ЖПК 125-моддаси 1-қисми³³), далилнинг алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончилиги (Тожикистон ЖПК 88-моддаси 1-қисми³⁴);

иккинчи ёндашув: далилнинг дахлдорлиги, мақбуллиги (Арманистон ЖПК 127-моддаси 1-қисми³⁵), далилнинг тааллуқчилиги, мақбуллиги (Туркманистон ЖПК 136-моддаси 1-қисми³⁶);

учинчи ёндашув: далилнинг **жиноят ишида аҳамиятта эгаллиги**, мақбуллиги ва ишончилиги (Грузия ЖПК 82-моддаси 1-қисми³⁷);

тўртинчи ёндашув: далилнинг ўринлиги, **аҳамиятлилиги**, мақбуллиги ва ишончилиги (Молдова ЖПК 101-моддаси 1-қисми³⁸);

бешинчи ёндашув: далилнинг тегишлилиги, **имкониятлари**, ишончилиги (Озарбайжон ЖПК 145-моддаси 1-қисми³⁹).

Ушбу таҳлиллар натижасида шундай хулосани илгари суриш мумкинки, мамлакатимиз қонун-

чилигидан фаркли равишда хорижий давлатларда ҳар бир далил **аҳамиятлилиги, имкониятлари нуктаи назаридан ҳам баҳоланиши** белгиланган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, илмий-назарий адабиётларда далилни баҳолаш мезонлари бўйича қуйидаги ёндашувлар илгари сурилган:

биринчи ёндашув: далилнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги (Б.Т.Акрамходжаев⁴⁰, Б.Миренский, А.Асамутдинов, Ж.Камалходжаев⁴¹, Д.М.Миразов, И.Э.Хожаназаров, Ш.Н.Бердияров⁴²);

иккинчи ёндашув: далилнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончлилиги ва **етарлилиги** (З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова⁴³);

учинчи ёндашув: далилнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги, **аҳамиятлилиги** ва жиноят иши бўйича исбот қилиш предметига кирувчи ҳолатларни аниқлаш учун **етарлилиги** (Б.А.Миренский⁴⁴);

тўртинчи ёндашув: далилнинг **аҳамиятлилиги**, мақбуллиги ва ишончлилиги (Я.В.Жданова⁴⁵);

бешинчи ёндашув: далилнинг **аҳамиятлилиги**, мақбуллиги, ишончлилиги ҳамда жиноят ишининг аҳамиятли ҳолатлари ва фактларини аниқлаш учун **етарлилиги** (А.А.Прокопенко⁴⁶);

олтинчи ёндашув: далилнинг **нисбийлиги**, мақбуллиги, ишончлилиги ва **етарлилиги** (Ф.В.Чирков⁴⁷);

еттинчи ёндашув: далилнинг **нисбийлиги**, мақбуллиги, ишончлилиги, **етарлилиги** ва ўзаро боғланганлиги (С.А.Зайцева⁴⁸);

саккизинчи ёндашув: далилнинг ишончли-ишончли эмаслиги, унда акс этган фактнинг исботланган-исботланмаганлиги (Ш.Х.Иномжонов⁴⁹);

тўққизинчи ёндашув: далилнинг ишончлилиги, кучи, иш бўйича хулосалар учун асос бўлиб хизмат қилишга лойиқлиги (Е.Н.Никифорова⁵⁰).

Мутахассислар (З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова, Б.А.Миренский, А.А.Прокопенко, Ф.В.Чирков, С.А. Зайцева)нинг далилни баҳолаш мезонларига унинг етарлилигини ҳам қўшиш борасидаги қарашларига қўшила олмаймиз. Чунки, далилнинг етарлилиги жиноят иши бўйича далилни эмас, балки далиллар мажмуини баҳолаш мезони ҳисобланади. Бу бўйича қуйироқда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Мутахассислар (Б.А.Миренский, Я.В.Жданова, А.А.Прокопенко)нинг далилнинг аҳамиятлилигини далилни баҳолаш мезонларига қўшиш борасидаги қарашларини қўллаб-қувватлаймиз. Чунки, ушбу мезоннинг белгиланиши жиноят иши бўйича барча далилларга, айниқса аҳамиятга эга бўлмаган далилларга баҳо беришдек ортиқча ишнинг олдини олади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддаси 1-қисмида ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуктаи назаридан баҳоланиши лозимлиги қайд этилган⁵¹. Юқорида келтирилган илғор хориж (Гру-

зия, Молдова) тажрибасига асосланиб, миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, ЖПКнинг ушбу нормасида **ҳар бир далилнинг аҳамиятлилиги нуктаи назаридан ҳам баҳоланишини белгилаш орқали далилларни баҳолаш мезонларини кенгайтиришни** таклиф этамиз.

Далиллар мажмуи қандай мезонлар бўйича баҳоланиши лозим?

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил натижаларининг кўрсатишича, хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида далиллар мажмуини баҳолаш мезонлари бўйича қуйидаги ёндашувлар қайд этилган:

биринчи ёндашув: далиллар мажмуи — ишни ҳал қилиш учун **етарлилиги** нуктаи назаридан баҳоланиши керак (Арманистон ЖПК 127-моддаси 1-қисми⁵², Туркменистон ЖПК 136-моддаси 1-қисми⁵³);

иккинчи ёндашув: **тўпланган барча** далилларнинг мажмуи — жиноят ишини ҳал қилиш учун **етарлилиги** нуктаи назаридан баҳоланиши керак (Россия Федерацияси ЖПК 88-моддаси 1-қисми⁵⁴, Тожикистон ЖПК 88-моддаси 1-қисми⁵⁵, Қирғизистон ЖПК 95-моддаси 1-қисми⁵⁶, Қозоғистон ЖПК 125-моддаси 1-қисми⁵⁷);

учинчи ёндашув: далиллар мажмуи — дастлабки терговни тамомлаш ва жиноят иши бўйича суд муҳокамасини ҳал қилиш учун **етарлилиги** нуктаи назаридан баҳоланиши керак (Беларусь ЖПК 105-моддаси 1-қисми⁵⁸);

тўртинчи ёндашув: далиллар мажмуи — далилларнинг **таққослана олиши** нуктаи назаридан баҳоланиши керак (Молдова ЖПК 101-моддаси 1-қисми⁵⁹);

бешинчи ёндашув: жиний таъкиб бўйича **тўпланган барча** далиллар — уларнинг мажмуи айбловни ҳал этиш учун **етарлилиги** бўйича баҳоланиши керак (Озарбайжон ЖПК 145-моддаси 1-қисми⁶⁰);

олтинчи ёндашув: тўпланган далиллар мажмуи — процессуал қарорни тўғри қабул қилиш учун **етарлилиги** ва **алоқадорлиги** нуктаи назаридан баҳоланади (Украина ЖПК 94-моддаси 1-қисми⁶¹).

Аксарият давлатлар (Арманистон, Беларусь, Туркменистон, Россия Федерацияси, Озарбайжон, Тожикистон, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон)да далилларнинг етарлилиги далиллар мажмуини баҳолаш мезони сифатида белгиланган. Айрим давлатларда далилларнинг таққослана олиши (Молдова), далилларнинг алоқадорлиги (Украина) далиллар мажмуини баҳолаш мезони сифатида қайд этилган.

Шунингдек, муҳокама қилинаётган масала аксарият давлатлар (Россия Федерацияси, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон)да далиллар мажмуини эмас, балки **тўпланган барча** далиллар мажмуини баҳолаш сифатида аниқлаштирилганлигини эътироф этиш жоиз.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, илмий-назарий адабиётларда далиллар мажмуини баҳолаш мезонлари бўйича қуйидаги ёндашувлар илгари сурилган:

биринчи ёндашув: далилларнинг процессуал қарор қабул қилиш учун **етарлилиги** (Б.Т.Акрамходжаев⁶², Д.М.Миразов, И.Э.Хожаназаров, Ш.Н.Бердияров⁶³);

иккинчи ёндашув: далилларнинг жиноят иши ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун **етарлилиги** (Б.Миренский, А.Асамутдинов, Ж.Камалходжаев⁶⁴);

учинчи ёндашув: далилларнинг жиноят иши бўйича муҳим процессуал қарорлар ва ишончли хулосалар қабул қилиш учун **етарлилиги** (Я.В.Жданова⁶⁵);

тўртинчи ёндашув: **етарли бўлган** далиллар мажмуининг аҳамиятлиги, ишончлилиги, мақбуллиги ва предметиға мос келиши (Ю.Ю.Воробьева⁶⁶).

Кўриниб турибдики, далилларнинг етарлилиги далиллар мажмуини баҳолаш мезони эканлиги умумэтироф этилган. Биз ҳам ушбу фикрга қўшилиамиз.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг далилларни баҳолаш тушунчасига тавсиф берилган нормаси (95-моддаси)да⁶⁷ далиллар мажмуини баҳолаш мезонлари белгиланмаган. Қонун нормасидаги мавжуд бўшлиқни бартараф этиш мақсадида, миллий хусусиятларни инobatга олган ҳолда, юқорида келтирилган илғор хориж (Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Россия Федерацияси, Туркменистон, Тожикистон, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон) тажрибасига асосланиб, ЖПК 95-модда-

си 1-қисмини «Жиноят иши бўйича тўпланган барча далиллар мажмуи ишни ҳал қилиш учун етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак», деган норма билан тўлдиришни таклиф этамиз.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддаси 5-қисмида исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланиши мустаҳкамланган⁶⁸. Қонуннинг ушбу нормаси ҳам далиллар мажмуи етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланишини талаб этади.

Аксарият мутахассислар ушбу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлашади. Хусусан, Б.Т.Акрамходжаев «далилларни баҳолашда қуйидаги уч хоссага — далилларнинг мақбуллиги, ишончлилиги ва етарлигига эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ»⁶⁹, деб ҳисоблайди. З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлагановаларнинг фикрига кўра, «терговчи, прокурор ва суд далилларга баҳо беришда уларнинг зарур белгиларини ўзида мутасам этган хусусиятларини инobatга олишлари керак: алоқадорлик; мақбуллик; ишончлилик; етарлилик»⁷⁰.

Шу ўринда яна бир масалага эътибор қаратиш лозим. ЖПК 187-моддаси (эксперт хулосасини баҳолаш)нинг 1-қисмига кўра, эксперт хулосаси терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун

¹ Миразов Д.М. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари: Докторлик диссертацияси автореферати. — Т., 2016. — Б. 5.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. I. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. — Б. 194.

³ Жиноят процесси. Умумий қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т.: Янги аср авлоди, 2002. — Б. 184.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик // Б.А.Миренский, А.Х.Раҳмонқулов, Д.Камалходжаев, В.В.Кадирова ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. — Б. 126-127.

⁵ Миренский Б., Асамутдинов А., Камалходжаев Ж. Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари: Дарслик. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. — Б. 42.

⁶ Янгиев Ф. Исбот қилиш институти // <http://huquqburch.uz/uz/view/5549> (Ҳуқуқ ва бурч журнали).

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (10.11.2018 йилгача бўлган ҳолати) // <http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года (По состоянию на 30.10.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).

⁹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (По состоянию на 12.07.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).

¹⁰ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения от 1 сентября 1998 года (По состоянию на 30.03.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).

¹¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (По состоянию на 17.05.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).

¹² Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года (По состоянию на 09.06.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).

¹³ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (По состоянию на 10.11.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).

¹⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (По состоянию на 08.01.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).

¹⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 23.03.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).

¹⁶ Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (По состоянию на 12.07.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).

белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

ЖПК 81-моддаси (далилларнинг турлари)да ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-берманглигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланиши, бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланиши белгиланган.

Кўришиб турибдики, **айрим далиллар, хусусан, эксперт хулосаси илмий асосланганлиги ва процессуал қоидаларга риоя этилганлиги** мезонлари бўйича баҳоланади.

Далилларга баҳо беришда қонунга амал қилнадими ёки ҳуқуқий онгга?

Муҳокама қилинаётган масаланинг мунозарали жиҳатларидан яна бирини шу савол воситасида ёритиш мумкин.

Аксарият мутахассислар (Б.Т.Акрамходжаев⁷¹, Д.М.Миразов, И.Э.Хожаназаров, Ш.Н.Бердияров⁷²) далилларга баҳо беришда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилинади, деб ҳисоблайди.

Айрим мутахассислар эса, далилларга баҳо беришда мантиқ ва ҳуқуқ меъёрларига (З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова⁷³) ёки қонун, мантиқ

ва ҳуқуқий виждонга (Я.В.Жданова⁷⁴) амал қилинади, деган фикрни илгари суришган.

Миллий қонунчиликда ҳам ушбу мутахассислар қарашларига мос ёндашув белгиланган. Хусусан, ЖПК 95-моддаси 1-қисмида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо бериши қайд этилган⁷⁵.

Ушбу норманинг далилларга баҳо беришда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиш мазмунидаги қисмини такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуд, деб ҳисоблаймиз.

Ўйлашимизча, далилларга баҳо беришда ҳуқуқий онгга амал қилишнинг қонунда белгиланиши қонунийлик принципи талабларига жавоб бермайди. ЖПКнинг 11-моддасида мустақамланган қонунийлик принципа мубофиқ, судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, химоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади⁷⁶.

Ваҳоланки, ҳуқуқий онгнинг аниқ меъёрини норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгилаш деярли имконсиз масала ҳисобланади. Фикримизни қуйи-

⁷¹ Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии от 12 февраля 2003 года (По состоянию на 01.01.2017) // <https://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes> (Бесплатная онлайн-база данных).

⁷² Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДҶОИ, 2006. – Б. 94.

Кроме того, ОБСЕ в настоящее время проводит исследование взаимосвязи между торговлей людьми и терроризмом, которое, как ожидается, прольет свет на средства и методы действий террористов в сравнении с методами, которые практикуются торговцами людьми. В отчете по итогам исследования также будут представлены целевые рекомендации для государств-участников ОБСЕ по применению существующих механизмов борьбы с торговлей людьми в предупреждении и пресечении вербовки в террористических целях.

Учитывая, что в стране на данный момент отсутствует единая система отправления уголовного правосудия — то есть система ювенальной юстиции, которая подразумевает специальные законы, процедуры, институты, услуги, касающиеся детей, находящихся в конфликте с законом, считаем целесообразным внедрение альтернативных мер в отношении несовершеннолетних правонарушителей, включая меры отведения от системы правосудия, то есть, не доводя дела до судебного разбирательства.

Также, существует необходимость в альтернативных мерах наказания к лишению свободы, а также подходах восстановительного правосудия, например, применение института медиации, как того требует Конвенция о правах ребенка и другие международные стандарты.

Кроме того, стоит вопрос усовершенствования процесса реинтеграции детей, то есть их возвращения к нормальной жизни в обществе, так как на данный момент, служба надзора за детьми, освобожденными из мест лишения свободы, в Узбекистане отсутствует.

Вместе с тем, в стране проводятся фундаментальные реформы в области верховенства права и создания, обеспечения и защиты прав и интересов граждан, в том числе детей, которые являются неотъемлемой частью процесса реформ.

В долгосрочной перспективе специализация судов в Узбекистане может привести к созданию судов по делам несовершеннолетних и специализации сотрудников для работы с детьми, находящимися в конфликте с законом.

¹ <https://www.icrc.org/rus/resources/.../misc/genevaconventions.htm>

² www.un.org/ru/sc/documents/resolutions/1999.shtml

³ www.un.org/ru/ga/70/docs/70res3.shtml

⁴ www.un.org/ru/ga/69/docs/69res2.shtml

⁵ www.refworld.org/cgi-bin/texis/vtx/rwmain/opendocpdf.pdf



Хидоятуллаев Алишер Тоирович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини
мажбурий ижро этиш кафедраси бошлиғи в.б.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА АККРЕДИТИВ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- ◆ Мазкур мақолада ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда аккредитив шартномасини тузишга оид масалалар муҳокама этилган.
- ◆ В данной статье обсуждены вопросы заключения аккредитивного договора в предпринимательской деятельности со стороны хозяйствующих субъектов.
- ◆ In this article, the issues of entering into letter of credit agreement by business entities in business activities have been discussed.

Таянч сўзлар: аккредитив, банк, шартнома, бенефициар, битим.
Ключевые слова: аккредитив, банк, договор, бенефициар, сделка.
Key words: letter of credit, bank, agreement, beneficiary, transaction.

Мамлакатимизда ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг экспорт ҳажмлари ва турларини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари бугунги кундаги долзарб масалалардан бири саналади.

Айнан республикаимизда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш бўйича кўпгина амалий ташкилий чоралар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 2017 йил 3 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3351-сон Қароридан 2017 йил 1 декабрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини олдиндан тўлов, очилган аккредитив, расмийлаштирилган банк кафолати ва экспорт контрактини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш бўйича полис мавжуд бўлмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилган.

Импорт ва экспорт операциялари жараёнида ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилишида томонларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда бажарилган ишлар ёки хизмат-

лар юзасидан тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлаш жуда муҳимдир.

Бугунги кунда халқаро савдо муносабатларида аккредитив очиш орқали томонлар ўртасида кенг доирада ўзаро ҳисоб-китоблар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасида тузилган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш, хусусан, шартномада назарда тутилган ҳисоб-китобларни амалга ошириш ўзига хос аҳамиятга эга. Ҳисоб-китобларга оид бўлган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари (қарздор, банк ва кредитор) ўртасидаги юридик алоқаларни ташкил қилган “қарздор-кредитор”, “қарздор — банк-эмитент”, “банк-эмитент — ижрочи банк ёки авизо банк”, “банк-эмитент — тасдиқловчи банк”, “банк-эмитент — кредитор” каби бир қанча мустақил субъектлардан ташкил топган аккредитив ҳуқуқий муносабатлардир.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигида аккредитив ҳуқуқий муносабатлар доирасида топшириқ берувчи ва банк-эмитент ўртасидаги аккредитивни очишга доир шартнома тузиш тартиби ҳамда уни амалга оширишни назарда тутувчи қоидалар ўз ифодасини топмаган. Айнан мазкур соҳага доир нормаларнинг мавжуд эмаслиги натижасида аккредитив муносабатларга оид нормаларни амалиётда қўллаш давомида бир қанча коллизия масалалар вужудга келмоқда. Хусусан, мажбури-

ялларни таъминлаш усули сифатида банк кафолати институти ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра, аккредитив очишга оид шартномага нисбатан бир қанча ўхшаш томонлари мавжуд. Фуқаролик кодексининг 796-моддасига кўра, аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганда мижознинг (тўловчининг) топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар қилиш тартиби ва унинг амал қилиш муддати тўловчи ҳамда маблағ олувчи ўртасидаги шартномада белгиланади.

Шартномада қуйидаги шартлар кўрсатилиши керак:

- а) банк-эмитентнинг номи;
- б) аккредитивнинг тури ва уни бажариш усуллари;
- в) аккредитив очилганлиги тўғрисида маблағ олувчини хабардор қилиш усули;
- г) аккредитивлар бўйича маблағларни олиш учун маблағ олувчи томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифномаси;
- д) маҳсулотлар юқлаб жўнатилгандан (ишлар бажарилгандан, хизматлар кўрсатилгандан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддати ва уларни расмийлаштиришга доир талаблар.

Фуқаролик кодексининг 299-моддасида кафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра, кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ, принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради. Г.А.Аванесованинг таъкидлашича, банк кафолати бўйича принципал ва гарант ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни таҳлил қилиш орқали уларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда, банк-эмитент ва топшириқ берувчи ўртасидаги муносабатлар моҳиятини очиш мумкинлиги ҳақида ўз фикрларини билдирган. Банк-эмитент ва топшириқ берувчи ўртасидаги мажбуриятлар уларнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда вужудга келиб, топшириқ берувчининг мақсади банкдан абстракт кўринишдаги тўлов мажбуриятини амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиш, банк-эмитентнинг мақсади эса аккредитивда кўрсатилган шартлар асосида бенефициарга нисбатан пул мажбуриятларини амалга оширишни аккредитив бўйича топшириқ берувчидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга

бўлишдир.

Айнан мазкур масала юзасидан Л.Б.Волкованинг эътирофича, топшириқ берувчи ва банк-эмитент ўртасидаги муносабатлар фуқаролик-ҳуқуқий конструкция доирасига жойлашмайди, чунки юридик доктрина ва амалий жараёнлар ёрдамида мазкур ҳолатни аккредитив мажбуриятлар сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқ эмас. Унинг берган таклифига кўра, аккредитив очишга доир шартномаларни алоҳида турдаги келишув сифатида қараб, унга кўра, топшириқ берувчининг кўрсатмасига биноан банк-эмитент у кўрсатган учинчи шахсга (бенефициар) тўловларни амалга оширади.

Тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоб қилинганда банк мижознинг топшириғига мувофиқ, унинг ҳисобварағидаги маблағлардан маълум миқдордаги пул суммасини мижоз кўрсатган шахснинг у ёки бошқа банкдаги ҳисобварағига қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда, агар банк ҳисобварағи шартномасида қисқароқ муддат назарда тутилган бўлмаса ёки у банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида белгиланган бўлмаса, ўтказиш мажбуриятини олади. Юқоридаги ҳолатга кўра, банк-эмитент ўз мажбуриятини айнан кимнинг ҳисобидан амалга ошириши юзасидан муайян бир қонун ҳужжатларида акс эттирилмаган. Фақатгина унификация қоидаларида банк-эмитент ўзи қилган харажатларни топшириқ берувчи ҳисобидан ундириб олиши таъкидланган. Лекин унда ҳам банк-эмитент томонидан амалга оширилаётган тўловлар мижоз ҳисобидан амалга оширилиши ҳақида ҳеч қандай қоида мавжуд эмас.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 796-моддасига асосан, қопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда банк-эмитент уни очиш вақтида мижознинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни банк-эмитентнинг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига ўтказиши шарт.

Қопланмаган аккредитив очилган тақдирда эса банк-эмитент ижрочи банкка аккредитивнинг бутун суммасини банк-эмитентнинг ижрочи банкда юритилаётган ҳисобварағидан ўчириш ҳуқуқини беради.

Юридик адабиётларда аккредитив бўйича топшириқ берувчи ва банк-эмитент ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий табиати ҳақида турли фикрлар билдирилиб ўтилган. Дастлаб аккредитив бўйича топшириқ берувчи ва банк-эмитент ўртасидаги ўзаро келишув ҳисоб-китоб шартномасини бажаришга қаратилган шартнома ёки бўлмаса бир томонлама битим сифатида қараб келинган. Масалан, А.М.Смирновнинг таъкидлашича, аккредитивни очган шахснинг нуқтаи назарига кўра, аккредитив банкка нисбатан тўлов топшириқномаси ҳисобланиб, аккредитивда

кўрсатиб ўтилган маълум бир шартлар бажарилганда, муайян шахс ёки шахслар манфаатига нисбатан тўловларни амалга оширилиши тушунилади.¹

Ҳозирда аккредитивга нисбатан бир қанча замонавий тарзда ёндашувлар ҳам мавжуд бўлиб, В.А.Белов аккредитивга шартли равишдаги тўлов топшириқномаси сифатида қараш мумкинлигини таъкидлайди. М.Щербина эса, аккредитивга бир тарафлама битим сифатида қарашга оид концепцияга ўз эътирозини билдириб, аккредитив топшириқ берувчи билан банк-эмитент ўртасида ўзаро тузиладиган битим ҳисобланиб, банкка аккредитив очишни сўраб юборилган аризани оферта сифатида қаралиб, банк эса офертани акцептлаши орқали битим тузишга рози эканлигини англатади. Шу боисдан битим тузиш учун икки шахснинг, яъни топшириқ берувчи ва банк-эмитентнинг хоҳиш-иродаси талаб этилади. Шунга кўра, аккредитив очишга бўлган битим топшириқ берувчи ва банк-эмитент ўртасида тузиладиган икки томонлама, ҳақ эвазига ва консенсуал характерга эга бўлган шартномалар турига киритиш мумкинлигини айтади.²

Л.Г.Ефимовнинг фикрича, топшириқ берувчи билан бенефициар ўртасида тузиладиган шартнома мақсадига кўра, воситачилик шартномаси мазмунига мувофиқ бўлиб, унинг бир кўриниши сифатида ифодалаш мумкинлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, агарда аккредитивни тартибга солувчи махсус нормалар мавжуд бўлмаган тақдирда, агентлик шартномаси қоидалари татбиқ этилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 832-моддасига кўра, воситачилик — воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилиши шарт. Воситачи томонидан учинчи шахс билан тузилган битим бўйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ёки у битимни бажариш бўйича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам, воситачи ҳуқуқларга эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади.

Воситачилик шартномаси муайян муддатга ёки амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда, қайси ҳудудда бажарилиши кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда, комитент воситачига топширган комитентнинг манфаатларини кўзлаб ва унинг ҳисобидан битим тузиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бермаслик ҳақида мажбурият олган ҳолда ёки бундай мажбуриятни олмаган ҳолда, воситачилик нарсаси бўлган товарларнинг ассортименти ҳусусида шартлар қўйилган ёки қўйилмаган ҳолда тузилиши мумкин.

Л.Г.Ефимов ва Л.А.Новоселовнинг таъкидлашича, топшириқ берувчи ва банк-эмитент ўртасидаги ўзаро муносабатларни “учинчи шахс фойдасига мажбуриятларни бажариш” сифатида қараб келиниб, мажбурият муносабатларида топшириқ берувчи кредитор, бенефициар эса қарздор сифатида намоён бўлади.³ Бундан ташқари, Н.В.Ростовцевнинг таъкидлашича, топшириқ берувчи билан бенефициар ўртасидаги муносабатлар учинчи шахслар фойдасига тузилган шартнома принципага мувофиқ равишда мустақил шартнома ҳисобланади. Ушбу аккредитив очишга оид шартномага берилган таърифга И.Б.Иловайский эътироз билдирган ҳолда, бенефициар аккредитив шартларида кўрсатилган шартларни бажариши ва керакли ҳужжатларни тақдим этиш зарурлигини таъкидлаб, ушбу шартномани учинчи шахс фойдасига нисбатан қўллаб бўлмаслигини маълум қилган. Л.С.Эльясон келтирган таърифга кўра, аккредитив очишга қаратилган шартнома ўзида аралаш шартнома хусусиятларини ифода этиб, унда кредит шартномаси ва товар ҳужжатларини гаровга қўйиш элементлари мавжудлиги таъкидлаб ўтилган. Шунга мувофиқ равишда, кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ҳамда унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Кредит шартномасининг мақсади — қарздорга ўзининг пул маблағларини муддатлилиқ, қайтариш ва фоизларни тўлаш шартлари билан берилиб, пул маблағлари нақд ёки нақд пулсиз шаклда берилади. Аккредитив очиш шартномасига банк-эмитент томонидан топшириқ берувчига тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ваъда бериши ва ўз навбатида, аккредитив бўйича топшириқ берувчи банк-эмитент томонидан бенефициарнинг талаби бўйича амалга оширган пул мажбуриятларини қоплашни ўз зиммасига олади.

Фуқаролик кодексининг 771-моддасига кўра, банк ҳисобварағи шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит муассасаси иккинчи тарафнинг — миждознинг (ҳисобварақ эгасининг) ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, миждознинг ҳисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини бажариш мажбуриятини олади. Ушбу ҳолатдан кўриниб турибдики, банк ҳисобварағи шартномасига биноан банк миждозининг ҳисобидан юридик характерга эга бўлган мустақил пул мажбурият характерига эга бўлган муҳим ҳаракатларни амалга оширади. Бундан ташқари, аккредитив очиш шартномасини амалга ошириш учун

топширик берувчи учун банк ҳисобварағи очишга зарурий шарт сифатида қаралмайди, лекин маблағ олувчи учун банк ҳисобаварағини очиш зарурий шарт сифатида қараб келинади. Л.Г.Ефимовнинг таъкидлашича, банк ҳисобварағига эга бўлмаган шахс нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли сифатида аккредитивдан фойдаланишида ҳеч қандай тўсқинлик вужудга келмайди.⁴

Маблағ олувчининг банкида аккредитивни ёпиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) аккредитивни амал қилиш муддати тугаганда;

б) маблағ олувчининг аккредитивдан кейинчалик фойдаланишдан бош тортиши тўғрисидаги ёзма аризасига биноан, агар ушбу ариза аккредитивнинг амал қилиш муддати тугагунча берилган бўлса ҳамда ушбу аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса;

в) тўловчининг аккредитивни тўлиқ ёки қисман чақириб олиш тўғрисидаги ёзма талабномасига

биноан, агар ушбу аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса.

Ижрочи банк аккредитивни белгиланганлиги тўғрисида банк-эмитентга хабар беради. Фойдаланилмаган сумма тўловчининг банкига, маблағлар депонентланган ҳисобга ўтказилади.

Юқоридаги ҳолатлардан хулоса қиладиган бўлсак, аккредитив очиш шартномаси унда иштирақ этувчи томонларнинг ўзаро келишув асосида тузилиб, у ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, кредит шартномасига мос келиб, томонларнинг тенг равишда манфаатларига хизмат қилувчи юридик факт сифатида эътироф этилиши мумкин.

Келажакда аккредитив очиш шартномасига оид фуқаролик ҳуқуқий қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши банкларнинг ўз мижозларига кредит хизматларини кўрсатиши орқали уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда молия хизмат бозорларининг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



¹ Смирнова А. М. Международные расчеты и финансирование внешней торговли. М., 1946. С.49-50.

² Щербина М. Аккредитив в международных расчетах: некоторые вопросы теории и практики // Журнал Международного частного права. 1996. № 42. С.32.

³ Новоселова Л.А. Гражданский кодекс Российской Федерации о расчетах // ВАС РФ. 1996. № 10. С. 35

⁴ Ефимова Л.Г.Банковские сделки: правовая практика: Монография. – М.: НИМП, 2001. с.191.

Дўстқориев Музаффар Бойбўтаевич,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
Прокурорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш
кафедраси бошлиғи в.б.

ЯНГИ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИДА ОДИЛ СУДЛОВГА КЎМАКЛАШУВЧИ ШАХСЛАР ИНСТИТУТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ

- ◆ Мақолада янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексида фуқаролик процесси иштирокчиларидан бири ҳисобланган одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар доираси ва процессуал мақомининг белгиланиши, бу борада миллий ва хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда шу масалага оид фикр-мулоҳазалар баён этилган.
- ◆ В данной статье освещены вопросы и мнения, касательно определения в Гражданском процессуальном кодексе, принятом в новой редакции, круга и процессуального статуса лиц, содействующих осуществлению правосудия, как одних из участников гражданского процесса, а также национального и зарубежного опыта в этой сфере.
- ◆ This article highlights the issues and opinions concerning the definition of the group and the procedural status of the persons contributing to the administration of justice as one of the participants of the civil process in the new edition of the Civil Procedure Code, as well as national and foreign expertise in this sphere.

Таянч сўзлар: одил судлов, ҳуқуқий муносабатлар, процесс иштирокчилари, ишда иштирок этувчи шахслар, мезон, манфаатдорлик, шахслар доираси, суд мажлиси котиби.

Ключевые слова: правосудие, правовые отношения, участники процесса, лица, участвующие в деле, критерий, заинтересованность, круг лиц, секретарь судебного заседания.

Key words: fair trial, legal relations, participants of the process, persons involved in the case, criterion, interest, group of persons, court clerk.

Юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёни кенг кўламда ва жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида янги қонун ва қонунности ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга жорий этилмоқда.

2018 йилнинг 22 январида қабул қилиниб, 1 апрелда кучга кирган янги Фуқаролик процессуал кодекси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ишларнинг ёрқин амалий ифодаси бўлди, десак, муболаға бўлмайди. Мазкур Кодексида фуқаролик суд ишларини юритишга доир бир қатор нормалар тизимга солиниб, янги нормалар ўз ифодасини топди.

Янги Кодексида айрим институционал ўзгаришлар ҳам мустаҳкамланди. Шулар жумласига органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларнинг маъмурий судлар судловига ўтказилиб, фуқаролик иш юритиш турларига ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишлар ҳамда чет давлат судларининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш билан боғлиқ ишларнинг кириб келганлигини киритиш мумкин.

Албатта, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ, яъни ушбу судларнинг ҳал қилув

қарорларини бекор қилиш ва уларни мажбурий ижро эттириш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишлар, шунингдек, чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судларига топшириқ билан мурожаат қилиши ҳамда чет давлат судлари ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини ижро этиш билан боғлиқ нормалар эски таҳрирдаги Кодексида ҳам бор эди. Лекин улар алоҳида иш юритиш тури сифатида белгиланмаган ва айрим моддалардагина баён қилинган эди. Янги Кодексида мазкур тоифадаги ишлар алоҳида бобларда акс эттирилди ва улардаги моддалар мазмунан янада бойитилди.

Ўзгаришлардан яна бири — янги Кодексида илгариги кодексида акс эттирилмаган, бироқ қонун нормаси сифатида белгиланиши лозим бўлган бир қатор янги меъёрларнинг белгиланишидир. Жумладан, кодексида судга мурожаат қилиш шакллари (4-модда) ҳақидаги норма киритилди. Унга кўра, судга мурожаат қилиш: фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар бўйича — даъво аризаси шаклида; буйруқ тартибида иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича, шунингдек, Кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда — ариза шаклида; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судла-

рига мурожаат этилганда — шикоят (протест) шаклида амалга оширилади. Мазкур норманинг жорий этилиши қонун нормаларини янада яхшироқ тушуниш ва уни яхлит ҳолда тизимлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Янги Кодексда процесс иштирокчилари тоифасига кирувчи одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар институтининг ўзига хос тарзда белгиланганлигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Одил судловга кўмаклашувчи шахслар янги Кодекснинг 54-моддасида белгиланиб, унга кўра, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ижро иши юритиш ҳолислари ва сақловчилари фуқаролик суд иш юритуви иштирокчиларининг юқоридаги тоифасига киритилди.

Қайд этиш жоизки, одил судловга кўмаклашувчи шахслар институти янги қабул қилинган Иқтисодий процессуал кодексида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, илгари амалда бўлган Хўжалик процессуал кодексининг 45-моддаси “Хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари” деб номланган ва унга кўра, ишда иштирок этувчи шахслардан ташқари хўжалик судлов ишларини юритишда вакиллар, гувоҳлар, экспертлар, таржимонлар иштирок этишлари мумкинлиги белгиланган эди. Иқтисодий процессуал кодексининг 51-моддаси “Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар” деб номланиб, иқтисодий суд ишларини юритишда ишда иштирок этувчи шахслар билан бир қаторда одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар — гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар иштирок этиши мумкинлиги ушбу қонун нормасида акс эттирилди.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ҳақида гапирганда, уларнинг процессда қандай мақсадни кўзлаб иштирок этишлари ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ. Айрим олимларнинг фикрича, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар судда даъвогар ёки жавобгарнинг манфаатларини тўғри ҳал этиш мақсадида иштирок этадилар¹.

Бу шахсларга фуқаролик ва профессионал бурчни амалга оширишга асосланган юқори даражадаги жавобгарлик юклатилган. Улар низолашилаётган моддий ҳуқуққа алоқадор бўлмай, ишда иштирок этувчи шахслар сингари ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эмасдилар².

Баъзи олимларнинг фикрига кўра, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар процессуал мақомини ўрганишда улар фаолиятининг фуқаролик процессида тартибга солинишининг императив услубига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай шахслар фуқаролик процессида асосан процессуал мажбуриятларни амалга оширадилар (масалан, гувоҳ, эксперт, мута-

хассис)³.

Шуни қайд этиш жоизки, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар қайсидир маънода ишда иштирок этиб, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширадилар. Шу маънода уларни иштирок этувчи айрим шахсларга тенглаштириш мумкин. Бироқ миллий қонунчилигимизда улар ишда иштирок этувчи шахслар тоифасига киритилмаган. Бу ҳолат Кодекснинг бир қатор моддалари мазмунидан ҳам кўринади. Масалан, суд мажлисининг баённомасида, хусусан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва одил судловга кўмаклашаётган шахсларнинг келган-келмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим. Шунингдек, ишда иштирок этувчи шахслар ... ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш ва бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир.

Хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида одил судловни амалга оширувчи шахслар тоифасини белгилашда турлича ёндашув мавжуд. Масалан, Россия Федерацияси ФПКда бундай шахслар доираси алоҳида модда билан белгиланмаган. Лекин адабиётларда барча тоифадаги вакиллар, таржимонлар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар сифатида кўрсатилиб, процесснинг ушбу иштирокчилари ишнинг оқибатидан ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор эмаслиги ва мустақил манфаатлари мавжуд эмаслиги билан белгиланади. Шу тариқа, процесс иштирокчилари доираси ишда иштирок этувчи шахслар доирасига нисбатан анча кенглиги таъкидланади⁴.

Украина ФПКда “фуқаролик процессининг бошқа иштирокчилари” атамаси қўлланилиб, улар тоифасига суд мажлиси котиби, суд фармойишчиси (судебный распорядитель), гувоҳ, эксперт, таржимон, мутахассис, ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи шахслар киради. Улар ишда иштирок этувчи шахслар доирасига кирмайдилар.

Арманистон Республикаси ФПКда гувоҳ, эксперт ва таржимоннинг процессуал мақоми “процесснинг бошқа иштирокчилари” деб номланувчи алоҳида бобда қайд этилган. Шундай ҳолат Қирғизистон ва Озарбайжон Республикалари қонунчилигида ҳам мавжуд (Озарбайжонда адвокат ҳам ушбу тоифага киритилган).

Молдова Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигида гувоҳ, таржимон, эксперт ва мутахассислар одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар сифатида кўрсатилмаган. Улар процесс иштирокчилари (тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, аризачилар, кодекснинг тегишли бўлимларида назарда тутилган тартибда бошқа шахслар ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида ариза би-

лан мурожаат қилувчи ёки бошқа шахслар ҳуқуқлари ҳимояси учун ҳулосалар бериш мақсадида иштирок этувчи шахслар ҳамда алоҳида тоифадаги ишлар бўйича манфаатдор шахслар) тоифасига кирмасалар-да, процессда муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслар саналиб, уларнинг у ёки бу функцияларни бажаришлари одил судловнинг тўғри амалга оширилишида алоҳида аҳамиятга эгалиги қайд этилади.

Беларусь Республикасида фуқаролик суд иши юритиш иштирокчилари “юридик жиҳатдан иш натижасидан манфаатдор бўлган ва бундай манфаатга эга бўлмаган шахслар” тоифаларига бўлинади. Биринчи гуруҳдаги процесс иштирокчиларига қуйидагилар киради:

- иш натижасидан бевосита манфаатдор бўлган тарафлар, учинчи шахслар, аризачилар, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) шикоят қилинган давлат органлари, юридик шахслар ва бошқа ташкилотлар, манфаатдор фуқаролар ва юридик шахслар — алоҳида тоифадаги ишлар юзасидан;

- иш натижасидан давлат, жамият ва бошқа жиҳатдан манфаатдор бўлган прокурор, давлат идоралари ва ўз номидан бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган фуқаролар;

- ишга ҳулоса бериш мақсадида киришган давлат органлари; прокурордан ташқари, иш кўрилиши натижаларидан юридик жиҳатдан манфаатдор бўлган шахсларнинг вакиллари.

Иш натижасидан юридик жиҳатдан манфаатдор бўлмаган шахслар сирасига гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ҳолислар, рўйхатга олинган ёки низоли мулкни сақловчи шахслар киради.

Германияда одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар доирасига суд канцелярияси хизматчиси (*der Urkundsbeamter*) ва суд ижрочиси (*der Gerichtsvollzieher*) киради. Ушбу шахслар ўрта даражадаги мансабдор шахслар каторига киритилган. Суд ижрочиси суднинг хизмат назорати остида фаолият кўрсатади⁵.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, одил судловни амалга ошириш жараёнининг у ёки бу иштирокчисидан ишни кўриш натижаларидан юридик манфаатдорликнинг мавжудлиги ишда иштирок этувчи шахслар доирасига киритилиши мезони бўлиб ҳисобланади. Иш натижаларидан юридик манфаатдорлик — бу муайян шахс учун ишнинг кўрилиши ва ҳал қилиниши юзасидан қонунга асосланган кутилажак ҳуқуқий натижадир. Масалан, даъвогар процессда ўзининг даъво талаблари қаноатлантирилишини, жавобгар эса, унинг рад этилишини истайди. Ишда иштирок этувчи прокурор учун процесс натижаларидан юридик манфаатдорлик суд томонидан қонуний ва асосли қарор чиқарилишида намоён бўлади. Ишда иштирок этувчи шахслардаги юридик манфаатдорлик ўз характерида кўра турличадир. Масалан,

баъзи иштирокчиларда у субъектив кўринишга эга (тарафлар, учинчи шахслар, аризачилар), бошқаларда эса, давлат-ҳуқуқий аҳамиятга эгадир (масалан, прокурор ва ўз номидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи субъектлар)⁶.

Умуман олганда, процесс иштирокчилари доирасини белгилашда юридик манфаатдорлик асосий мезонлардан бири бўлиши кўпчилик олимлар томонидан этироф этилади. Хусусан, Ш.Ш.Шорахметов одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи процесс иштирокчиларининг юридик томондан манфаатдор эмаслиги ва ишга нисбатан ҳам ҳеч қандай манфаати йўқлигини таъкидлайди. Ишда иштирок этувчи шахслар суд каби фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг субъекти бўлиб қатнашадилар⁷.

Шу билан бирга, процесс иштирокчиларидан қайси бирини одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар доирасига киритиш юзасидан аниқ мезонлар мавжуд эмас. Бу кўпроқ уларнинг ишни кўриш натижаларидан ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдорлиги йўқлиги билан белгиланади.

Баъзи олимларнинг фикрича, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларга қандайдир муҳим ҳуқуқ ва ваколатлар берилмаган. Уларнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқий мақоми биринчи навбатда уларнинг ўзларига юклатилган процессуал мажбуриятларни бажаришлари билан белгиланади⁸.

Шуни қайд этиш жоизки, эски таҳрирдаги ФПКда ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловга кўмаклашувчи шахслар ҳақидаги нормалар тарқоқ ҳолда, баъзан эса, бошқа-бошқа моддаларда (масалан, гувоҳ ва эксперт иштирокига оид меъёрлар процесс иштирокчилари ҳақидаги бобда эмас, далиллар ҳақидаги бобда белгиланган) белгиланган бўлса, янги Кодексда юқоридан кўрсатилган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари битта бобда ва мантиқий кетма-кетликда батафсил ёритилди.

Янги таҳрирдаги Кодексга киритилган янгиликлардан яна бири шундаки, эски Кодексда ҳолислар ва ижро ишларини юритишда мол-мулкни сақловчилар процесс иштирокчилари сифатида белгиланган бўлса-да, улар ҳақидаги нормалар мавжуд эмас эди. Янги Қонун ҳужжатида бу ҳолатга аниқлик киритилиб, мазкур тоифадаги суд процесси иштирокчилари “ижро иши юритиш ҳолислари ва сақловчилари” деб номланди. Бу эса қонун нормаларини талқин қилишдаги тушунмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилди.

Янги таҳрирдаги Кодексдаги муҳим ўзгаришлардан бири — бу янги, 63-моддада таржимон ҳуқуқий мақомининг белгилаб берилиши бўлди. Модда мазмунига кўра, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда суд томонидан тайинланган

таржима қилиш учун зарур бўлган тилларни билладиган шахс таржимондир. Суд ишларини юриштининг бошқа иштирокчилари таржимон вазифаларини ўз зиммасига олишга ҳақли эмас. Яна бир янгилик — бу таржимон ҳуқуқ ва мажбуриятларининг Кодексда бевосита акс эттирилишидир. Илгариги Кодексда (168-модда) раислик қилувчининг таржимонга унинг вазифасини тушунтириш ҳақидаги меъёرنинг ўзигина кўрсатилган эди. Энди эса, бу билан чекланмай, таржимоннинг бир қатор ҳуқуқлари: таржимани аниқлаштириш мақсадида суд мажлиси иштирокчиларига саволлар бериш; агар таржима қилиш учун тегишли билимларга эга бўлмаса, суд муҳокамасида иштирок этишни рад этиш; суд мажлиси баённомаси билан танишиш; суд мажлиси баённомасига киритилган таржиманинг тўғрилиги юзасидан эътирозлар тақдим этиш каби ҳуқуқлари санаб ўтилди. Бу эса, унинг суд процессидаги ҳуқуқий мақомининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Янги таҳрирдаги Кодексда биринчи марта суд мажлиси котиби ҳақидаги алоҳида модда белгилаб қўйилди. Унга мувофиқ, суд мажлисида суд мажлиси котиби вазифасини судьянинг ёрдамчиси (катта ёрдамчиси) бажаради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд мажлиси котиби гарчи одил судловга кўмаклашувчи шахслар тоифасига киритилмаган бўлса-да, шу ҳақдаги бобда қайд этилган. Бу эса, суд мажлиси котибини процесс иштирокчиларининг қайси тоифасига киритиш ҳақидаги баҳс-мунозараларга йўл очиб беради.

Янги таҳрирдаги Кодексда ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва процессда амалга оширадиган функцияларига ҳам бир қатор аниқликлар киритилди.

Жумладан, “Мутахассиснинг маслаҳати (тушунтириши)” деб номланувчи янги норма (102-модда) киритилди. Унга мувофиқ, мутахассис судга оғзаки ёки ёзма шаклда маслаҳат (тушунтириш) беради. Мутахассиснинг ёзма шаклда берган маслаҳати суд мажлисида ўқиб эшиттирилади, текширилади ва ишга қўшиб қўйилади. Оғзаки маслаҳат бевосита суд мажлисининг (процессуал ҳаракатнинг) баённомасига киритилади. Маслоҳатни аниқлаштириш ва тўлдириш мақсадида мутахассисга саволлар берилиши мумкин. Қонунга ушбу янгиликнинг киритилиши ўз навбатида одил судловга кўмаклашишда ўзининг алоҳида ўрнига эга бўлган мутахассиснинг суд процессидаги функцияларига аниқлик киритиш ва унинг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиётга эга бўлди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, янги таҳрирдаги Кодексда амалиётда ишни судда кўриш давомида юзага келаётган муаммоларни тўғри ва самарали ҳал қилишга қаратилган бир қатор янги нормалар киритилди. Мавжуд нормалар тизимлаштирилиб, мантикий тўғри кетма-кетликда баён этилди. Янги қонун ҳужжатида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми, функция ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқлаштирилди. Бу эса, фуқаролик суд ишларини юриштиш субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг янада самарали ташкил этилишини, судларда фуқаролик ишларини кўришнинг изчиллиги ва тизимлилигини ҳамда суд томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг адолатли, қонуний ҳамда асосли бўлишини таъминлашга, одил судловнинг роли ва обрўсини янада оширишга хизмат қилди.



¹ Ш.Ш.Шораҳметов. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. — Тошкент: ТДЮИ, 2010. 84-б.

² Завадская Л.Н. Гражданский процесс в схемах с комментариями/ 3-е издание. — М.: Эксмо, 2016. 28-29-б.

³ Гражданский процесс в вопросах и ответах: учебное пособие/ под общ. ред. Л.В. Тумановой. -М.: Проспект, 2015. 100-б.

⁴ Ўша манба, 44-б.

⁵ Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. пособие/ под ред. А.Г. Давтян. -М.: ТК Велби. Проспект, 2008. 50-51-б.

⁶ Гражданский процесс Российской Федерации / Под ред. А.А. Власова. — М.: Юрайт-Издат, 2003. 37-б.

⁷ Ш.Ш.Шораҳметов. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. — Тошкент: ТДЮИ, 2010. 81-б.

⁸ Ярков В.В. Гражданский процесс: учебник для вузов. -М., Издательство Волтерс Клувер, 2006.

Ҳамидов Азизбек Олимжонович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий
ижро этиш кафедраси катта ўқитувчиси

ИЖРО ИШИ ЮРИТУВИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ: ТАҲЛИЛ ВА МУЛОҲАЗА

✦ Мақолада Ўзбекистон Республикасида ижро иши юритуви ва унинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни қисқача таҳлил қилиниб, соҳага оид барча қонун ҳужжатларини кодекслаштириш ҳамда ижро иши юритувига ҳуқуқнинг алоҳида мустақил тармоғи сифатида қараш таклифи илгари сурилган.

✦ В статье приведен краткий анализ исполнительного производства и его места в правовой системе Республики Узбекистан. Выдвинуто предложение о необходимости кодификации всех законодательных актов по затронутому вопросу, а также определения исполнительного производства как самостоятельной отрасли права.

✦ The article outlines a brief review of the executive proceedings in the Republic of Uzbekistan and its role in the legal system, suggesting the codification of all relevant legislation and the implementation of the executive proceedings as a separate independent branch of law.

Таянч сўзлар: ижро варақаси, ижро иши юритуви, суд ижрочиси, давлат ижрочиси.

Ключевые слова: исполнительный лист, исполнительное производство, судебный исполнитель, государственный исполнитель.

Key words: writ of execution, execution case, bailiff.

Мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг шахсан ташаббуслари билан изчил равишда давом эттирилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасига алоҳида эътибор қаратилиб келинаётганини эътироф этиш лозим.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳада туб бурилиш ясади.

Мазкур фармон билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти тугатилиб, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги махсус ваколатли орган – Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) давлат ижрочилари зиммасига юклатилди.

Мазкур фармон асосида муқаддам Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизимида юритилиб келинган “суд ижрочиси” тушунчаси “давлат ижрочиси” атамаси билан алмаштирилди. Шунингдек, фармонда Суд департаментининг фаолияти танқидий муҳокама қилиниб, ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асоси

бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунини танқидий қайта кўриб чиқиш ҳамда унинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси Бош прокуратурага юклатилди¹.

Аслида ушбу фармон ҳуқуқий муносабатларда ижро иши юритувини тубдан такомиллаштиришга қаратилган сўнгги икки йил ичида қабул қилинган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг дебоҳаси эди десак, муболаға бўлмайди. Чунки, фармонда берилган вазифаларни бажариш ҳамда Бюро фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадидан Президентимизнинг фармойиши билан “Йўл харитаси” тасдиқланиб, унга мувофиқ, бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 июлдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3149-сонли Қарори билан ижро иши юритишни амалга оширишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича аукцион савдоларининг қонунийлиги, шаффофлиги ва ҳолислиги таъминланиб, нарх-наво манипуляцияси ва бошқа суиистеъмолчиликларга йўл қўйилишининг олди олинди, деган фикримизни Бюро ҳузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонасининг

бугунги кундаги фаолияти тасдиқлайди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 27 июлдаги “Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликларни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида”ги ПҚ-3597-сонли Қарори билан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда Бюро билан электрон ҳамкорликни амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар рўйхати тасдиқланди ва улар билан ҳамкорлик қилиш механизмлари белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 сентябрдаги 707-сонли қарори билан давлат даромадига ўтказилган, 20 ва ундан кўп йил муддатда фойдаланилган ҳамда яроқсиз автотранспорт воситалари ҳақ тўлаш эвазига утилизация ташкилотларига ёки иккиламчи хомашёни қайта ишлаш ташкилотларига ҳақ тўлаш эвазига (металл парчалари нархида) топширилиши белгиланди.

Соҳа фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар борасида сўз кетганида, нафақат сўнгги уч йилликда, балки 2002 йилнинг январидан, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни амалиётга татбиқ этилганидан буён қабул қилинган ўнлаб меъёрий ҳужжатларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Шу ўринда, ижро иши юритувининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш борасида яна бир жиддий олға қадам ташлаш, юқорида санаб ўтилган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жамлаган ҳолда, ягона Ижро иши юритиш кодексини ишлаб чиқиш вақти келмадимикан?

Бу борада хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Суд ижрочиларининг халқаро ташкилоти (UINJ) томонидан Мажбурий ижро глобал кодекси қабул қилиш ғояси дастлаб ташкилотнинг 2006 йилнинг апрель ойида Вашингтон (АҚШ)да ўтказилган 19-конгрессида илгари сурилган эди. Ушбу йиғилишда ташкилот Президенти Жак Иснар суд ижрочилиси ҳақида “Қонунсиз давлат, судьясиз қонун ва суднинг қарори эса суд ижрочисиз ижро бўлмайди” деган эди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқий давлатнинг асоси қонунлар бўлса, қонунлар санкциясиз бўлмайди, суд ёки ваколатли органлар томонидан қўлланиладиган санкцияларнинг ижроси таъминланмай туриб, ҳуқуқий давлат барпо қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ҳам, суд ижрочиларининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни жуда муҳим аҳамият касб этади.

Кейинчалик, 2009 йилнинг сентябрида ташкилотнинг Марсель (Франция)да ўтказилган 20-Бутунжаҳон конгрессида, кейин эса Кейптаун (ЖАР)да бўлиб ўтган 21-Бутунжаҳон конгрессида кодекснинг лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилиб, му-

ҳокама қилинди².

Мажбурий ижро глобал кодекси 2015 йилнинг май ойида ташкилотнинг навбатдаги конгрессида қабул қилинган бўлиб, мазкур кодекс умумий нормалардан иборат ва ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ваколатли органлари учун асосан тавсиявий характерга эгадир.

Россия Федерацияси ва бошқа бир қатор давлатлар томонидан ижро иши юритуви соҳасидаги қонунчилигини янада такомиллаштиришда мазкур кодекс қўл келаётгани эътироф этилмоқда.

Ижро иши юритуви соҳасидаги қонунларга кодекс сифатида ёндашиш Молдова Республикаси амалиётида мавжуд бўлиб, ушбу давлат ўз ижро иши кодексини 2004 йилда қабул қилган.

Қолаверса, миллий ҳуқуқ тизимимизда ҳам суд ҳужжатлари ижроси билан боғлиқ яна бошқа бир ўхшаш соҳа – жиноий жазо ҳамда бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этишдаги муносабатлар ҳам 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси билан тартибга солинади.

Юқорида баён этилганларга асосан, Юртбошимизнинг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сон Фармонининг 23-банди, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси тўғрисида”ги Қонунини танқидий кўриб чиқиб, уни янги таҳрирда қабул қилиш бўйича топшириқни янада такомиллаштирган ҳолда жараёни илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганган ҳамда Мажбурий ижро глобал кодекси нормаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Ижро иши юритиш кодексини қабул қилиш мақсадга мувофиқ саналади.

Ижро ишини юритишда муносабатларнинг кодекс билан тартибга солиниши соҳага оид юқорида санаб ўтилган ўнлаб қонунларни мужассамлаштириш билан бирга, ижро иши юритувининг мукамал, мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратади.

Ижро иши юритувининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрнига келадиган бўлсак, бу ҳам бир мунозарали мавзу десак, муболаға бўлмайди.

Ижро иши юритиш ҳуқуқи Ўзбекистонда ҳуқуқ тизимининг мустақил тармоғими ёки жиноят процессуал, фуқаролик процессуал ёки иқтисодий процессуал ҳуқуқининг бир қисмими?

Агар ижро иши юритуви санаб ўтилган процессуал ҳуқуқларнинг бир қисми бўлса, ундаги барча муносабатлар ушбу ҳуқуқий нормалар билан тўлиқ қамраб олинганми?

Фикримизча, ижро иши юритувининг жиноят, фуқаролик ёки иқтисодий процессуал ҳуқуқдан “мустақил”, ҳуқуқнинг алоҳида бир тармоғи десак, муболаға бўлмайди.

Одатда ҳар қандай назарий тадқиқот ёки ўқув қўлланмасида ижро иши юритувининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрнига муаллифнинг нуқтаи назарига кўра изоҳ берилади.

Ижро иши юритувининг ҳуқуқдаги ўрни масаласи анчагина узоқ тарихга эга. Сўнги бир неча ўн йилликлар давомида вужудга келган, экология, божхона, солиқ каби ҳуқуқнинг бошқа бир неча йўналишлари каби ижро иши юритуви ҳам ҳуқуқ соҳасида “мустақиллик учун кураш” олиб боради.

Ижро иши юритувининг мустақиллиги ҳамда “ижро иши ҳуқуқи” мавжудлиги юзасидан мунозаралар деярли қирқ йилдирки³ олимларни ҳамда бутун бошли илмий муассасаларни икки гуруҳга ажратиш келмоқда.

Биринчи гуруҳ вакилларининг фикрича, ижро иши юритуви ҳуқуқнинг алоҳида мустақил йўналишидир (В.В.Ярков, О.В.Исаенкова, Д.Х.Валеев, В.В.Гушин)⁴.

Бошқа гуруҳ олимлар эса ижро иши юритуви фуқаролик иш юритувининг босқичи, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг бир қисми ҳисобланишини айтади (Н.А.Чечина, М.С.Шакарян, А.Т.Боннер, В.М.Шерстюк, Л.А.Грось, А.К.Сергун, Г.Л.Осокина, С.М.Пелевин)⁵. Айнан ушбу қарашнинг келиб чиқиши тарихий жиҳатдан қадимийроқ эканини тан олишимиз лозим.

Бундан ташқари, бир қатор муаллифлар ижро иши юритуви мансабдор шахс – суд ижрочиларининг фаолиятдан иборат эканлиги сабабли, уни маъмурий ҳуқуқ ва маъмурий процесс билан боғлайди⁶.

Фикримизча, ушбу қараш нафақат миллий қонунчилигимиз, балки бу соҳадаги хорижий мамлакатлар қонунчилигига ҳам мувофиқ келмайди. Чунки, Ўзбекистон Республикасида давлат ижрочисининг фаолияти фақатгина маъмурий қарорлар қабул қилишдан иборат эмас. Мансабдор шахс сифатида унинг маъмурий жазо қўллаш ваколати унинг умумий ҳуқуқ ва вазифаларининг бир қисми холос. Бошқача қилиб айтганда, давлат ижрочисининг аксарият процессуал ҳаракатлари ижро ҳужжатида белгилаб берилган вазифани ижро қилиш мажбур бўлиб, ижро ҳужжатини муҳокама қилишга ваколатли эмас.

Одатда биринчи қараш тарафдорлари ижро иши юритувини фуқаролик процессидан ажратган ҳолда:

— ижро иши юритувини суд эмас, суд ижрочиси амалга ошириши;

— қонунда белгиланган тартибда улар нафақат суд ҳужжатларининг, балки бошқа ваколатли органлар ҳужжатларининг ҳам ижросини таъминлаши;

— ижро иши юритувини ҳуқуқнинг мустақил йўналиши сифатида ҳуқуқий бошқарувнинг алоҳида предмети ва методи, ўз мақсади, вазифалари ва принципларига эгаллиги билан изоҳлайдилар.

О.В.Исаенкованинг фикрига кўра, ижро иши ҳуқуқи ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи сифатида изоҳланиб, ўз тарихий келиб чиқишининг барча аломатларига (ҳуқуқий бошқарувнинг ўз предмети ва

методи, норматив базаси, принциплари, махсус субъектлари доираси, жавобгарликнинг ўзига хослиги) эга эканини ва ушбу аломатлар хусусиятларига кўра, рус ҳуқуқшунослигининг бошқа тармоқларидан ажралиб туришини тан олиш лозим⁷.

Француз ҳуқуқ тизимида ижро иши юритуви анъанавий тарзда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг бир қисми, яъни шахснинг одил судлов жараёнида иштирок этишга бўлган мутлоқ ҳуқуқи сифатида қаралади. Францияда суд ҳужжатлари ва бошқа фуқаролик юрисдикциясига эга органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёни судда иш юритишнинг таркибий қисмидир, бир гуруҳ муаллифларнинг фикрига кўра эса, ҳатто унинг асосий жиҳатини ташкил этади. Айни пайтда Францияда хусусий ҳуқуқ тушунчаси нафақат фуқаролик, тижорат ва халқаро хусусий ҳуқуқ, балки фуқаролик процессуал ҳуқуқи ҳамдир. Айнан шу боис, Францияда фуқаролик процесси фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисми сифатида қаралади⁸.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳуқуқ нормаларини ҳуқуқнинг алоҳида соҳаларига ажратишдаги муаммо назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Қоида тариқасида, ҳуқуқ соҳаларини тоифаларга ажратишда тартибга солишнинг предмети ва усулини умумий мезон сифатида олиш таклиф этилади.

Ҳуқуқни мустақил тармоқларга ажратишда унинг ҳуқуқий тартибга солиш предмети деганда, ҳуқуқ нормаларининг ўзига хослигига кўра, улар ўртасидаги муҳим боғлиқликдан иборат бўлган жамиятдаги муносабатларнинг муайян доираси тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи билан ҳуқуқий тартибга солинадиган жамиятдаги муносабатлардир. Ҳуқуқий тартибга солишнинг ушбу умумий тушунчасига кўра, ижро иши юритувининг предмети (ижро иши юритиш ҳуқуқи) ижро иши юритуви доирасида суд ижрочисининг мажбурий ижро ҳаракатларини амалга оширишда мужассамлашадиган, жамиятдаги процессуал характерга эга бўлган муносабатлардан иборатдир (процессуал ҳуқуқий муносабатлар)⁹.

О.В.Исаенкованинг фикрича, ижро иши юритиш ҳуқуқи ижро иши юритуви жараёнида шахснинг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаати қарздор томонидан бузилган ёки тортишилгани ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланганда, давлатнинг мажбурлов механизми орқали ўзининг қонуний ечимини топишида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида айнан ушбу муносабатларни тартибга солишда давлат ижрочиси эга бўлган ҳуқуқ ва ваколатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа бирор-бир давлат органи ходимига берилмаганлиги мазкур соҳанинг ўзига хослигини кўрсатиб, бу борада ушбу олимнинг қарашини асосли эканини тан олишимиз лозим.

Ҳуқуқий тартибга солиш методи деганда, уму-

мий ҳуқуқ назариясида кўпинча ҳуқуқий усуллар ва воситалар йиғиндиси тушунилиб, унинг ёрдамида жамиятдаги муносабатларнинг муайян гуруҳига ҳуқуқий таъсир кўрсатилади. Ижро иши юритувида вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш методи, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “императивлик (қатъий (ўзгармас) қоида) ва диспозитивлик (ўзгарувчанлик)нинг уйғунлиги сифатида тавсифланади”¹¹.

Таъкидлаганимиздек, ижро иши юритуви узок йиллар давомида фан ва қонунчиликда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг бир қисми бўлиб келган. Назарий жиҳатдан ижро иши юритувини фуқаролик процессуал ҳуқуқидан “ажратиб” чиқариш, ижро иши юритуви билан боғлиқ қонунчиликнинг янада ривожланиши ҳамда унинг алоҳида принциплари шаклланиши пайдо бўлишига имкон беради. Мисол учун, ижро иши юритувида ҳуқуқнинг мустақил тармоғи сифатида қараш тарафдорлари ундирувчининг ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги устуворлик, ижро иши юритувининг муҳокама қилинмаслик жиҳати каби ижро иши юритувининг қатор

махсус принциплари мавжудлигини тан оладилар¹².

Шу тариқа, ижро иши юритувида қарздорнинг мулкий тусга эга бўлмаган ҳуқуқларини чеклаш каби таъсир ўтказишнинг янги ҳуқуқий механизмларини қўллаш жараёнида фуқаролик процессининг тарафлар тенг ҳуқуқлилиги, диспозитивлик ва тортишувчанлик каби анъанавий принципларига расман эҳтиёж қолмади. Ҳар қандай ноанъанавий ҳуқуқий чоралар ижро иши юритувининг “мустақиллиги”ни ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, ижро иши юритувининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ҳамда унинг ўзига хос принципларини инобатга олган ҳолда, қонунчиликда ижро иши ҳуқуқини мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида тан олиш таклиф этилади.

Миллий қонунчилигимизда ижро иши ҳуқуқига ҳуқуқнинг алоҳида мустақил тармоғи сифатида қаралиши ҳамда уни олий таълим муассасаларида алоҳида ҳуқуқ фани сифатида чуқур ўрганилиши, унинг жозибадорлигини ошириб, соҳа бўйича олий маълумотга эга мутахассис кадрлар тайёрланишида муҳим аҳамият касб этади.



¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5059-сонли Фармони. 23-банд.

² <https://www.sovremennoepravo.ru/>. В.В. Ярков.

³ Ижро иши юритуви нормалари тизимининг фуқаролик процессидан мустақиллигини биринчилардан бўлиб асослантирган олим М.К.Юков. Юков М.К. Теоритические проблемы системы гражданского процессуального права: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. Свердловск, 1982. С.15-17. Подробно о различных взглядах на место исполнительного производства в системе права см.: Валеев Д.Х. Исполнительное производство: учебник учебник для вузов. СПб., 2010. С. 181-42.

⁴ Валеев Д.Х. Исполнительное производство: учебник для вузов. С. 18-42; Сущность и содержание исполнительного производства по российскому законодательству // Законы России: опыт, анализ, практика. 2013. №5. С. 13-17.

⁵ Чечина Н.А. Избранные труды по гражданскому процессу. СПб., 2004. С. 50-51; Гражданский процесс: учебник / под ред. В.А.Мусина, Н.А.Чечиной, Д.М.Чечота. М. 2001. С. 432 (автор раздела – С.)

⁶ Бахрах Д.Н. Административно-процессуальная деятельность государственной администрации // Административное право и процесс. 2009. № 3. С. 2-6; Семенова С.И., Нестолый В.Г. Отрасливая принадлежность исполнительного производства // Исполнительное право. 2012. № 3 С. 31-36.

⁷ Исаенкова О.В. Проблемы исполнительного права в гражданской юрисдикции: автореф. Дис. ... д-ра юрид. наук. Саратов, 2003. С. 10.

⁸ Кузнецов Е.Н. Исполнительное производство Франции. СПб., 2005. С. 44-45.

⁹ Гурее В.А., Гушин В.В. Исполнительное производство: учебник для магистров С. 22-23; Валеев Д.Х. Исполнительное производство: учебник для вузов. СПб., 2010. С. 48.

¹⁰ Исаенкова О.В. Исполнительное производство: краткий курс и практикум для студентов и судебных приставов-исполнителей. Саратов, 2009. С. 10.

¹¹ Гурее В.А., Гушин В.В. Исполнительное производство: учебник для магистров С. 24-25; Валеев Д.Х. Исполнительное производство: учебник для вузов. С. 48; Исаенкова О.В. Проблемы исполнительного права в гражданской юрисдикции: автореф. дис. ... д-ра юрид. Наук. С. 10.

¹² Ярков В.В. Некоторые принципы гражданского тисполнительного права (в связи с постановлением Конституционного Суда России от 12.07.2007 № 10-П и новым Федеральным законом «Об исполнительном производстве») // Исполнительное производство: процессуальная природа и цивилистические основы: сборник материалов Всероссийской научно-практической конференции / отв. Д.Х.Валеев, М.Ю.Челышев. М., 2009. С. 202.

Комилов Авазбек Бокижонович,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
Қонунчилик ижроси устидан назоратни ташкил этиш кафедраси
катта ўқитувчиси

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК МОНИТОРИНГИ — ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ

- ◆ Мазкур мақолада тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликни мунтазам таҳлил қилишга бўлган зарурат ёритилган. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи айрим қонун ҳужжатлари ҳуқуқий таҳлил қилинган.
- ◆ В данной статье рассмотрена необходимость систематического анализа законодательства о защите прав предпринимателей. Проведен правовой анализ некоторых законодательных актов, регулирующий предпринимательскую деятельность.
- ◆ This article outlines the necessity for continuous analysis of the legislation related to the protection of the rights of the entrepreneurs. Certain legislative documents that regulate the activities of the entrepreneurs are analyzed in the article.

Таянч сўзлар: тадбиркорлик фаолияти субъекти, хўжалик юритувчи субъект, назорат қилувчи орган, назорат, хавфни таҳлил этиш тизими, текшириш, рейд тартибидаги назорат.

Ключевые слова: субъект предпринимательской деятельности, субъект хозяйственной деятельности, контролирующий орган, надзор, система «анализ риска», проверка, рейдовый контроль.

Key words: subject of entrepreneurial activity, business entity, controlling bodies, control, system of analysis of the risks, checking, raid control.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг тўққинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратиш ва республиканинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Ушбу саяё-ҳаракатлар, ўз-ўзидан, мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг ривожланишига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсдаги рейтингига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, прокуратура органларининг бутун диққат-эътибори мазкур жараёнларда локомотив ролини бажариш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоғи, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояланганлик даражасини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорларга босим ўтказилишининг олдини олиш, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашув, уларни ноқонуний текшириш ҳолатларига йўл қўймаслик кабиларга йўналтирилмоғи керак.

Мазкур вазифаларни бажариш жараёнида прокурор назоратининг ўрни ва роли алоҳида эъти-

борга молиқдир. Маълумки, қонунлар ижроси устидан прокурор назорати прокуратура органларининг муҳим функцияларидан бири ҳисобланади¹. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига асосан, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети саналади².

Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, прокурор назоратини амалга ошириш учун бошқа қонун ҳужжатларида бунга кўрсатма берилиши шарт эмас. Чунки, ушбу фаолият махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат — “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун билан тўлиқ қамраб олинади. Аммо, баъзи тадқиқотчилар тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ижроси ва ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлиги устидан прокурор назоратини

амалга ошириш жараёнида прокуратура органларига бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қўшимча ваколатлар юклатилишини айтиб ўтишди³.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 5-бандига асосан, 2018 йил 1 сентябрдан прокуратура органлари зиммасига назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди⁴.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги Фармон ва ушбу Фармон асосида қабул қилинган Бош прокурорнинг “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (кейинги ўринларда — вақтинчалик Низом) (2018 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3067) ҳамда “Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги (2018 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3093) буйруқлари назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш, уларни электрон рўйхатга олиш борасидаги муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, Бош прокурорнинг “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингунига қадар шу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи ўзига хос норматив-ҳуқуқий ҳужжат ролини ўташи билан эътиборга моликдир.

Маълумки, тадбиркорлик соҳасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини мунтазам мониторинг қилиб бориб, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатлари бузилишига, шунингдек, ҳуқуқий нормаларни ўзбошимчалик билан, субъектив, танлов асосида талқин қилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳамда уларни бартараф этиш — тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Мазкур вазифадан келиб чиққан ҳолда, илмий мақола доирасида айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, фикримизча, ўз аксини топиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида сўз юритамиз.

Чунончи, юқорида таъкидланганидек, вақтинчалик Низом назорат қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказишнинг вақтинчалик тартибини белгилаб беради.

Низомнинг 4-бандига асосан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида назорат қилувчи органларнинг марказий аппарати томонидан ташкил этиладиган текширувлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказиладиган текширувлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари билан келишилиши кўрсатилган. Аммо, бевосита прокуратура органлари томонидан хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш (келишиш) тартиби ушбу Низомнинг тартибга солиш доирасидан четда қолган.

Шу ўринда айрим амалиётчи ва тадқиқотчилар томонидан “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасига кўра, хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашшига, шунингдек, идоровий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Шу боис, прокуратура органлари хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилиши кўзда тутилган текширишларини шу соҳадаги махсус ваколатли назорат қилувчи органга топширишлари лозим бўлади” деган мазмунда фикр билдиришлари мумкин. Мазкур қарашларни тўлиқ инкор этмаган ҳолда, уларнинг бир мунча мунозарали эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Боиси, прокурор назорати амалиёти шуни кўрсатадики, жисмоний ва юридик шахслар у ёки бу хўжалик юритувчи ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан йўл қўйиладиган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан аксарият ҳолларда назорат қилувчи органларга эмас, бевосита прокуратура органларига мурожаат этишади.

Прокуратура органлари “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда, мурожаатни ваколатли назорат қилувчи органга (масалан, ДСЭНМ ва бошқалар) юбориши, ушбу орган тадбиркорлик субъектида ўтказилиши кўзда тутилган текширишни ваколатли органдан мувофиқлаштиригандан сўнг ўтказиши мумкин. Лекин амалиётда прокурорнинг бевосита аралашувини, яъни “прокурор назорати” тартибида текшириш ўтказишни тақозо этувчи ҳолатлар юзага келиши эҳтимолини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бундай ҳолатларга қуйидагиларни, жумладан:

— назорат қилувчи орган ёки мансабдор шахснинг текшириш жараёнида важларни тўлиқ ва ҳолисона ўрганмаслиги (бунга коррупция, манфаат-

лар тўқнашуви ва ҳ.к. омиллар таъсир этади);

— мурожаатда келтирилган важлар юзасидан муқаддам ўрганиш ёки текшириш ўтказилган, аммо назорат қилувчи органлар томонидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатларига етарлича баҳо берилмаганлиги оқибатида, фуқароларнинг ҳақли эътирозлари юзага келишига сабаб бўлиши;

— фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, қонун талабларининг мунтазам, жиддий тарзда бузилиши билан боғлиқ, келгусида жамоат хавфсизлигига путур етишига олиб келиши мумкин бўлган фактлар, ҳолатлар ҳақидаги тезкор хабар ва мурожаатларнинг прокуратурага бевосита келиб тушганлиги ва бу ҳолатлар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурати ҳамда бошқа шу кабиларни киритиш мумкин бўлади.

Шунинг учун ҳам, келгусида турли талқин ва тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида бевосита прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш масаласини ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтириладиган тушунчаларнинг ягона юридик таърифларини ишлаб чиқиш — бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Амалиёт шундан далолат берадики, айрим тушунчаларга ҳалигача ягона юридик таърифлар берилмаган. Хусусан, “хўжалик юритувчи субъект” тушунчасининг қонунчиликда аниқ изоҳи учрамайди. Бу эса ўз навбатида, турли талқинларни келтириб чиқармоқда. Масалан, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир⁵. Ер Кодексининг 53-моддасига асосан эса фермер хўжалиги ўзига ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектидир⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги Фармонига асосан, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти прокуратура, ички ишлар вазирлиги ва давлат хавфсизлик хизмати органлари томонидан фақат кўзғатилган жиноий иш бўйича тергов тартибида текширилади. Бунда мазкур субъектларнинг фақат кўзғатилган жиноий иш билан боғлиқ бўлган фаолияти текширилиши мумкин⁷.

Шу ўринда савол туғилади. Агар фермер хўжа-

лиги тадбиркорлик субъекти ҳисобланса, уни текшириш билан боғлиқ масалалар вақтинчалик Низом асосида тартибга солинадими ёки у хўжалик юритувчи субъект ҳисобланса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги Фармонида келтирилган асос бўйича текшириладими?

Бизнингча, шу каби тушунмовчиликларга йўл қўймаслик мақсадида қонунчиликда “хўжалик юритувчи субъект” тушунчаси аниқ белгилаб берилиши, унинг “тадбиркорлик субъекти”дан фарқли жиҳатлари кўрсатилиши лозим.

Шунингдек, юқоридаги Фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилишни назарда тутувчи “хавфни таҳлил этиш” тизими натижалари асосида амалга оширилиши қатъий кўрсатиб ўтилди. Аммо, қонунчиликда “хавфни таҳлил этиш тизими”, “хавф даражасини белгилаш мезонлари” тушунчаларига таъриф берилмаган. Оқибатда, бу келгусида назорат қилувчи органлар томонидан ушбу тушунчалар турлича талқин этилишига, хавфни таҳлил қилиш турли мезонлар асосида баҳоланишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун эса “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасининг “Асосий тушунчалар” деб номланган моддасида “хавфни таҳлил этиш тизими” тушунчасига юридик таъриф берилиши, шунингдек, қонунда хавфни таҳлил қилишда уни баҳоланишнинг аниқ мезонларини қайд этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Низомнинг 2-бандига асосан, вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинадиган умумий мажбурий тусдаги: фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи; идоралараро тусга эга бўлган; мазкур бошқарув органи тизимига кирмайдиган ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак⁸. Фармонда назорат қилувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Савдо-саноат палатаси билан келишган ҳолда ўз фаолиятига “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги тегишли низомларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаши лозимлиги қайд этилган. Бироқ, фикримизча, назорат қилувчи органлар томонидан ишлаб чиқилаётган ушбу низомлар тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тўғридан-тўғри дахлдор бўлади. Шу сабабли, улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, амалдаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнида эски ёки ўз кучини йўқотган тушунчалар ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бандига кўра, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текширишларни жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мувожаатлари асосида махсус ваколатли органнинг — Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиши мумкин⁹.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони 2-бандига асосан, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши тугатилган¹⁰.

Бу каби ҳолатларни Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги 405-сон қарори билан тасдиқланган “Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа ҳужжатларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, юқоридаги Низомнинг 33-бандига ҳам “Республика назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши” жумласи ҳануз ўзгартиришсиз қолмоқда¹¹.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 5-бандига асосан 2018 йил 1 сентябрдан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилишни назарда тутувчи “хавфни таҳлил этиш” тизими натижалари асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Шуни инобатга олган ҳолда, фикримизча, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши юзасидан тадбиркорлик субъекти фаолияти устидан назоратни амалга ошириш масаласи ҳозирча юқорида қайд этилган вақтинчалик Низом ҳамда “Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақида”ги Низомлар доирасида

тартибга солиниши, келгусида “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан ушбу қонун доирасида тартибга солиниши лозим бўлади.

Бундан ташқари, кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “рейд тартибидаги назорат”, “мониторинг” каби тушунчалар ҳам қўлланилмоқда. Аммо, “рейд тартибидаги назорат” ва “мониторинг” тушунчаларининг амалдаги қонунчиликда юридик таърифи, уни ўтказиш ёки амалга ошириш тартиби, текширишдан фарқли жиҳатлари аниқ очиб берилмаган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 августдаги 216-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 35-бандига рейд тартибидаги экологик назорат сутканинг исталган вақтида амалга оширилиши мумкинлиги, 41-бандига рейд тартибидаги экологик назоратни амалга ошириш учун назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ёки ҳудудий комиссия билан келишиш талаб қилинмаслиги қайд этилган¹². Бироқ, Низомда “рейд тартибидаги назорат” тушунчасига изоҳ мавжуд эмас.

Бу билан айтмоқчимизки, “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида давлат назорати шакллари алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. “Рейд тартибидаги назорат”, “мониторинг” ва бошқа шу каби тушунчаларнинг текшириш ва тафтишдан фарқли жиҳатлари, уларнинг уни ўтказиш ва келишиш тартиби билан боғлиқ жиҳатлари ҳам қамраб олинishi мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, ҳозирда “Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 7 ноябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2280) ўз кучида бўлиб, ушбу ҳужжат текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш, унинг ҳисобини юритиш каби масалаларни тартибга солади. Эътиборлиси, Низомда текширишларни рўйхатга олиш китобининг электрон шаклига кириш efk.minjust.uz сайти орқали амалга оширилиши белгиланган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш мақсадида назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартибига риоя қилинаётганлиги бўйича мониторинг адлия органлари томонидан амалга оширилиши кўрсатилган.

Ҳозирда юқорида келтирилган Фармон ва унинг асосида қабул қилинган вақтинчалик Низом ҳамда “Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақида”ги Низомни ҳисобга олиб, текширишларни рўйхатга олиш китобининг шакли ва уни тўлдириш тартиби Бош

прокуратура томонидан тасдиқланиши лозим бўлади.

Бундан ташқари, текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида жиноят иши доирасида ўтказилаётган текширишларни электрон рўйхатга олиш, текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартибига риоя қилинаётганлигини мониторинг қилиш, тадбиркорнинг текширув жараёни ёки унинг натижаси бўйича тезкор тарзда юборган мурожаатларини билиш ҳамда прокуратура органларининг текшириш жараёнида қонунийликни таъминлаш мақсадида тадбиркордан фикр-мулоҳазаларини сўраш имкониятлари назарда тутилиши лозим.

“Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси борасида ҳам бир қатор фикр-мулоҳазаларни илгари суриш мумкин. Жумладан, қонун лойиҳасининг 5-моддаси 2-қисмига асосан, профилактик тадбирлар назорат қилувчи орган томонидан ҳуқуқий тарғибот йўли билан амалга оширилади. Мазкур модданинг 3-қисмида эса профилактик тадбирлар жараёнида ҳуқуқбузарлик факти аниқланган тақдирда, назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари ушбу ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имконият яратган шарт-шароитларни ўрганишлари мажбурийлиги белгиланган.

Амалиёт шуни кўрсатадики, тарғибот тадбирлари жараёнида қонун бузилиши ҳолатларини аниқлашнинг имкони деярли мавжуд эмас. Келгусида назорат қилувчи органлар томонидан ушбу норма нотўғри талқин қилиниб, профилактик тадбирлар “ниқоби остида” текшириш ҳаракатлари ҳам амалга оширилиши, тадбиркорлик фаолиятига аралашуш эҳтимолини ҳам истисно этиб бўлмайди. Шу боис, профилактик тадбирлар турларини янада аниқроқ баён этиш, уларнинг текширишдан фарқи нималардан иборат эканлигини кўрсатиш фойдадан холи бўлмайди.

Шу каби, қонун лойиҳасининг 16-моддасига кўра, объектив асослар мавжуд бўлганда, текшириш ўтказиш муддатини узайтириш, тўхтатиш ва (ёки) бошқа муддатга кўчиришни сўраб, ваколатли органга талабнома киритиш назорат қилувчи органнинг ҳуқуқидир. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида текшириш ўтказиш муддатини узайтириш, тўхтатиш ва (ёки) бошқа муддатга кўчиришнинг аниқ асослари кўрсатилиши янада мақсадга мувофиқ.

Қонун лойиҳасининг 17-моддаси 1-қисми 13-бандида текширилаётган тадбиркорлик субъектлари текшириш жараёнида қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканликлари қайд этилган. Ушбу норма, фикримизча, тадбиркорнинг ҳуқуқларини бирмунча чеклаб қўяди, яъни унга фақат текшириш натижаси бўйича шикоят қилиш ҳуқуқини беради.

Маълумки, назорат қилувчи орган масъул шахслари томонидан текшириш ўтказиш жараёнида қонун талабларига риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилади. Шунинг учун, текширилаётган тадбиркорлик субъектларига текширишнинг исталган босқичида ноқонуний хатти-ҳаракат ёки қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқини бериш улар ҳуқуқларининг янада тўлиқ таъминланишига замин яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалиётда назорат қилувчи органлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида текширишга рухсат олиниб, тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширилади. Бу асос юқорида қайд этилган Фармонда кўзда тутилган. Лекин, текшириш жараёнида мурожаатда кўрсатилган важлар тасдиқланмасдан, асоссиз қилинган мурожаат туфайли тадбиркорга етказилган моддий зарар ким томонидан қопланиши масаласи очик қолиб кетган. Фикримизча, бу ҳолатда тадбиркорга етказилган зарар асоссиз мурожаат қилган муаллифдан ундириб олиниши даркор.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги таклиф ва тавсиялар билдирилади:

— Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

— бевосита прокуратура органлари томонидан хўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширишларни келишиш тартибини ушбу қонунда кўрсатиб ўтиш;

— “хўжалик юритувчи субъект”, “хавфни таҳлил этиш тизими” каби тушунчаларга юридик таъриф бериш;

— қонун лойиҳасида хавфни таҳлил қилишда уни баҳолашнинг аниқ мезонларини кўрсатиш, “хавфни таҳлил этиш” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ ва сифатли инвентаризациядан ўтказиб, қонун ҳужжатлари матнидаги эски, ўз кучини йўқотган тушунчаларни амалдагилари билан бирхиллаштириш;

— лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши юзасидан тадбиркорлик субъекти фаолияти устидан назоратни амалга ошириш масаласини юқорида қайд этилган вақтинчалик Низом ҳамда қонун доирасида тартибга солиш, шунингдек, қонун лойиҳасида давлат назорати шакллари аниқ кўрсатиш, “рейд тартибидаги назорат”, “мониторинг” ва бошқа шу каби тушунчаларнинг текширишдан фарқли жихатлари, уларнинг уни ўтказиш ва келишиш тартибини камраб олиш;

— текширишларни рўйхатга олиш китобининг шакли ва уни тўлдириш тартиби Бош прокуратура томонидан тасдиқланишини белгилаш;

— текширувларни электрон рўйхатга олиш яго-

на тизимида жиноят иши доирасида ўтказилаётган текширишларни электрон рўйхатга олиш, текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартибига риоя қилинаётганлигини мониторинг қилиш, тадбиркорнинг текширув жараёни ёки унинг натижаси бўйича тезкор тарзда юборган мурожаатларини билиш ҳамда прокуратура органларининг текшириш жараёнида қонунийликни таъминлаш мақсадида тадбиркордан фикр-мулоҳазаларини сўраш имкониятлари назарда тутилиши;

— қонун лойиҳасида профилактик тадбирлар турларини аниқ баён этиш, уларнинг текширишдан фаркли томонларини кўрсатиш;

— қонун лойиҳасида текшириш ўтказиш муддатини узайтириш, тўхтатиш ва (ёки) бошқа муддатга кўчиришнинг аниқ асосларини белгилаб бериш, шунингдек, текширилаётган тадбиркорлик субъект-

ларига текширишнинг исталган босқичида ноқонуний хатти-ҳаракат ёки қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқини бериш;

— асосиз мурожаат асосида ўтказилган текшириш оқибатида, тадбиркорга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойдани мурожаат муаллифидан ундириб олиш масаласини киритиш.

Умуман олганда, “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлиб, у тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, назорат қилувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашув ва тўсқинлик қилишининг олдини олишнинг мустаҳкам кафолати бўлиб хизмат қилади.



1. Шмелев А.В. Особенности осуществления прокурорского надзора за предпринимательской деятельностью // Вестник Саратовской государственной юридической академии, 2017, №6 (119). – С. 233.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 20-сон, 139-модда, (интернет манба: <http://lex.uz/docs/106197>, мурожаат этилган сана 19.12.2018 й.).
3. Шмелев А.В. Особенности осуществления прокурорского надзора за предпринимательской деятельностью // Вестник Саратовской государственной юридической академии, 2017, №6 (119). – С. 233.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.07.2018 йилдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.07.2018 й., 06/18/5490/1584-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон, 02.11.2018 й., 06/18/5566/2153-сон (интернет манба: <http://lex.uz/docs/3839746>, мурожаат этилган сана 19.12.2018 й.).
5. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 433-модда (интернет манба: <http://lex.uz/docs/275195>, мурожаат этилган сана 19.12.2018 й.).
6. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда, (интернет манба: <http://lex.uz/docs/152653>, мурожаат этилган сана 19.12.2018 й.).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.11.1998 йилдаги “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги ПФ-2114-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 10-11-сон, 209-модда, (интернет манба: <http://lex.uz/docs/221728>, мурожаат этилган сана 19.12.2018 й.).
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.10.1997 йилдаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 469-сон Қарори, (интернет манба: <http://lex.uz/docs/582735>, мурожаат этилган сана 19.12.2018 й.).
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.04.2017 йилдаги “Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 189-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 231-модда, (интернет манба: <http://lex.uz/docs/3157786>, мурожаат этилган сана 19.12.2018 й.).
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.01.2018 йилдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон; 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон, (интернет манба: <http://lex.uz/docs/3516847>, мурожаат этилган сана 19.12.2018 й.).
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.06.2017 йилдаги “Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 405-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 548-модда, (интернет манба: <http://lex.uz/docs/3242574>, мурожаат этилган сана 19.12.2018 й.).
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2014 йилдаги “Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 216-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 404-модда (интернет манба: <http://lex.uz/docs/2443091>, мурожаат этилган сана 19.12.2018 й.).

Курбанов Маъруф Мамадаминович,
Тошкент давлат юридик университетининг
Жиноят ҳуқуқи ва криминология
кафедраси ўқитувчиси

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ, ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА АРАЛАШИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

- ◆ Мақолада муаллиф томонидан тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар умумий тавсифи таҳлил қилинган.
- ◆ В данной статье автором проводится анализ общей характеристики преступлений, связанных с воспрепятствованием и незаконным вмешательством в предпринимательскую деятельность.
- ◆ In this article the author conducted an analysis general characteristics of crimes related to obstruction, unlawful interference in business activities.

Таянч сўзлар: тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш, хусусий мулк дахлсизлиги, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш.

Ключевые слова: предпринимательская деятельность, воспрепятствование предпринимательской деятельности, незаконное вмешательство, неприкосновенность частной собственности, навязывание собственнику заведомо неприемлемых условий.

Key words: entrepreneurial activity, obstruction of entrepreneurial activity, unlawful interference, unprivileged private property, imposing on the owner of knowingly unacceptable conditions.

XX асрнинг охирига келиб Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида хилма-хил шакллардаги мулк, жумладан, хусусий мулк пайдо бўла бошлади. Жамиятнинг барқарор иқтисодий негизларини барпо этиш, иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида хусусий мулк дахлсизлигини ҳимоялаш, иқтисодиётда унинг ўрнини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес шароитини янада яхшилашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини шакллантиришга киришилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши мустаҳкамланди.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш иқтисодиётни либераллаштириш, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, мулкчилик асосларини яратиш ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланишига узвий боғлиқ.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатларини жорий

этиш ва уни такомиллаштиришда тадбиркорлик фаолиятининг нечоғли тараққий этганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳамда фуқаролик жамиятининг иқтисодий базаси сифатида ҳам намоён бўлади. Чунки, жамиятда тадбиркорлик шаклидаги фаолиятнинг шаклланиши шахсий ижодий потенциални рўёбга чиқариш имкониятини туғдиради, рақобат майдонида шахснинг хилма-хил шакллардаги мулкни ривожлантиришга бўлган ташаббускор, инновацион ёндашувини уйғотади.

XX аср бошларида аҳоли аксарият қисмининг турмуш кечириш даражаси нисбатан паст бўлган шароитда товар ва хизматлар бозорини ташкил этиш, турли хўжалик юритувчи субъектлар структураларининг ривожланиши ижтимоий-иқтисодий қарама-қаршилиқлар ҳамда ижтимоий муносабатларнинг юқори криминоген вазиятини келтириб чиқарди. Шу сабабдан ҳам ишлаб чиқариш ва моддий бойликларнинг тақсимланиши тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан “оммавий жиноий назорат”нинг ўрнатилишига олиб келди, оқибатда бу мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатди. Шундай шароитда

тадбиркорлик фаолияти нафақат самарали фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш тизимига, балки лозим даражадаги жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишга ҳам эҳтиёж сезарди¹.

Шу сабабдан ҳам мулкчилик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида Конституциянинг 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги белгиланди. Ўз навбатида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари билан тенг ва бир хил муҳофаза қилинишининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хусусий корхона тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топди.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётини либераллаштириш орқали иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, улар фаолиятини либераллаштириш, дуч келиши мумкин бўлган тўсиқларни олиб ташлаш борасида меъёрий-ҳуқуқий база тубдан қайта кўриб чиқилиши натижасида ўтган йиллар давомида хусусий мулкнинг ролини ошириш ҳамда ҳимоясини кучайтиришга доир 70 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони асосида 2015 йил 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар” деб номланган янги боб билан тўлдирилди.

2018 йилнинг мамлакатимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан 2018 йил 22 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инно-

вацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашушларнинг олдини олиш механизмларини янада такомиллаштириш назарда тутилган.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар мамлакат иқтисодиёти, хусусан, унинг инвестициявий жозибдорлигига путур етказди.

Жиноят қонунининг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳақидаги нормалар бланкет нормалар бўлиб, унинг таърифи тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари мазмунидан келиб чиқади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида “тадбиркорлик фаолияти” тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 4-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир².

Шунга кўра сўз юритилаётган қилмишлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашушда ифодалангани.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятларни шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

- 1) тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар;
- 2) тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “тўсқинлик қилмоқ” феъли “тўсқин бўлмоқ”, “қаршилик кўрсатмоқ”, “аралашмоқ” феъли эса “қўшилмоқ”, “алоқда бўлмоқ”, “муносабатда бўлмоқ”³ каби маъноларни англатиши берилган.

Бундан ташқари, содир этилиш усули ва жино-

ят таркибининг объектив томон белгиларига кўра **тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ жиноятлар** — хусусий мулк ҳуқуқини бузиш (192¹-м.), тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш (192⁴-м.), лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (192⁵-м.), имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўллагаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш (192⁶-м.);

тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар — тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш (192²-м.), тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш (192³-м.), тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш (192⁸-м.) каби қилмишларда ифодаланadi.

Мазкур турдаги жиноятлар ижтимоий хавфлилиги ва хусусиятига кўра унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киради.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар объектини иқтисодиёт соҳасидаги, хусусан, қонун ҳужжатларида белгиланган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш эркинлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Шунингдек, жиноятнинг бевосита объектини:

— фуқароларнинг хусусий мулки дахлсизлиги ва уни ҳимоя қилиш;

— тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш;

— тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тартибини таъминлаш;

— тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағларини эркин тасарруф этишини тартибга солиш;

— тадбиркорлик субъектлари фаолиятини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қўллаш тартибини таъминлаш;

— тадбиркорлик субъектларига қонунда кўрсатилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш тартибини таъминлаш;

— тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларида мавжуд пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларнинг дахлсизлиги ҳамда хавфсизлиги, банк ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотлар ва банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларга оид банк сирини ташкил этувчи маълумотларининг сир сақланишини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий му-

носабатлар ташкил этади.

Жиноятнинг предметини турли хил шаклдаги мол-мулк ташкил қилади. Ушбу турдаги жиноятлар объектив томонининг зарурий белгиси айбдорнинг муқаддам шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганлигида ифодаланadi.

Сўз юритилаётган жиноятлар субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс бўлиб, у жиноят субъекти сифатида махсус белгиларга ҳам эга. Бу турдаги жиноятлар назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан содир этилади.

Амалдаги жиноят қонунчилигига кўра мансабдор шахс деганда, доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланadиган ёки сайланadиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс тушунилади.

Хизматчи деганда эса, давлат органида, тижорат, нотижорат ташкилотда меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс англашилади.

Шунингдек, мазкур турдаги жиноятларнинг махсус субъекти тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш, уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, уларга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ҳамда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш ваколатига эга бўлган давлат органи ёки давлат ташкилотининг хизматчиси ёки мансабдор шахси бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар субъектив томондан қасддан содир этилади.

Жиноий қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилиши унинг учун тайинланadиган жазонинг тури ва миқдорига таъсир этади. Шу жиҳатдан қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этишнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти масаласида ҳуқуқшунос олимлар турли фикрларни билдиришган. Жумладан, А.Қодиров оғирлаштирувчи ҳолатлар содир этилган қилмишнинг объектив ва субъектив белгиларига кўра ижтимоий хавфлилиги бўлган ёки айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилигига кўра Махсус қисм моддаси санкцияси доирасида оғирроқ жазо чораси қўлланилишига асос

бўладиган ҳолатларни тушунтиради⁴. Р. Кабулов ва А. Отажоновлар оғирлаштирувчи ҳолатлар деганда, жиноят таркиби белгиларига кирмайдиган, жиноятнинг объектив ва субъектив ҳолатларини тавсифлайдиган ҳамда санкция доирасида оғирроқ жазо тайинлашда инобатга олинадиган ҳолатларни назарда тутиш лозим деб ҳисоблайди⁵. Айрим ҳуқуқшунослар содир этилган жиноят ва айбдорнинг ижтимоий хавфлилиги юқорилигидан далолат берувчи ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди⁶.

Шунга кўра тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар объектив (кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда) ва субъектив (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этиш) белгиларига кўра қуйидаги оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилиши мумкин:

— объектив белгиларига кўра — кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

— субъектив белгиларига кўра — бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган ҳолда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги Қароридан тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашуш деганда қуйидагилар тушунилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган:

— мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш;

— тадбиркорлик субъектларини пул маблағлари ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажра-

тиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш;

— лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш;

— имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш ва бошқалар.

Қонун чиқарувчи ушбу турдаги жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган — жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган — озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазолар қўллаш билан таҳдид қилади.

Жиноят қонунини қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирадиган ижобий характерланадиган хатти-ҳаракатлар учун шахсга нисбатан рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш вазифасини ҳам бажаради⁷. Жумладан, 192⁴-моддада назарда тутилган тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш жинояти натижасида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги рағбатлантирувчи норма белгиланган.

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароит яратиш, шунингдек, мамлакат аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлаш кўрсаткичларини ошириш, инвестициявий жозибадорликни таъминлашда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилиш ва қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноий қилмишлар учун жавобгарлик муқаррарлигининг таъминланиши муҳим аҳамиятга эга.



¹ Ежов Ю. А. Преступления в сфере предпринимательства. М., 2001. С. 5 - 11.

² Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ–328-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 52-сон, 598-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. – 680-б.

⁴ Қодиров А. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар. Монография–Т.: “Адолат”, 1998. Б.45.

⁵ Jinoyat huquqi. Darslik. (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) / R.Kabulov, A.A. Otajonov va boshq. – Toshkent: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. –В. 335.

⁶ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. II том. Умумий қисм. Жазо тўғрисида таълимот. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.: ILM ZIYO, 2011. –Б. 100.

⁷ Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: “ILM ZIYO”, 2005, 18-бет.

Закирова Умида Алишеровна,
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят ҳуқуқи ва криминология кафедраси ўқитувчиси

ЎЧ ОЛИШ МОТИВИ БИЛАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

◆ Мазкур мақолада ўч олиш мотиви билан содир этиладиган жиноятлар тушунчаси, моҳияти, шунингдек, унинг жиноятларни квалификация қилишга таъсири, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига келтирилган ўч олиш мотиви билан содир этиладиган жиноятлар билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолар ёритилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

◆ В данной статье освещаются понятие мотива мести преступления, её сущность, а также её влияние на квалификацию преступления, в том числе теоретические и практические проблемы мотивов мести преступления, которые указаны в Уголовном кодексе Республики Узбекистан, кроме того разработаны предложения и рекомендации по дальнейшему совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

◆ This article covers the concept of the motive of revenge for a crime, its essence, as well as its influence on the qualification of a crime, including theoretical and practical problems of the motives of revenge for a crime, which are specified in the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, in addition, proposals and recommendations for further improvement of criminal legislation of Republic of Uzbekistan.

Таянч сўзлар: жиноят мотиви, ўч олиш мотиви, рашк, тамагирлик, ғаразгўйлик, безорилик, қасддан одам ўлдирish.

Ключевые слова: мотив преступления, мотив мести, ревность, корысть, хулиганство, убийство.

Key words: motive of crime, motive of revenge, jealousy, profit motive, hooliganism, homicide.

Жиноят ҳуқуқида мотив жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгиси ҳисобланади. Бу дегани жиноят мотиви барча жиноятлар учун ҳам зарурий белги бўлмай, балки ЖК Махсус қисмининг айрим моддаларида назарда тутилган жиноят таркиби учунгина зарурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига назарда тутилган жиноят мотивларидан биргина ғаразгўйлик нияти (корыстные побуждения) жиноятнинг қўшимча зарурий белгиси сифатида кўрсатилиб, муайян қилмишни тўғри квалификация қилиш учун умумий белгиларидан ташқари айбдорда ғаразгўйлик нияти мавжуд ёки мавжуд бўлмаганлигининг ҳам аниқланишини тақозо этади. Бироқ, ўч, рашк, безорилик каби мотивлар тўғридан-тўғри муайян жиноят таркиби доирасига киритилмаган бўлса-да, баъзан қилмишни квалификация қилишда ва айбдорга жазо тайинлашда муҳим аҳамият касб этади.

Статистик маълумотларга кўра, 2017 йилда мамлакат бўйлаб 73 минг 692 та жиноят қайд этилган бўлиб, шундан оилавий келишмовчилик-

лар сабабли яқин қариндошлар бир-бирига нисбатан содир этган қотилликлар сони 200 га яқин бўлган. Ушбу жиноятларнинг 62 таси эр хотинига, 10 таси хотин эрига, 119 таси эса яқин қариндошлар томонидан бир-бирларига нисбатан содир этилган. Бундай нохушликлар асосан Самарқанд вилояти (27), Тошкент шаҳри (24), Тошкент (22) ва Фарғона (21) вилоятларида кўпроқ учраган¹.

Аксарият ҳолларда жиноят содир этишдан аввал шахс дастлаб ички кечинма, чуқур рухий, эмоционал ҳолатни бошдан кечиради, ҳис этади (рашк, ўч олиш, ҳасад ва ҳ.к.), сўнгра муайян мотив уни ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат)ни содир этишга йўналтиради. Мотив негизда жиноятнинг мақсади шаклланиб, мотив ва мақсад бирлашиб, субъектнинг тафаккурий ва иродавий фаолияти учун асос яратади. Одатда уришиш ёки муштлашиш билан содир этилган жиноятларнинг бир жиҳати бўлиб, улар муайян мотив (безорилик оқибатида, тамагирлик ниятида, рашк, ўч олиш, ҳасад ва ҳоказо) билан содир этилади.

Тарихдан маълумки, ўч олиш (дият)² билан со-

дир этиладиган жиноятларга жазо белгилаш турли даврларда турлича бўлган. Хусусан, “қонга-қон, жонга-жон”, “хун ундириш”, “тўкилган қон учун ўч (қасос) олиш” каби қоидалар шаклланган бўлиб, ҳаттоки руҳсат берилган. “Бунда айбдор жабрланувчига қандай жароҳат етказган бўлса, унга ҳам айнан шундай жароҳат етказиш, агар айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этган бўлса, марҳумнинг қариндошлари қотилни ҳаётдан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга бўлади”³. Яъни, шахс бир-бирини билиб ёки билмасдан ўлдириб қўйса ёки қўл-оёғини синдириб қўйса, ундан қасос ёки хун олинган.

“Хун олиш” анъанаси уруғлар ўртасидаги низоларни бартараф этиш воситаси сифатида пайдо бўлган. Бунда жиноятчи деб топилган шахсга нисбатан товон тўлаш мажбурияти юкланган. Туркий халқларнинг қадимги аждодларига хос бўлган бундай одатга кўра, ўткир қуролни қинидан чиқаргани ёки қурол ўқталгани учун ҳам хун ҳақи, яъни товон ундирилган⁴.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қасос — ўч олиш, ўч, интиқом, жазо(лаш) маъноларини англатади. Кундалик мулоқотда ёмон, номаъқул иш, қилмиш учун жавоб қайтариш мақсади, шунга қаратилган ният, шу мақсаддаги иш, ҳаракатнинг ўзи маъноларида қўлланилади⁵.

Ҳозирги замон ҳуқуқшунослигида қасос деганда ўч олиш, яъни қилган ёмонлиги, етказган зиёни, таҳқирлаганига яраша жавоб қайтариш; шахс томонидан содир этилган муайян ҳаракатлари учун унга қарши ҳаракат содир этишни уйғотадиган ҳиссиёт; шахсда қасддан жиноят содир қилиш учун шижоат туғдирувчи ички ният бўлиб, содир қилинган жиноятнинг мотиви, мақсади ҳисобланади ва ғаразли ёки бошқача паст ниятларда жиноят содир этиш жазо тайинлашда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат тушунилади⁶.

Ўч олиш мотиви билан содир этилган жиноятларга жиний-ҳуқуқий тўғри баҳо бериш учун унинг классификациясини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур классификация ўч олиш мотивига ахлоқ ва ҳуқуқ нуқтаи назаридан баҳо бериши билан самарали ҳисобланади.

Биз ўч олиш мотиви билан содир этилган жиноят ишларини таҳлил қилган ҳолда уларни қуйидаги гуруҳларга бўлдик.

Биринчиси, айбдор жабрланувчига қандай жароҳат етказган бўлса, ўч олиш ниятида унга ҳам айнан шундай жароҳат етказилган ёхуд айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этганлиги сабабли марҳумнинг қариндошлари ҳам айбдорни ҳаётдан маҳрум қилган (“қонга-қон, жонга-жон” принципи);

Иккинчиси, айбдор жабрланувчининг ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорати, шунингдек, унинг

бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари сабабли ўч олиш ниятида айбга номутаносиб равишда шахсга жисмоний ёки руҳий азоб ёхуд моддий зарар етказган;

Учинчиси, жабрланувчининг хизмат ёки фуқаровий бурчини бажариши муносабати билан ундан ёки яқин қариндошларидан ўч олиш ниятида қасддан соғлиғига ёки ҳаётига ёхуд мулкига тажовуз қилинган.

Тергов ва суд амалиётида юқоридаги **биринчи ва иккинчи гуруҳда** келтирилган ўч олиш билан боғлиқ ҳолатлар қилмишни квалификация қилишга таъсир кўрсатмайди. Сабаби, бундай турдаги ўч олиш мотиви билан содир этиладиган жиноятларга умумий қаралиб, улар назарий-амалий жиҳатдан бир-биридан фарқланмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандига мувофиқ, “агар қилмишда Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари, шунингдек, мазкур Кодекснинг 98–101-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, масалан, қотиллик ўч олиш оқибатида содир этилган бўлса, қасддан одам ўлдириш жинояти ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми бўйича квалификация қилинади” деб таъкидланган. Фикримизча, гарчи жиноят таркибида жазони оғирлаштирувчи белгилар бўлса-да, бироқ қилмиш ўч олиш мотиви билан “қонга-қон, жонга-жон” принципи асосида содир этилган бўлса, жиноят айбни енгиллаштирувчи ҳолатларда содир этилган деб қаралиши лозим. Сабаби, бу ҳолатда айбдор шахсда ўч олиш мотиви унинг яқин қариндошининг соғлиғига ёки ҳаётига тажовуз қилингандан кейин пайдо бўлади ва шаклланади. Бунда марҳумнинг яқин қариндошлари кучли изтиробни бошдан кечиради ва тушкун ҳолатга тушган бўлади. Бу вазият айбдорнинг айбини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 24-бандини қуйидагича тўлдириш тавсия этилади:

“Қонун мазмунига кўра, агар қасддан одам ўлдириш тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида, зарурий мудофаа чегарасидан ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб содир этилган бўлса, бундай жиноят ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмининг “а”, “б”, “в”, “д”, “ж”, “р”, “с” бандларида назарда тутилган квалификация белгилари бўйича содир этилган деб баҳоланмаслиги лозим. Шунингдек, жи-

ноят илгари шахс жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этганлиги сабабли унинг яқин қариндошлари томонидан қасддан ўлдириб содир этилган бўлса, бундай жиноят ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмининг “в” ва “ж” бандларида назарда тутилган квалификация белгилари бўйича содир этилган деб баҳоланмаслиги лозим. Башарти унинг ҳаракатларида ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган жавобгарликни оғирлаштирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса, қилмиш ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми бўйича квалификация қилиниши керак. Бу қоида соғлиқ ёки ҳаётга қарши қаратилган жиноятларга нисбатан татбиқ этилади”.

Учинчи гуруҳда назарда тутилган ўч олиш нияти жабрланувчининг хизмат ёки фуқаровий бурчини бажариши муносабати билан қасддан ўлдирса, қилмиш ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “г” банди билан квалификация қилиниши лозим. Мана шу икки ҳолатдаги ўч олиш мотивини бир-биридан фарқлашда жиноят шахсий муносабатлар сабабли ўч олиш ниятида содир этилганлигини ёки жабрланувчининг ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан ундан ўч олиш ниятида содир этилганлигини аниқлаш лозим ҳисобланади. Агар хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахс ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан жиноят содир этганлик билан қилмишни квалификация қилиш норманинг ўзида кўрсатилмаган бўлса, қилмиш ЖКнинг 56-моддаси 1-қисми “в” банди орқали оғирлаштирувчи ҳолат деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорида “Жабрланувчининг хизмат ёки фуқаролик бурчини амалга оширишдаги қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида, шунингдек, бундай фаолиятнинг бажарилиши муносабати билан ўч олиш ниятида содир этилган одам ўлдириш ҳаракатлари “г” банди билан квалификация қилиниши керак”лиги тушунтирилган. Бундан ташқари, бу қоида ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “б” банди; ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “в” банди, ЖКнинг 112-моддаси 3-қисми, ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми “а” банди; ЖКнинг 173-моддаси 3-қисми “а” банди⁷ каби жиноятларга ҳам татбиқ этилиб, бунда айбдор ўч олиш туфайли ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан жабрланувчи ёки унинг яқин қариндошларига жисмоний, руҳий ёки моддий зарар етказиши лозим. Бироқ, шахснинг хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан ёки унинг қонуний талабига тўсқинлик қилишнинг мотиви фақат ўч олиш билан содир этилмайди, балки жиноятнинг мотиви турлича, яъни ҳасад, нафрат каби мотивлар ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, ўч олиш мотиви жиноят тарки-

би доирасига зарурий белги сифатида киритилмаган бўлса-да, суд томонидан шахсга жазо тайинланганда (енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида) инobatга олиниши лозим.

Бундан ташқари, тергов ва суд амалиётида ўч олиш мотиви билан тамагирлик ниятида ёки талон-торож мақсадида содир этиладиган жиноятларни квалификация қилишда айрим хатоликлар учрайди. Мисол учун, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукмига кўра И. фуқаро А.нинг ижарада яшаб келаётган хонадонига келиб, у ерда спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, муқаддам А.га берилган тилла тақинчоқларининг пулларини олиш мақсадида ўзаро жанжаллашган. Жанжал пайтида И. шу ерда ётган темир билан А.нинг ўнг чакка соҳасига уриб, унинг бўйнидан телефон сими ва қўллари билан бўғиб ўлдирган. Шундан сўнг И. А.га тегишли бўлган 682 минг сўмлик тилла тақинчоқлар, “Нокия” русумли телефон аппарати ҳамда 12 минг сўм пулларини эгаллаган. Мазкур ҳолат юзасидан И.га нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “ж,и” бандлари билан 15 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар кассация инстанцияси судининг ажрими билан юқоридаги ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган. Бироқ, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати жиноят ишини қайта кўриб чиқиб, И. тамагирлик ниятида эмас, балки А. билан жанжаллашиб, ундан ўч олиш мақсадида уни қасддан ўлдирганлиги, сўнгра А.га тегишли бўлган мулкларни яширин равишда талон-торож қилганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ажримидан ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмининг “и” банди чиқарилган⁸.

Фикримизча, суд томонидан И.нинг айбловидан ЖКнинг 97-моддаси 2-қисмининг “и” банди чиқарилиши тўғри ҳисобланади. Сабаби, юқоридаги ҳолатда И.нинг ҳаракатларида “тамагирлик нияти” мавжуд эмаслигини қуйдаларда изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, юқоридаги ҳолатда И.нинг ҳаракатлари тамагирлик нияти билан содир этилган деб топилиши учун тамагирлик нияти жиноят содир этилиши бошланмасидан аввал вужудга келган бўлиши лозим эди. “Агар айбдор моддий наф кўришга нисбатан қасд қотиллик содир этилганидан кейин пайдо бўлган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 97-моддаси тегишли қисми билан ҳамда Жиноят кодексининг ўзганинг мулкни талон-торож қилиш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим”⁹.

Иккинчидан, тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдиришда айбдор моддий наф кўриш ёки моддий харажатлардан қутулиш мақсадини кўзлай-

ди. Юқоридаги ҳолатда И. илгари А.га берган тилла тақинчоқларни сўраган. Бундай ҳолатда И. ортиқча моддий наф кўрмайди ёки бойиб қолмайди, сабаби у қачондир ўзига тегишли бўлган тилла тақинчоқларини беришни талаб қилган. “Агар қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчи белгиланган суммани тўламаганлиги ёки жабрланувчи қарзини бермаганлиги сабабли содир қилинган бўлса, қилмиш “тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш” деб квалификация қилинмаслиги лозим. Бу ҳолатларда айбдор жиноятни содир этиши натижасида қарздор унинг моддий манфаатларини қондира олмаслигини ва ҳеч қандай моддий манфаат олмаслигини англайди”¹⁰.

Учинчидан, И.да ўч олиш мотиви жабрланувчининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати туфайли бевосита одам ўлдирилишидан аввал вужудга келган.

Юқоридагиларга хулоса қиладиган бўлсак, агар жабрланувчидан айбдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкни талаб қилиб жабрланувчининг соғлиғига ёки ҳаётига тажовуз қилса, қилмиш тамагирлик ниятида эмас, балки қарз (айбдорга тегишли мол-мулк)ни бермаганлиги учун ўч олиш деб, ижтимоий хавфли қилмиш учун белгиланган жинойи жавобгарликнинг энгилроқ қисми билан квалификация қилиниши лозим. Бунда одам ўлдириш кучли руҳий ҳаяжонланиш ёки зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш ёхуд ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб содир этилмаганлигини ҳам аниқлаш лозим.

Ўч олиш мотиви билан содир этиладиган жиноятлар бевосита рашк, безорилик каби мотивлар билан ҳам ўзаро рақобатга киришади. Бошқа бир жиноят ишини кўриб чиқамиз. Н. таниши Ф.ни ишхонасидан кутиб олиб, уйига кузатган вақтида, у унга уларнинг уйларида вақтинча яшаган О. исмли бола ҳар куни унга кўнғироқ қилиб, у билан биргаликда тушлик қилишини, доимий равишда у билан учрашишини, уни ёқтиришини айтган. Бироқ, Ф. унга у билан учрашиш нияти йўқлигини, уни ўз акаси сифатида билишини айтса-да, О. бунга эътибор қилмай ҳар куни ҳар-хил баҳоналар билан унга кўнғироқ қилиб, безовта қилаётганини айтган. Н. унинг бу гапларини эшитиб, Ф.га О.ни чақириб беришини у унга ўзи кўнғироқ қилмаслигини тушунтиришини айтган. Шу куни соат тахминан 17:00ларда О. олдига бир ўзи келганини ва Ф. билан учрашганлигини, у улардан тахминан 10 метрлар орқада дарахтлар ёнида туриб кузатган. Шунда О. Ф. билан ўзаро нималарнидир гаплашишиб турганларида, О. Ф.нинг қўлидан ушлаган. Буни кўрган Н. дарҳол уларнинг олдиларига бориб, Ф.га кетаверишини айтиб, ўзи О. билан шу ерда қолган. Шундан

сўнг у О.га нима сабабдан уйланган бўлишига қарамай, Ф.ни тинч қўймай унга кўнғироқ қилишини, у ҳали турмушга чиқмаган қиз эканлигини айтганида, у унга Ф.ни олдига телефон наушнигини олишга келганлигини айтиб, унга “сени ишинг бўлмасин, ҳали ёш бола экансан”, деб қўли билан кўкрагидан итариб юборган. Шунда Н.нинг жаҳли чиқиб, мушти билан О.нинг юзига бир-икки маротаба урган. Буни кўрган ўртоғи А. югуриб келиб, уларни ажратиб юборган ва О.га “Бор, кет уйингга, бошқа Ф.ни безовта қилиб, унга кўнғироқ қилма”, деб айтган. Суд Н. ва А. томонидан безорилик қилиш мақсадида жамоат тартиби ҳеч бир сабабсиз қўпол бузилган ҳамда О.га энгил тан жароҳати етказилган, деб ҳисоблаб Н. ва А.нинг қилмишини бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган безорилик деб топиб, уларнинг қилмишини ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан квалификация қилган¹¹.

Фикримизча, Н. ва А.нинг қилмиши ўзаро шахсий муносабатлар доирасидан четга чиқмаган. Уларнинг хатти-ҳаракати жабрланувчининг муайян қилмишларига жавобан содир этилган. Аниқроғи, айбдор кўрганларидан асабийлашган, натижада ўзаро уруш-жанжал бошланган. Шу сабабли, Н. ва А.нинг хатти-ҳаракатларига суд томонидан берилган баҳо баҳслидек туюлади. Қиз йигитига уни безовта қилаётган бошқа йигит билан гаплашиб қўйишини айтганиданоқ, қизнинг йигитида ана шу йигитга нисбатан рашк, нафрат, ўч олиш мотивлари уйғонган. Шу сабабли, юқоридаги ҳолатда айбдор ҳаракатларида безориликка нисбатан ўч олиш, рашк мотивлари кўпроқ ётади. Содири этилган жиноят шахсий муносабатлар замирида, хусусан, илгари ўрталарида бўлиб ўтган ўзаро келишмовчиликлар сабабли содир этилиши, қилмишнинг безорилик замирида эмас, балки ўч олиш мотиви билан содир этилганлигини кўрсатади.

Бу ҳақида А.Аметов ҳам “Шахсий мотив асосида содир этилган жиноятларда шахс жиноят содир этишга олдиндан тайёрланади, ўз ҳаракатларини ўйлаб чиқиб, уни амалга ошириш механизмларини белгилаб олади. Унинг ҳаракатлари бирин-кетин, изма-из ва мантиқийлик асосида бажарилади”¹². М.Ҳ.Рустамбоев эса, агар безорилик нияти жамоат тартибига қаратилган ва айбдорнинг жабрланувчини менсимаслигида ифодаланса, ўч олиш мотиви айбланувчи ва жабрланувчи ўртасидаги жиноят содир этишдан аввалги шахсий муносабатлар ҳисобланади¹³. Фикримизча, бундай ҳолларда қилмиш содир этилган пайтдаги мотивация (устувор мотив)ни чуқур таҳлил этишимиз, қайси мотив айбдор шахсда биринчи шакланган бўлса, ўша мотив асосида қилмишни квалификация қилиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларга хулоса қилиб, куйидаги

тўхташларга келиш мумкин:

Биринчидан, жиноят илгари шахс жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этганлиги сабабли унинг яқин қариндошлари томонидан қасддан ўлдириб содир этилган бўлса, бундай жиноят ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмининг “в” (айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни) ва “ж” (ўта шафқатсизлик) бандларида назарда тутилган квалификация белгилари бўйича содир этилган деб баҳоланмаслиги лозим. Башарти унинг ҳаракатларида ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган жавобгарликни оғирлаштирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса, қилмиш ЖКнинг 97-моддаси биринчи қисми бўйича квалификация қилиниши керак. Бу қоида соғлиқ ёки ҳаётга қарши қаратилган жиноятларга нисбатан татбиқ этилади;

Иккинчидан, шахсдан олинган қарзи (мол-мулки) қайтарилмаганлиги сабабли айбдор томонидан жабрланувчининг соғлиғига ёки ҳаётига тажовуз қилинганда, қилмиш тамағирлик ниятида содир этилган деб квалификация қилинмаслиги лозим. Сабаби бундай ҳолатларда айбдорнинг моддий талаблари қаноатлантирилмайди ва айб-

дор ҳеч қандай моддий манфаат кўрмайди. Шунга асосан бундай жиноят тамағирлик ниятида эмас, балки ўч олиш ниятида содир этилган деб топилиши лозим;

Учинчидан, шахсий мотив асосида содир этилган жиноятларда шахс жиноят содир этишга олдиндан тайёрланиши, ўз ҳаракатларини ўйлаб чиқиб, уни амалга ошириш механизмларини белгилаб олади. Унинг ҳаракатлари бирин-кетин, изма-из ва мантиқийлик асосида бажарилади¹⁴. Фикримизча, бундай ҳолларда қилмиш содир этилган пайтдаги мотивация (устувор мотив)ни чуқур таҳлил этиш, қайси мотив айбдор шахсда етакчи бўлганлигини аниқлаш орқали қилмишни квалификация қилиш лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўч олиш мотиви билан содир этилган жиноятларни квалификация қилишда айбдорда ўч олиш мотиви қачондан ва нима сабабдан вужудга келганлигини ва шаклланиш даражасини ўрганиш ҳамда айбдорнинг айбини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиб жазо тайинлаш одиллик принципини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.



¹ <http://uza.uz/oz/society/iiv-vaziri-p-lat-bobozhonov-khal-davlatdan-rozi-b-lishi-k-p—18-02-2018>

² “Қасос ва дият” жазолари алоҳида шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз этувчи жиноятларни содир этганлик учун қўлланиладиган жазо туридир.

³ Ж.Тошқулов “Исломда жиноят ҳуқуқи”. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент ислом университети. 2018. 256 б.

⁴ <http://huquqburch.uz/uz/view/1339>

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, ж 5 – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008. – В. 258.

⁶ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т.: “Адолат”, 2008. – В. 608.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <http://www.lex.uz/acts/111453>

⁸ Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати. ЖСХ-299-11

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори. <http://lex.uz/docs/1455961>

¹⁰ Уголовное право России. Части Общая и Особенная: учебник / М.П.Журавлев и др; под ред. А.И.Рарога. – 9 -е изд., перераб. и доп. – Москва: Проспект, 2018. – 349 с.

¹¹ Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди архиви, 2011 йил.

¹² А.Аметов. Безорилик мотиви ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳуқуқшунос. Юрист. Ижтимоий-ҳуқуқий, илмий-оммабоп журнал. 2012 йил. 2-сон. 23-бет.

¹³ М.Ҳ.Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Том 3 –Ташкент. 2011. – Б.53.

¹⁴ А.Аметов. Безорилик мотиви ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳуқуқшунос. Юрист. Ижтимоий-ҳуқуқий, илмий-оммабоп журнал. 2012 йил. 2-сон. 23бет.

Зуфарова Шахноза Марсовна,
прокурор Центра научно-прикладных и инновационных исследований правовых
проблем и подготовки научных кадров Академии Генеральной прокуратуры
Республики Узбекистан, соискатель

КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ НА ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНУЮ СОБСТВЕННОСТЬ

✦ Мазкур мақолада интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий жиҳатларининг айрим масалалари кўриб чиқилади. Муаллиф томонидан инсоннинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқ асослари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фан, техника ва маданият ютуқларидан эркин фойдаланилишини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, мазкур соҳада олиб борилаётган ислохотлар ҳамда ривожланиш йўналишлари кўриб чиқилган.

✦ В данной статье рассматриваются некоторые вопросы конституционно-правовых аспектов защиты прав на интеллектуальную собственность. Автором рассмотрены правовые основы обеспечения права на интеллектуальную собственность, организационно-правовая система в обеспечении свободного пользования гражданами Республики Узбекистан достижениями науки, техники и культуры, проводимые реформы в данной сфере и направления развития.

✦ This article discusses several issues of constitutional and legal aspects of the protection of intellectual property rights. The author reviews the legal basis for ensuring the right of intellectual property, the organizational and legal system in ensuring the free use of the achievements of science, technology and culture by the citizens of the Republic of Uzbekistan, as well as the ongoing reforms in this area and the direction of development.

Таянч сўзлар: Конституция, ҳуқуқ, интеллектуал мулк, инновация, Ҳаракатлар стратегияси.

Ключевые слова: Конституция, право, интеллектуальная собственность, инновация, Стратегия действий.

Key words: Constitution, law, intellectual property, innovation, Strategy of Actions.

Уровень развития общества, в частности, в экономическом, духовном, нравственном и других сферах достигает больших высот. Урегулирование возникающих в указанных сферах отношений становится сложнее в свете их быстрого развития и изменения. Исходя из указанного, в настоящее время, одной из проблемных сфер с точки зрения правового регулирования является защита прав на интеллектуальную собственность, которая должна иметь конституционно-правовую основу. Следует отметить, что в нашей стране с первых дней обретения независимости правовые механизмы защиты прав на интеллектуальную собственность приобретают первостепенное значение.

В Республике Узбекистан проводятся коренные реформы во всех сферах, которые также касаются и сферы интеллектуальных прав. К слову надо сказать, что законодательство в области интеллектуальных прав в нашей стране еще относительно молодое.

Право на защиту интеллектуальной собственности закреплено в Конституции Республики Узбекистан, где установлено, что «Каждому гаран-

тируется свобода научного и технического творчества, право на пользование достижениями культуры» [1].

«Государство заботится о культурном, научном и техническом развитии общества» [2]. Творчество, в соответствии с Конституцией, осуществляется на основе свободы мысли, слова и убеждений гражданина Республики Узбекистан, где «каждый имеет право на свободу мысли, слова и убеждений; каждый имеет право искать, получать и распространять любую информацию, за исключением направленной против существующего конституционного строя и других ограничений, предусмотренных законом» [3].

На основе данной конституционной нормы обеспечивается совокупность законодательно закрепленных и гарантированных правом следующих правомочий:

- возможность каждого человека заниматься всеми видами творческой деятельности в соответствии со своими интересами и способностями;
- равная охрана прав на результаты творческой деятельности;

— равная правовая охрана созданных в процессе творческой деятельности объектов в соответствии с законодательством и международными документами;

— свобода распоряжения правами на результаты творческой деятельности;

— право на поддержку и защиту со стороны государства авторов, иных обладателей прав на результаты интеллектуальной деятельности [4].

Свобода творчества обеспечивается государством путем установления запретов вмешательства в указанную деятельность, закрепления конституционных принципов и гарантий (свобода мысли и слова, запрет цензуры и т.д.).

На сегодняшний день ведется усовершенствование организационно-правовой системы для обеспечения свободного пользования гражданами Республики Узбекистан достижениями науки, техники и культуры.

С приобретением независимости идет процесс государственной поддержки интеллектуальной собственности. Как его результат, в соответствии с Указом Первого Президента Республики Узбекистан было принято постановление «О государственной поддержке научной и инновационной деятельности», где были намечены меры по дальнейшему укреплению научно-технического потенциала страны, мобилизации его на решение актуальнейших задач общественно-экономического развития, а также одним из первых в странах Содружества активизации инновационной деятельности [5].

Создана соответствующая законодательная база, которая постоянно совершенствуется согласно международным стандартам.

Принятая по инициативе Главы государства и успешно реализуемая Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах предусматривает:

— развитие и совершенствование деятельности театрально-зрелищных, культурно-просветительских организаций и музеев, укрепление их материально-технической базы;

— поддержку и реализацию творческого и интеллектуального потенциала молодого поколения, формирование здорового образа жизни среди детей и молодежи, широкое привлечение их к физической культуре и спорту;

— стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику. В этом документе предусмотрены меры по созданию при высших образовательных учреждениях и научно-исследовательских институтах научно-экспериментальных специализированных лабораторий, центров высоких технологий, технопарков, ряд других мер

[6].

В стране осуществляются комплексные меры по созданию благоприятных условий для развития активного инновационного предпринимательства. В 2018 году принято Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшей поддержке инновационной деятельности» [7]. В целях коммерциализации и внедрения в производство отечественных научных и инновационных разработок созданы инновационный технопарк «Яшнабад», Центр передовых технологий при Министерстве инновационного развития Республики Узбекистан, а также другие аналогичные организации при министерствах и высших образовательных учреждениях, способствующие повышению уровня развития инновационного предпринимательства в стране.

Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев подписал постановление «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности» [8]. В этом постановлении за 2014-2018 годы Государственным бюджетом Республики Узбекистан выделено около 800 миллиардов сумов на финансирование научно-прикладных и инновационных проектов и разработок, по результатам которых научно-исследовательскими и высшими образовательными учреждениями запатентовано свыше 700 изобретений.

В ч.2 ст.42 Конституции Республики Узбекистан закреплено, что государство заботится о культурном, научном и техническом развитии общества.

Особое внимание в этой части уделяется праву на пользование достижениями культуры, под которыми понимают лучшие образцы архитектуры, скульптуры, живописи, декоративно-прикладного искусства, музейного дела, музыки, кино и др.

В законах Республики Узбекистан «Об архивном деле» [9], «О музеях» [10], «О вывозе и ввозе культурных ценностей» [11], «Об охране и использовании объектов культурного наследия» [12], «Об охране и использовании объектов археологического наследия» [13], в целом ряде актов законодательства закреплены гарантии прав пользования гражданами достижениями культуры.

Следует отметить, что гарантирующая свободу научного и технического творчества, право на свободное пользование достижениями культуры статья 42 Конституции Республики Узбекистан соответствует международным договорам, принятым ООН в этой сфере.

В соответствии с повышенными требованиями к качеству научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации осуществляется подготовка кадров в аспирантуре и докторантуре (PHD и DS – прим. автора). Создана Высшая аттеста-

ционная комиссия. В республике обучается около 4 тысяч аспирантов, из них 69 процентов — в системе высшего образования и 31 процент в научно-исследовательских институтах. Из общей численности научных и научно-педагогических кадров доктора наук составляют 8 процентов и кандидаты наук 37 процентов.

В системе повышения квалификации и переподготовки кадров функционируют 23 института, 16 факультетов, 4 центра и 14 курсов повышения квалификации [14].

Узбекистан присоединился к соглашению о формировании и развитии рынка интеллектуальной собственности стран-участниц СНГ [15]. Это предусмотрено постановлением президента Шавката Мирзиёева от 14 ноября 2018 года об утверждении международного договора.

Постоянно ведется работа по совершенствованию законодательства, особенно в части повышения ответственности за нарушение прав на интеллектуальную собственность.

С 2006 года Узбекистан является участником Бернской Конвенции по охране литературных и художественных произведений, в связи с этим требования по обеспечению авторских прав соблюдаются, но предотвратить нарушения пока еще невозможно.

В настоящее время Узбекистан не является членом некоторых международных соглашений — Конвенции об охране интересов производителей фонограмм от незаконного воспроизводства их фонограмм (Женева, 29 октября 1971 г.), Договора Всемирной организации интеллектуальной собственности по авторским правам (Женева, 20 декабря 1996 г.) и Договора Всемирной организации интеллектуальной собственности по исполнениям и фонограммам (Женева, 20 декабря 1996 г.) [16]. Некоторые страны также не являются их членами. Став участником данных документов, государство будет обеспечивать определенные требования, что пока четко не регулируется.

В целом, законодательная база Республики Узбекистан совершенствуется на протяжении двух десятков лет. Национальное законодательство гармонизировано с международным, в него имплементированы нормы международного права, строго соблюдаются обязательства Республики Узбекистан, вытекающие из международных договоров и соглашений.

Обширная правовая проблематика интеллектуальной собственности, исследуемая до сих пор по преимуществу с точки зрения отраслевых юридических дисциплин, выходит сегодня на уровень общей теории права, требует целостного анализа и выводов, необходимых для решения стратегических задач правового регулирования интеллектуальной собственности, формирования эффективного законодательства в этой сфере.

Нужно развивать культуру и практику получения экспертных документов, практически во всех странах СНГ пока нет такого подхода к сфере интеллектуальной собственности.

Конституционно-правовое регулирование интеллектуальной собственности выступает базовым элементом, регулирующим фундаментальные общественные отношения в области интеллектуальной собственности, связанные с государственным устройством и осуществлением им государственной власти. Из 188 государств-членов Всемирной организации интеллектуальной собственности в объем конституционных прав, закрепленных в конституциях государств, входит 58 государств с прямым указанием наличия защиты интеллектуальных прав. В 44 государствах защита интеллектуальной собственности отражена опосредованно, в соответствии со специальной процедурой законодательным органом власти. В 86 государствах отсутствуют какие-либо указания на защиту интеллектуальной собственности [17].

Сегодня перед государством стоят немалые задачи, так, для развития системы интеллектуальной собственности как элемента экономической, социальной и культурной политики государства необходимо определить основные направления развития системы источников национального права интеллектуальной собственности на современном этапе, сформулировать и обосновать предложения, направленные на совершенствование системы законодательства об интеллектуальной собственности.

Правовые нормы действующей Конституции Республики Узбекистан, лежащие в основе институтов права интеллектуальной собственности оказали значительное влияние на развитие действующего законодательства в этой области отношений.

Дальнейшее формирование системы права интеллектуальной собственности в Республике Узбекистан должно опираться на конституционно-правовые основы, в силу которых правовое регулирование интеллектуальной собственности находится в ведении Республики Узбекистан (ст.42 Конституции РУз).

Норма Конституции полностью соответствует Всеобщей декларации прав человека, где каждый человек, как член общества, имеет право на осуществление необходимых для поддержания его достоинства и для свободного развития его личности прав в культурной области (статья 22), каждый человек имеет право свободно участвовать в культурной жизни общества, наслаждаться искусством, участвовать в научном прогрессе и пользоваться его благами (статья 27).

Конституции соответствует Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах, в котором участвующие в нем государ-

ства обязуются уважать свободу, безусловно, необходимую для научных исследований и творческой деятельности.

Все рассмотренное показывает на то, что в Республике Узбекистан создана нормативно-правовая база в сфере регулирования и защиты прав

на интеллектуальную собственность, которая базируется на Конституции и соответствует международным нормам. При этом, данная сфера и ее стремительное развитие требует проведения исследований и совершенствования правовых основ.



1. Конституция Республики Узбекистан. Раздел второй, гл. IX, ст. 42, ч.1
2. Конституции Республики Узбекистан. Раздел второй, гл. IX, ст. 42, ч.2
3. Конституции Республики Узбекистан. Раздел второй, гл. VII, ст. 29.
4. Авдеева В.П. Проблемы конституционно-правового обеспечения свободы творчества и охраны интеллектуальной собственности в Российской Федерации, диссертация — Тюмень, 2009.— С. 254.
5. Постановление Кабинета Министров при Президенте Республики Узбекистан от 21.07.1992г. №337 «О мерах по государственной поддержке развития науки и инновационной деятельности».
6. Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017г. №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».
7. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11.09.2018г. ПП-№721 «О мерах по дальнейшей поддержке инновационной деятельности».
8. Постановление Президента Республики Узбекистан от 14.07.2018г. №ПП-3855 «О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности».
9. Закон Республики Узбекистан от 15.06.2010 г. № ЗРУ-252 «Об архивном деле» .
10. Закон Республики Узбекистан от 12.09.2008г. № ЗРУ-177 «О музеях».
11. Закон Республики Узбекистан от 29.08.1998г. № 678-I «О вывозе и ввозе культурных ценностей».
12. Закон Республики Узбекистан от 30.08.2001г. № 269-II «Об охране и использовании объектов культурного наследия».
13. Закон Республики Узбекистан от 13.10.2009г. № ЗРУ-229 «Об охране и использовании объектов археологического наследия».
14. Национальная программа по подготовке кадров (Общие положения) (Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1997 г., № 11-12, ст. 295; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2007 г., № 15, ст. 150; 2013 г., № 41, ст. 543; Национальная база данных законодательства, 05.01.2018 г., № 03/18/456/0512).
15. Постановление Президента Республики Узбекистан от 14.11.2018 г. № ПП-4016 «Об утверждении международного договора».
16. Проект Закона Республики Узбекистан от 12.09.2018 ID-453 «О присоединении Республики Узбекистан к Конвенции об охране интересов производителей фонограмм от незаконного воспроизводства их фонограмм (Женева, 29 октября 1971 г.), Договору Всемирной организации интеллектуальной собственности по авторскому праву (Женева, 20 декабря 1996 г.) и Договору Всемирной организации интеллектуальной собственности по исполнениям и фонограммам (Женева, 20 декабря 1996 г.). <https://regulation.gov.uz/ru/document/453>
16. Мальцев К.Л. Интеллектуальная собственность – вид экономических прав в системе конституционных прав и свобод человека и гражданина в российской федерации – Москва, 2016 г.

Худайкулов Ферузбек Хуррамович,
Тошкент давлат юридик университетининг
Жиноят ҳуқуқи ва криминология
кафедраси ўқитувчиси

ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

✦ Мазкур мақолада жиноят объектив томони факультатив белгиларининг назарий жиҳатлари ва уларнинг ўзига хос ҳуқуқий аҳамияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида келтирилган айрим жиноят объектив томони факультатив белгилари билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолар ёритилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

✦ В данной статье представлены теоретические аспекты факультативных признаков объективной стороны состава преступления и их правовое значение, в том числе теоретические и практические проблемы некоторых факультативных признаков объективной стороны преступления, которые указаны в Уголовном кодексе Республики Узбекистан. Кроме того, разработаны предложения и рекомендации дальнейшего совершенствования уголовного законодательства Республики Узбекистан.

✦ This article illustrates the theoretical aspects of facultative signs of the objective side of the crime and their legal significances, including the theoretical and practical problems of facultative signs of the objective side of the crime, which are specified in the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. In addition, proposals and recommendations are given for further improvement of the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

Таянч сўзлар: жиноят объектив томони, факультатив белгилар; жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситаси; ижтимоий хавфли қилмиш; ижтимоий хавфли оқибат; сабабий боғланиш; жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар; жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар.

Ключевые слова: объективная сторона преступления, факультативные признаки, место, время, способ, обстановка, средства и орудия совершения преступления, общественно опасное деяние, общественно опасное последствие, причинная связь; обстоятельства, смягчающие наказание; обстоятельства, отягчающие наказание.

Key words: the objective side of the crime, facultative signs; the place, the time, the manner, the means and conditions of commission of a criminal offence; socially dangerous act; socially dangerous consequences; causal link; mitigating circumstances; aggravating circumstances.

Бизга маълумки, жиноят ўзида маълум руҳий-жисмоний бирликни ифодалаб, бир томондан субъектив, руҳий мазмунига эга бўлади, иккинчи томондан эса — субъект ҳулқ-атворининг ташқи объектив шаклларида, жиноят объекти ўзгаришига олиб келадиган ҳаракатида (ҳаракатсизлигида) ифодаланади [1, С. 8].

Жиноятнинг объектив томони — бу ҳақиқатда мавжуд бўлган ва қонун чиқарувчи аввалдан назарда тутган ўзининг узвий бирлигида ва ўзаро боғлиқ ҳолатида “ташқи томонидан, субъектнинг жинойи ҳаракати (ҳаракатсизлиги)дан бошланадиган, шунингдек, жинойи оқибат билан тугайдиган воқеалар ҳамда ҳолатларнинг кетма-кет ривожланиши нуктаи назаридан қараладиган манфаатларга, шу билан бирга ташқи томонлари эътироф этиладиган, хусусан қонун томонидан ҳимояланадиган манфаатларга ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф тажовуз қилиш жараёнини” ташкил қилган ҳамда тавсифлайдиган ҳолатларнинг йиғиндисидир [2, С. 42].

Объектив томон жиноят таркибининг тўртта

зарурий элементидан бири ҳисобланиб, “Объектив томонисиз жиноят объектига тажовуз бўлиши мумкин эмас, субъект онгида қилмишнинг объектив белгилари маълум акс этиши сифатида субъектив томони ҳам мавжуд бўлмайди ва ниҳоят, жиноятнинг субъекти ҳам бўлмайди” [3, С. 238]. Айнан жиноятнинг объектив томони Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Махсус қисми моддаларининг диспозицияларида ўз аксини топган.

Жиноят таркибининг ҳар бир элементи фақат унга хос бўлган белгиларга эга. Кўпинча жиноят таркибининг элементлари ва белгилари аралашиб кетади. Масалан, А.Н.Трайнин ўз асарида жиноятнинг объектив томонини тавсифловчи элементлар ҳақида сўз юритади [4, С. 79]. Ю.М.Ткачевский эса: “Жиноят таркибининг “элементлари” - бу “жиноят таркиби” тизимига бирламчи қўшилувчи компонентлардир. Улар таркибининг тўртта элементи, яъни объект, объектив томони, субъект ва субъектив томонидир. Таркибининг элементлари мажбурий ва факультатив каби турларга бўлинади” [5, С. 172].

Р.Кабулов “Жиноят таркиби объектив ва субъектив белгилардан ташкил топади. Объектив (ташқи) белгилар жиноят таркибининг объекти ва объектив томонини, субъектив (ички) белгилар жиноят таркибининг субъекти ва субъектив томонини тавсифлайди. Шунга монанд равишда, жиноят таркиби жиноятнинг объекти, объектив томонини, субъекти ва субъектив томони каби элементлардан ташкил топади” [6, Б 94] деб таъкидлаб ўтади.

М.Рустамбоевнинг фикрига кўра, “жиноят таркибининг тўрт белгиси элементлар орқали таърифланса, ҳар бир томони эса муайян аломатлар орқали ифодаланади. Объектив белгилар деганда, жиноят таркибининг объекти ва объектив томонларини таърифловчи белгилар назарда тутилади, субъектив белгилар деганда эса, жиноятнинг субъектив томони ва жиноят субъектини ифодаловчи белгиларга айтилади” [7, Б. 107-108] деб таъкидлайди.

Юқоридаги муаллифларнинг жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркибининг элементлари ва белгилари турли тушунчалардир, деган фикрларига қўшиламан. Чунки жиноят таркибининг элементлари, яъни тўртта томонини: объект, объектив томони, субъектив томони ва субъектини тавсифлайди, белгилари эса, жиноят таркибининг санаб ўтилган элементларидан ҳар бирининг мазмуни, хусусиятларини очиб беради. Ҳар бир муайян жиноят таркиби объектив ва субъектив томонларини ифодаловчи белгилар йиғиндисидан иборатдир.

Жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлган ижтимоий хавфли қилмиш доимо қонун чиқарувчи томонидан жиноят қонуни нормаларида назарда тутилади, ижтимоий хавфли жиноий оқибат, жиноят содир қилиш вақти ва шу каби бошқа белгилар эса доимо қонун чиқарувчи томонидан ҳар доим ҳам ҳисобга олинвермайди. Шунинг учун жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркибининг белгилари зарурий ва факультатив белгиларга бўлинади (бир қатор муаллифлар бирмунча бошқача атамалардан фойдаланиб, асосий ва қўшимча белгиларни [8, С. 154], асосий ҳамда факультатив белгилар [9, С. 239], зарурий ва факультатив белгиларни ажратиб кўрсатади). Жиноят таркибининг зарурий (асосий) белгилари деганда истисносиз барча жиноят таркиблари учун доимо хос бўлган белгиларни тушуниш лозим.

Факультатив белгилар, деб муайян ҳолатнинг моҳиятини англаб етиш ва тушуниш нуқтаи назардан зарурий бўлмаган белгилар тан олинади. Шу ўринда факультатив сўзининг луғавий маъносига тўхталиб ўтадиган бўлсак, латин тилида *facultas* сўзининг маъноси имкониятни билдиради, бу эса ҳар қандай факультатив белгининг моҳиятини мутлақо аниқ акс эттиради. Қонун чиқарувчи муайян жиноятнинг ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатиш учун асосий белгиларга қўшимча ҳолда факультатив белгилардан фойдаланади ва бунда шундай белгилар фақат жиноят таркибининг умумий

тушунчасида факультатив ҳисобланади.

Одатдаги шароитларда факультатив белгилар, асосий белгилардан фарқли равишда, агар улар ЖКнинг Махсус қисми тегишли моддасининг диспозициясида кўрсатилмаган бўлса, зарурий белги сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмайди. Лекин кўпинча тергов, суриштирув, прокуратура ва суд ходимларига нотўғри квалификация қилишни, айбисиз шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, адолатсиз жазо тайинлашнинг олдини олиш учун, ҳатто улар моддада бевосита кўрсатилмаган бўлса ҳам, факультатив белгиларни аниқлашга тўғри келади [10, С. 241].

Юз йилдан ортиқ вақт мобайнида жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгиларига эътибор қаратилиб келинмоқда ва улар тадқиқ этилмоқда, аммо бу масалада ҳозиргача ягона нуқтаи назар ишлаб чиқилмаган. Хусусан, А.Н.Трайнин [11, С. 79] жиноят объектив томонининг факультатив белгилари қаторига: 1) тажовуз предмети; 2) ҳаракат усули; 3) ҳаракат вақти ва жойи; 4) ҳаракатнинг ҳолати(-вазияти)ни киритади.

Г.В.Тимейконинг фикрича эса, жиноят объектив томонининг факультатив белгилари фақат алоҳида муайян жиноят таркиблари учун зарур бўлган белгилар ҳисобланади. Уларга: жиноят оқибатлари, сабабий боғланиш, жиноят содир этиш жойи, вақти ва ҳолати (вазияти) киради [12, С. 10].

В.Н.Кудрявцев жиноий ҳаракатни кўриб чиқишда унинг ўзини соф алоҳида олмай, унинг содир этилган жойи, вақти ва атроф ҳолатининг муайян шароитлари билан қамраб олган ҳолда қараш лозимлиги ҳақида сўз юритади. Шунинг учун, унинг фикрича, жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг жиддий аҳамиятли хусусиятлари жиноят содир этиш усули, жойи, вақти ва ҳолати (вазияти) ҳисобланади. Лекин улар объектив томонининг мустақил элементлари бўлмайди. Чунки улар фақат жиноятнинг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) тавсифлайди. Шунинг учун объектив томонига фақат ҳаракат (ҳаракатсизлик)дан ташқари ёки у билан бирга жиноят содир этишнинг усули, жойи, вақти ва ҳолати эмас, балки ушбу жой, вақт ва вазиятнинг мазкур шароитида маълум усулда содир этилган ижтимоий хавфли ҳаракат(ҳаракатсизлик)нинг ташқи томони киради. [13, С. 10]

Факультатив белгилар жиноятнинг белгилари бўлмайди, балки жиноятни содир этиш шарт-шароитлари сифатида юзага чиқади, деган фикрни А.И.Бойцов ҳам қўллаб-қувватлайди. Унинг кўрсатишича, ҳар бир жиноят маълум жойда ва маълум вақтда содир этилади. Унинг фикрича, ижтимоий хавфли қилмишлар ижтимоий материянинг борлигига хос бўлган энг умумий атрибутлари сифатида вақтдан ва макондан ташқарида мавжуд бўлмайди. Шунга мувофиқ ҳолда, жиноятнинг жой (макон)-вақт белгиларининг факультатив белгилари қаторига киритилишини у кенг тарқалган хато фикр

[14, С. 5] деб ҳисоблайди.

Н.И.Панов ҳам шунга ўхшаш фикрни билдиради. Унингча: “Реал воқеликда жинойи ҳаракат (ҳаракатсизлик) доимо уни содир этишнинг жойи, вақти, ҳолати(вазияти) ва усули билан тавсифланади. Ушбу объектив белгилар, жинойи хулқ-атворнинг тегишли шаклини (турини) таърифлаш пайтида қонунда кўрсатилган-кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай жиноятга хос бўлади. Жиноят содир этишнинг жойи, вақти, ҳолати (вазияти)нинг барчасини қамраб олган ҳолда қилмиш ривожланади ва амалга ошириладиган объектив-предмет, шарт-шароитлар сифатида юзага чиқади. Улар қилмишни ташқаридан, унинг ташқи томонидан тавсифлайди. Шунингдек, содир этиш усули ва воситалари ҳаракатнинг ўзига тегишли бўлиб, унга хос бўлади” [15, С. 20].

Бизнинг фикримизча, ушбу муаллифларнинг нуқтаи назарига қўшилиб бўлмайди. Ҳар қандай жиноят инсон хулқ-атворининг маълум ҳаракати бўлиб, у доимо маълум жойда, вақтда, шунингдек, маълум усул орқали амалга оширилади. Лекин айрим ҳолатларда қонун чиқарувчи жиноят содир этиш усули, жойи, вақти ва вазиятини содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги хусусиятига ҳамда даражасига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар сифатида ажратиб кўрсатади. Шу билан айтиб ўтилган жиноят таркиби белгиларининг нисбатан мустақил хусусияти белгилаб бериллади.

А.П.Козлов [16, С. 196] жиноят объектив томонининг белгиларини гуруҳларга ажратишда белгилар эмас, элементлар тушунчасидан фойдаланади. У жиноят объектив томонининг белгиларини икки гуруҳга ажратиб кўрсатади: хусусий даражада (тартибда)ги элементлар ва умумий хусусиятдаги, даражадаги элементлар. Унинг фикрича, биринчи элементларга қилмишнинг ўзи, унинг усули, қилмиш етказадиган зарари, сабабий боғланиш, иккинчиларига эса — жиноят жойи ва вақти киради.

Жиноят ҳуқуқ назариясида жиноят объектив томонининг факультатив белгилари борасида иккита нуқтаи назар мавжуд:

Биринчи нуқтаи-назарнинг тарафдорлари жиноят содир этиш жойи, усули, вақти, ҳолати (вазияти), қуроли ва воситасини жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгилари деб ҳисоблайдилар. Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ назариясида бундай фикрга амал қилаётган муаллифлар сони жуда кўпчиликини ташкил қилади [17, С. 174, 142, 149, 125, 8].

Бошқа нуқтаи-назар тарафдорлари [18, С. 52, 84, 90, 28, 134] объектив томонининг факультатив белгиларига ижтимоий хавfli оқибат, ижтимоий хавfli қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноят содир этиш вақти, жойи, усули, ҳолати (вазияти), қуроли ва воситаси киради деб ҳисоблайдилар. Бир нуқтаи назарнинг бошқасидан асосий фарқи шундаки, айрим муаллифлар жиноят таркиби объектив томонининг зарурий бел-

гилари деб қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни ҳамда ижтимоий хавfli оқибатни ҳисобласалар, бошқалари эса, уларни факультатив белгилар сифатида тан олади. Яъни иккинчи нуқтаи-назар тарафдорлари жиноят таркиби объектив томони зарурий белгиси фақат ижтимоий хавfli қилмишнинг ўзини, жиноят таркиби объектив томони факультатив белгилари деб сабабий боғланишни, ижтимоий хавfli оқибатни, жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситасини тан олишади.

Бизнинг фикримизча, иккинчи нуқтаи-назар тўғрироқ ҳисобланади. Чунки ҳар бир кесик, формал ёки моддий таркибли жиноятларда шак-шубҳасиз объектив томоннинг барча белгиларига тегишли зарурий бўлган бир белги мавжуд бўлиб, бу — ижтимоий хавfli қилмишнинг мавжудлигидир. Бунда, ижтимоий хавfli қилмиш - ижтимоий хавfliлик, қонунга хилофлик, айблилик ва жазога сазоворлик каби хусусиятларга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, ўзини шакллантирадиган ҳаракат қонунининг мазмуни бўйича у иродали ва аниқ бўлиши лозим. Бундай қилмиш икки шаклда: актив (фаол таъсир қилиш орқали) ва пассив (ҳаракатсизлик орқали) ифодаланиши мумкин.

Жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан жиноят объектив томони факультатив белгиларининг назарий жиҳатларини ва хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигини таҳлил қилиш натижасида улар ўзига хос бир қанча жиноят-ҳуқуқий аҳамияти билан ажралиб туради. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, қонун чиқарувчи жиноят объектив томони факультатив белгиларини таърифлаш билан улардан фойдаланган ҳолда, жиноятларни фарқлашни амалга оширади. Жумладан, ижтимоий хавfli хатти-ҳаракат криминаллашган (жиноят деб топилган)да у ёки бу факультатив белги муайян жиноят таркиби зарурий белгиларининг бири сифатида чиқади ва бир жиноятни бошқасидан фарқлаш имконини беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддасига биноан ўғирлик деб ўзганинг мулкни яширинча равишда талон-торож қилиш тан олинадиган, 166-моддасига биноан талончилик деб ўзганинг мулкни очикдан очик талон-торож қилиш, яъни жиноят содир қилиш усули жиноятни квалификация қилишга таъсир қилдиган зарурий белги бўлиб ҳисобланади ҳамда ўғирликни талончиликдан фарқлайди. Хусусан, ҳозирги ривожланаётган замонда ўғирлик жинояти турларининг кўпайиши яққол кўзга ташланмоқда. Афсуски, бизнинг жиноят қонунчилигимизда ўғирлик жинояти турлари тор доирада назарда тутилган. Хусусан, бир қанча ривожланган мамлакатлар жиноят қонунчиликларини таҳлил қилиш натижаси ўлароқ ЖКнинг 169-модда 3-қисм “б” банди “компьютер тизимига рухсатсиз кириб” содир этилган ўғирликни ЖКнинг алоҳида 169-1-моддасида акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, уни қуйидаги таҳрирда баён қилиш кераклигини

таклиф сифатида берамиз:

169-1-модда. Компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиш йўли билан содир этилган ўғирлик

Фуқароларнинг компьютер тизимига рухсатсиз кириб, махсус дастурий ёки аппарат воситаларидан фойдаланиш йўли билан ўзганинг мол-мулкни яширин равишда анча миқдорда талон-торож қилиши —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) кўп миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- г) корхона, ташкилот ва муассасалар компьютер тизимларида содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Иккинчидан, жиноят объектив томони факультатив белгилари муайян жиноят таркиби объектив томони зарурий белгиси сифида қонун чиқарувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Махсус қисми бир қанча моддаларида мустаҳкамланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 98-моддасида (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш) — жиноят содир қилиш ҳолати, 99-моддасида (онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши) — жиноят содир қилиш вақти, 114-моддасида (жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт) — жиноят содир қилиш жойи ва бошқалар);

Учинчидан, улар жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида жиноят қонун нормасида тўғридан-тўғри назарда тутилиб, қонун чиқарувчи томонидан мустаҳкамланади. Масалан, жиноят содир қилиш жойи — уй-жой, омбухона ва бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда содир этилган босқинчилик жинояти (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси, 3-қисми, “в” банди), жиноят содир қилиш вақти — оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилган қасддан одам ўлдириш жинояти (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси, 2-қисми, “е” банди), жиноят содир қилиш қуроли — қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб содир этилган босқинчилик жинояти (Ўзбекистон Республикаси

ЖКнинг 164-моддаси, 2-қисми, “а” банди) ва бошқаларни келтириш мумкин. Жиноят содир қилиш қуролининг суд томонидан жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инobatга олиниши ҳамда ушбу модда “жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар” рўйхатида киритилиши лозим. Бу муаммо аллақачон чет эл мамлакатлари жиноят қонунчилигида [19] ҳал қилинган. Хусусан, Россия Федерацияси ЖКнинг 63-моддаси 1-қисми “к” банди бўйича - қурол, жанговар яроғлар (ўқ дорилар), портловчи моддалар, портлаш ёки уларга ўхшатиб ясалган (ўхшатма) мосламалар, махсус тайёрланган техника воситалари, заҳарли ва радиоактив моддалар, дори ва бошқа кимёвий-фармакологик препаратлардан фойдаланиб, жиноятни содир этиш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Тўртинчидан, амалдаги қонунчиликда жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгилари жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида намоён бўлади. Мисол тариқасида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг “Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар” деб номланган 55-моддасига биноан жазони енгиллаштирувчи ҳолат бўлиб жиноят содир қилиш ҳолати (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси “д” (жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш), “е” (зарурий мудофаа, охириги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш) ва бошқалар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКга жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлиб жиноят содир қилиш вақти (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси, 1-қисми, “и” банди — умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида”), жиноят содир қилиш ҳолати (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси, 1-қисми, “д” банди — “ўта шавқатсизлик билан” ва “е” — “кўпчилик учун хавфли бўлган усулда) ҳамда бошқалар ҳисобланади.

Бешинчидан, жиноят объектив томони факультатив белгилари нафақат ижтимоий хавфли қилмишни, балки жиноят объектини, жиноятнинг субъектив томонини ва унинг субъектини ҳам сифатли тавсифлайди. Агарда айбдор қўлланиладиган воситалар ва қуроллар хусусиятини инobatга олган ҳолда ижтимоий хавфли оқибатларнинг бошланишини тушуниб етса, кўра билса ва хоҳласа қўлланиладиган воситалар ва қуроллар хусусияти кўпин-

ча айбдорнинг ниятини у ёки бу жиноят содир этишда аниқлашда имкон беради.

Жиноят таркиби объектив томони факультатив белгиларининг жиноят ҳуқуқи назариясида мавжуд бўлган назарий жиҳатларини таҳлил қилиш натижасида уларнинг қуйидаги ўзига хос жиноят-ҳуқуқий аҳамиятларини ажратамиз:

1. Улар жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси сифатида намоён бўлади (қонун чиқарувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Махсус қисми бир қанча моддаларида мустаҳкамланган);

2. Улар жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белги сифатида намоён бўлади (жиноят қонун нормасида тўғридан-тўғри назарда тутилиб, қонун чиқарувчи томонидан мустаҳкамланади);

3. Амалдаги жиноий қонунчилигида жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгилари жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида намоён бўлади;

4. Амалдаги жиноий қонунчилигида жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгилари

жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида намоён бўлади;

5. Улар жиноят объектини, жиноятнинг субъектив томонини ва унинг субъектини ҳам сифатли тавсифлайди, шунингдек, қилмишни квалификация қилишда шу жиноят таркиби элементларини аниқлаш имконини беради.

6. Улар бир-бирига ўхшаш бир жиноятни бошқа жиноятлардан фарқлаш имконини беради.

Айтиб ўтилганларга яқун ясаб, хулоса қиладиган бўлсак, жиноят таркиби объектив томонининг зарурий белгиси бўлиб ижтимоий хавfli қилмиш, факультатив белгиси эса — жиноят содир этиш вақти, жойи, усули, ҳолати(вазияти), қуроли ва воситаси, ижтимоий хавfli оқибат ҳамда ижтимоий хавfli қилмиш ва оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш эканлигини яна бир марта таъкидлаб ўтиш мумкин. Фақат моддий таркибли жиноятларда ижтимоий хавfli оқибат ва сабабий боғланиш ўз-ўзидан жиноят объектив томони зарурий белгиси бўлиб келади. Лекин улар умумий нуқтаи-назардан жиноят объектив томони факультатив белгиларига киради.



1. Кудрявцев В.Н. Объективная сторона преступления. - М.: Изд-во юридической литературы, 1960. — С. 8.
2. Бойко А.И. Преступное бездействие. - СПб.: Изд-во «Юридический центр Пресс», 2003. — С. 42.
3. Энциклопедия уголовного права. Т. 4. Состав преступления. -Издание В.Б.Малинина.-СПб.,2005.-С.238.
4. Трайнин А.Н. Избранные труды / Составление, вступительная статья Н.Ф. Кузнецовой. - СПб.: Изд-во «Юридический центр Пресс», 2004. — С. 79.
5. Курс уголовного права. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, И.М. Тяжковой. - М.: ИКД «Зерцало-М», 2002. — С. 172.
6. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик (Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри) / Р.Кабулов, А.А.Отажонов ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. — Б. 94.
7. Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) : ОУЮ учун дарслик. — Т.: “ИЛМ ЗИЁ” нашриёти, 2005. — Б. 107-108.
8. Уголовное право. Общая часть: Учебник / Под ред. В.Н.Петрашева.-М.:Изд-во «ПРИОР», 1999.- С. 154.
9. Энциклопедия уголовного права. Т.4. Состав преступления.-Издание В.Б.Малинина.-СПб.,2005.-С.239.
10. Энциклопедия уголовного права. Т.4. Состав преступления. -Издание В.Б.Малинина.-СПб.,2005.-С. 241.
11. Трайнин А.Н. Избранные труды / Составление, вступительная статья Н.Ф. Кузнецовой. - СПб.: Изд-во «Юридический центр Пресс», 2004. — С. 79.
12. Тимейко Г.В. Общее учение об объективной стороне преступления. — Издательство Ростовского университета, 1977. — С. 10.
13. Кудрявцев В.Н. Объективная сторона преступления. - М.: Изд-во юридической литературы, 1960. — С. 10.
14. Бойцов А.И. Действие уголовного закона во времени и в пространстве. — СПб., 1995. — С. 5.
15. Панов Н.И. Способ совершения преступления и уголовная ответственность. - Харьков: Изд-во «Высшая школа», 1982. — С. 20.
16. Козлов А.П. Понятие преступления. - СПб.: Изд-во «Юридический центр Пресс», 2004. — С. 196.
17. Курс уголовного права. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, И.М. Тяжковой. - М.: ИКД «Зерцало-М», 2002. — С. 174; Уголовное право. Общая часть: Учебник / Под ред. Л.Д. Гаухмана и СВ. Максимова. - М.: Изд-во Эксмо, 2004. — С. 142; Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Под ред. Л.В. Иногамовой-Хегай, А.И. Рарога, А.И. Чучаева. - М.: ИНФРА-М: КОНТРАКТ, 2004. — С. 149; Уголовное право. Общая и Особенная части: Учебник для вузов / Под ред. Н.Г. Кадникова. - М.: ОАО «Издательский Дом «Городец», 2006. — С. 125; Малинин В.Б., Парфенов А.Ф. Объективная сторона преступления. - СПб.: Изд-во Юридического института (Санкт-Петербург), 2004. — С. 8 ва бошқалар.
18. Кузнецов А.П., Степанов М.В., Ситникова М.Л. Толкование пленумом Верховного Суда РФ уголовного законодательства об ответственности за хищения. - Ростов-на-Дону: Монография, 2003. — С. 52; Борбат А.В., Завидов Б.Д. Состав преступления как основание уголовной ответственности. - М.: Юрист, 2005 — С. 84; Уголовное право России. Общая и Особенная части: Учебник / Под ред. В.К. Дуюнова. - М.: ПРИОР, 2008. — С. 90; Бойко А.И. Преступное бездействие. - СПб.: Изд-во «Юридический центр Пресс», 2003. — С. 28; Уголовное право. Общая часть: Учебник / Под ред. В.Н. Петрашева. - М.: Изд-во «ПРИОР», 1999. — С. 134 ва бошқалар.
19. Уголовный кодекс Российской Федерации Статья 63,2018; Уголовный кодекс Республика Таджикистан Статья 62, 2018 год.; Уголовный кодекс Республика Казахстан. Статья 54, 2018 год.; Уголовный кодекс Республика Киргизистан. Статья 55, 2018 год // http://www.pravoteka24.com/zakony-drugih-stran/190-ugolovnyy_kodeks_stran_sng.html

Давронов Атобек Равшанович,
заведующий кабинетом Кафедры по организации борьбы
с экономическими преступлениями и легализацией преступных доходов
Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

ОСНОВНЫЕ ПРЕИМУЩЕСТВА И НЕДОСТАТКИ КРИПТОВАЛЮТЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

- ◆ Ушбу мақолада криптовалюталарни жиний фаолиятда фойдаланиш ўрганилган, шунингдек рақамли иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчилик ҳақида таҳлил келтириб ўтилган.
- ◆ В данной статье изучено использование криптовалюты в преступной деятельности, также проводится анализ законодательство о цифровой экономике.
- ◆ This article explores the use of crypto assets in criminal activities, also analyzes the law on digital economy.

Таянч сўзлар: криптовалюта, рақамли иқтисодиёт, биткоин, жиний фаолият, блокчейн, крипто-биржа.

Ключевые слова: криптовалюта, цифровая экономика, биткоин, преступная деятельность, блокчейн, крипто-биржа.

Key words: cryptocurrency, digital economy, bitcoin, criminal activity, blockchain, crypto-exchange.

В соответствии со статьей 1 Закона Республики Узбекистан “О валютном регулировании” денежной единицей в Республики Узбекистан является сум.¹ К валютным ценностям относятся иностранная валюта, ценные бумаги в иностранной валюте - фондовые ценности (акции, облигации и другие), платежные документы в иностранной валюте (чеки, векселя, аккредитивы и другие), драгоценные металлы - золото, серебро, платина и металлы платиновой группы (палладий, иридий, родий, рутений и осмий) в любом виде и состоянии, за исключением ювелирных и других бытовых изделий из этих металлов, а также лома таких изделий), природные драгоценные камни - алмазы, рубины, изумруды, сапфиры и александриты в сыром и обработанном виде, а также жемчуг, за исключением ювелирных и других бытовых изделий из этих камней и лома таких изделий. Между тем протекающие эволюционные процессы во всех сферах жизнедеятельности человека, в первую очередь в области разработки и применения информационных технологий, оказали существенное влияние на образ жизни современного человека, в том числе в сфере использования им финансовых средств.

Информатизация кредитно-финансовой системы бесповоротно предопределила появление и активное применение современных механизмов осуществления финансовых расчетов, а также

постоянное совершенствование технических средств и методов, используемых в финансовой деятельности. Как следствие, процедуры оплаты услуг, приобретения товаров вышли на качественно новый уровень. Появились инновационные способы осуществления денежных расчетов, где вслед за традиционным расчетным обслуживанием сначала стало возможным внедрение технологий дистанционного

электронных денежных средств (Visa, QIWI, Wallet, WebMoney, Яндекс Деньги и др.). Безусловно, наряду с положительными результатами приходится констатировать в обозначенной сфере жизнедеятельности и ряд негативных факторов, поскольку подобные инновационные технологические решения также нашли широкое применение и в преступных целях.

В 2008 году человеком или группой людей под псевдонимом Сатоси Накамото был опубликован файл с описанием протокола и принципа работы платёжной системы в виде одноранговой сети. По словам Сатоси, разработка началась в 2007 году. В 2009 году он закончил разработку протокола и опубликовал код программы-клиента.

3 января 2009 года был сгенерирован первый блок и первые 50 биткойнов. Первая транзакция по переводу биткойнов произошла 12 января 2009 года — Сатоси Накамото отправил Хэлу Финни 10 биткойнов. Первый обмен биткойнов

на национальные деньги произошёл в сентябре 2009 года — Марти Малми (Martti Malmi) отправил пользователю с псевдонимом New Liberty Standard 5050 биткойнов, за которые получил на свой счёт в PayPal 5,02 доллара. New Liberty Standard предложил использовать для оценки биткойнов стоимость электроэнергии, затрачиваемой на генерацию.

Первый обмен биткойнов на реальный товар произошёл в мае 2010 года — американец Ласло Ханеч за 10 000 биткойнов получил две пиццы с доставкой.

Дальнейшую разработку организует и координирует сообщество разработчиков, при этом любые значительные изменения в протоколе должны быть приняты большинством владельцев майнинговых пулов.

1 августа 2017 года структура блоков в блокчейне была изменена. Группа разработчиков и майнеров запустила форк «Биткойна» под названием «Bitcoin Cash». Новая криптовалюта имеет общую историю с «Биткойном»: обратную совместимость по структуре блока до 1 августа, но имеет несовместимую структуру после 1 августа.²

Анализ практики показывает, что организованная преступность на фоне осведомленности о формах, методах, силах и средствах оперативно-розыскной деятельности, высокого уровня материально-технического и финансового обеспечения при подготовке и совершении преступлений все динамичнее применяет неограниченные возможности сети Интернет, используя особенности его технического построения и функционирования, в том числе по вопросам оборота денежных средств. Как показывает практика, появление многочисленных программных решений, современных технических средств и способов анонимизации личности пользователя сети Интернет обеспечило достаточный уровень безопасности субъектов преступной деятельности посредством сокрытия следов их противоправной деятельности, в том числе и по финансовым вопросам. В частности, уже сегодня приходится констатировать, что оборот криминальных денежных средств (легализация, вывод за рубеж, обналичивание и др.) активно осуществляется посредством конвертации реальной денежной платежной единицы в виртуальную валюту, где ее оборот в силу особенностей технического построения физически лишен контроля со стороны организаций кредитно-банковской сферы и иных заинтересованных лиц. Например, Полиция США в январе 2014 г. обвинила BitInstant bitcoin exchange в использовании криптовалюты биткоин при реализации наркотических средств. Она была представлена в 2008 г. и с тех пор стоимость одного биткоина выросла с пяти центов в 2009 г. до суммы более чем тысяча

двести долларов в 2013 г, а сейчас его стоимость оценивается 6500 долларов.³ Данная криптовалюта запрещена во многих странах. В ряде других государств она рассматривается или как иностранная валюта, или как цифровой товар, или же вообще отсутствует какая-либо четкая позиция по вопросу, к чему можно отнести подобные криптовалюты, как их контролировать и какие нормативные акты должны регулировать их использование. Однако подавляющее большинство государств не отрицают огромную роль подобных платежных средств в теневой экономике, их возможность использования для отмывания денег, а также высокий риск использования подобных финансовых инструментов гражданами и юридическими лицами.

Как отмечено в отчете группы разработки финансовых мер борьбы с отмыванием денег (The Financial Action Task Force, далее — FATF), под виртуальной валютой понимается средство выражения стоимости, представленное в цифровом формате и выступающее в качестве средства обмена, либо расчетной денежной единицы, либо средства хранения стоимости и при этом не подпадающее под понятие законного платежного средства, т.е. не являющееся официально действующим законным средством платежа при расчетах с кредиторами.⁴

В этом же отчете указан самый распространенный вид децентрализованной виртуальной валюты — криптовалюта, представляющая собой распределенную, основанную на математических принципах пиринговую виртуальную валюту с открытым исходным кодом, при использовании которой отсутствует централизованный администратор, а также соответствующие контроль и надзор (Bitcoin, LiteCoin, Ripple) со стороны государственных органов или иных третьих лиц.

Согласно отчету, FATF наиболее востребованным видом криптовалюты является Bitcoin, разработанный неизвестным для широкой общественности программистом (или группой программистов), выступающим под псевдонимом Satoshi Nakamoto, под авторством которого в ноябре 2008 г. была опубликована «Белая книга» с описанием механизма функционирования Bitcoin и его протокола.⁵

Безусловно, активное использование подобных технологических решений требует принятия адекватных мер со стороны государства в целях регулирования и должного контроля за процессом оборота криптовалют.

В современных условиях на фоне наличия недостатков правового, организационного и тактического характера в законодательной и правоприменительной деятельности приходится констатировать отсутствие механизма регулирования данного явления как такового. В частности, не-

разрешенными с законодательной, организационной и технической точки зрения остаются проблемы деанонимизации личности лиц, использующих криптоактивы, децентрализованный характер функционирования криптовалют, вопросы международного сотрудничества с правоохранительными органами иностранных государств по вопросам использования криптовалюты в преступной деятельности и др. Разумеется, все эти нововведения требуют научного осмысления, глубоких фундаментальных исследований, обмена опытом и др., что в итоге должно трансформироваться в совокупность действенных мер со стороны государства.

Так, Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев 3 июля 2018 года подписал постановление о мерах по развитию цифровой экономики.

В постановлении определены важнейшие задачи по развитию цифровой экономики:

— внедрение и развитие деятельности в области оборота криптоактивов, включая майнинг (деятельность по поддержанию распределительной платформы и созданию новых блоков с возможностью получать вознаграждение в формате новых единиц и комиссионных сборов в различных криптовалютах), смарт-контракты (договор в электронной форме, исполнение прав и обязанностей по которому осуществляется путем совершения в автоматическом порядке цифровых транзакций), консалтинг, эмиссию, обмен, хранение, распределение, управление, страхование, краудфандинг (коллективное финансирование), а также технологий «блокчейн» для диверсификации различных форм инвестиционной и предпринимательской деятельности;

— подготовка квалифицированных кадров в сфере разработки и использования технологий «блокчейн», обладающих практическими навыками работы с использованием современных ИКТ;

— всестороннее развитие сотрудничества с международными и зарубежными организациями в сфере деятельности по крипто-активам и технологий «блокчейн», привлечение высококвалифицированных зарубежных специалистов в области разработки технологий «блокчейн» для совместной реализации проектов в цифровой экономике;

— создание необходимой правовой базы для внедрения технологий «блокчейн» с учетом передового опыта зарубежных стран;

— обеспечение тесного взаимодействия государственных органов и субъектов предпринимательства в сфере внедрения инновационных идей, технологий и разработок для дальнейшего развития цифровой экономики.

Кроме того, согласно документу, Национальное агентство проектного управления (НАПУ) при президенте становится уполномоченным органом

в сфере внедрения и развития цифровой экономики. Агентство будет определять сферы деятельности, в которых будет внедряться блокчейн. Кроме того, проекты нормативно-правовых актов, предусматривающие развитие цифровой экономики и внедрение блокчейна, подлежат в обязательном порядке экспертизе в НАПУ.

Операции юридических и физических лиц, связанные с оборотом криптоактивов, в том числе осуществляемые нерезидентами, не являются объектами налогообложения, а доходы, полученные по данным операциям, не включаются в налогооблагаемую базу по налогам и другим обязательным платежам.

На валютные операции, связанные с оборотом криптоактивов, проводимые лицами, имеющими соответствующую лицензию, не будут распространяться нормы законодательства о валютном регулировании.⁶

2 сентября 2018 года Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев подписал постановление о мерах по организации деятельности крипто-бирж. Документом определяется понятие и порядок работы крипто-бирж.

Крипто-биржей признается организация, предоставляющая электронную площадку для обмена, покупки и продажи крипто-активов. Крипто-активы — совокупность записей в блокчейне, имеющая ценность и владельца.

На деятельность по обороту крипто-активов и крипто-бирж не распространяется законодательство о ценных бумагах, биржах и биржевой деятельности.

Операции, связанные с оборотом крипто-активов, не облагаются налогом, а доходы не включаются в налогооблагаемую базу.

Лицензия на осуществление деятельности крипто-бирж выдается исключительно иностранным юридическим лицам посредством открытия дочерних или иных предприятий в Узбекистане.

Уставной фонд крипто-биржи должен составлять не менее 30 тысяч МРЗП (5,5 млрд сумов на день публикации), из них 20 тысяч долларов резервируются на отдельном счете в коммерческом банке Узбекистана.

У компании должна быть функционирующая электронная система крипто-биржевых торгов, размещенных на серверах, которые находятся на территории Узбекистана, и правила крипто-биржевой торговли:

— порядок допуска к крипто-биржевым торгам участников;

— меры, направленные на обеспечение выполнения требований законодательства о противодействии легализации доходов, полученных от преступной деятельности и финансировании терроризма;

— процедуры допуска к обращению и исклю-

чению из обращения крипто-активов;

- порядок осуществления и регистрации операций с крипто-активами;
- порядок взаимных расчетов участников крипто-биржевой торговли при заключении сделок;
- размер платы за пользование услугами крипто-биржи и порядок его определения;
- меры по предотвращению манипулирования ценами на крипто-бирже и неправомерного использования конфиденциальности данных;
- запрет на использование крипто-активов в противоправных целях.

Котировки крипто-активов формируются на основе соотношения спроса и предложения. Информация об операциях с крипто-активами клиентов, а также их идентификационные данные и материалы по взаимоотношениям с клиентами (включая деловую переписку), должна храниться в течение пяти лет.

Крипто-биржи имеют право получать за услуги вознаграждение, в том числе крипто-активами, устанавливать его размер и порядок взимания. Кроме того, они могут организовать биржевые сделки с резидентами и нерезидентами Узбекистана, направленные на приобретение и (или) отчуждение крипто-активов за национальную и иностранную валюту, а также их обмен на иные крипто-активы.⁷

Что касается минусов криптовалюты то, в сентябре 2017 года Центральный банк Республики Узбекистан у себя на сайте опубликовал офици-

альную позицию регулятора касательно обращения криптовалют в стране. В частности, в заявлении Центрального банка страны отмечается, что широкое использование анонимных операций с криптовалютами, “открывает двери” незаконному обороту денег и мошенничеству, а в некоторых странах служит еще большему росту теневого сектора экономики.

Также, по мнению Центрального банка Республики Узбекистан, криптовалюты представляют собой “удобное средство” для финансирования терроризма и других преступных действий, которое, помимо прочего, ограничивает возможности центральных банков по контролю за оборотом денежных средств и “проведению свободной денежно-кредитной политики”.

Более того, аналитики из Центробанка Узбекистана убеждены, что криптовалюты не могут выполнять все функции денег, а также лишены какого-либо резервного обеспечения, что, в свою очередь, делает их “производным средством с быстро меняющейся стоимостью”. Такое положение вещей, по мнению ЦБ Узбекистана, может послужить причиной сокращения стоимости крипто валют и финансовых потерь среди населения. Также на сайте Центробанка отмечается, что законодательство Республики Узбекистан не предусматривает оплату или другие операции с использованием криптовалют, а потому регулятор “не рекомендует населению участвовать в операциях с криптовалютами”.⁸



¹ Закон Республики Узбекистан “О валютном регулировании” № 556-II от 11.12.2003г. Ст. 1

² Фомин В.Г. Сокровища ботанов: все, что важно знать о валюте будущего — биткоинах. 2011 год.

³ Закрытый мир финансов. Трасты и оффшоры. 2017 <https://freedocs.xyz/pdf-463726297>.

⁴ Виртуальные валюты. Ключевые определения и потенциальные риски в сфере ПОД/ФТ: отчет ФАТФ. URL: http://www.eurasiangroup.org/files/FATF_docs/Virtualnye_valyuty_FATF_2014.pdf (дата обращения: 09.10.2018)

⁵ Савельев А. И. Электронная коммерция в России и за рубежом: правовое регулирование. 2-е изд. М., 2016.

⁶ Постановление Президента Республики Узбекистан “О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан” № ПП-3832 от 03.07.2018г.

⁷ Постановление Президента Республики Узбекистан “О мерах по организации деятельности крипто-бирж в Республики Узбекистан” № ПП-3926 от 02.11.2018 года.

⁸ “О криптовалюте в Республики Узбекистан” <http://cbu.uz/uzc/press-tsentr/press-relizy/2017/09/93262/>. Дата обращения: 09.10.2018)

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;

– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

– ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.

Мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: proacademy@prokuratura.uz



Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси»:

– статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;

– исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;

– достоверность и корректность приводимой в статье информации;

– к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;

– представление статьи на узбекском и русском языках;

– статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;

– объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;

– на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний или служебный адрес, телефоны автора;

– ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках.

Статьи направлять по адресу: proacademy@prokuratura.uz

